

ISSN: 2181-9416



ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ

ВЕСТНИК ЮРИСТА * LAWYER HERALD

ҲУҚУҚИЙ, ИЖТИМОИЙ, ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛ



CYBERLENINKA

НАУЧНАЯ ЭЛЕКТРОННАЯ
БИБЛИОТЕКА
LIBRARY.RU

ISSN 2181-9416
Doi Journal 10.26739/2181-9416

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ

5 СОН, 2 ЖИЛД

ВЕСТНИК ЮРИСТА

НОМЕР 5, ВЫПУСК 2

LAWYER HERALD

VOLUME 5, ISSUE 2



TOSHKENT-2022

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ

ҳуқуқий, ижтимоий, илмий-амалий журнали

№5 (2022) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2022-5>

Бош муҳаррир:
Рабиев Шерзод Миржалилович

Адлия вазирлиги қошидаги
Юристар малакасини ошириш
маркази директори

Бош муҳаррир ўринбосари:
Отажонов Аброржон Анварович

Адлия вазирлиги қошидаги
Юристар малакасини ошириш маркази
профессори, юридик фанлари доктори,
профессор

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ

ҳуқуқий, ижтимоий, илмий-амалий журнали

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Окюлов Омонбой

*Юристар малакасини ошириш маркази
профессори, юридик фанлари доктори,
профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат
кўрсатган юрист*

Саидова Лола Абдувахидовна

Юридик фанлари доктори

Тошев Бобокул Норқобилович

Юридик фанлари доктори, профессор

Мамасиддиқов Музаффаржон Мусажонович

*Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси
Академияси бошлигининг ўринбосари, юридик
фанлари доктори, профессор*

Отахонов Фозилжон Хайдарович

*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
ҳузуридаги қонунчилик муаммолари ва
парламент тадқиқотлари институтининг
директори, юридик
фанлари доктори, профессор*

Баймолдина Зауреш Хамитовна

*Қозғистон Республикаси Олий Суди
Академияси ректори, юридик фанлари номзоди*

Годунов Валерий Николаевич

*Белорус давлат университети ўқув муассасаси
"Судьялар, прокуратура, суд ва адлия
муассасалари ходимларини қайта тайёрлаш ва
малакасини ошириш институти" директори,
юридик фанлари доктори, профессор*

Масъул котиб:

Раҳманов Шухрат Наимович

*Юристар малакасини ошириш маркази
кафедра мудири, юридик фанлари номзоди*

Саҳифаловчи: Халиков Миртоҳир Мирзакирович

Контакт редакцији журнали:

100001, город Ташкент, улица Катта Дархон, 6.

WEB: yuristjournal.uz

E-mail: info@yuristjournal.uz

yuristjournal@gmail.com

Телефон: (+99871) 2345345

Contact Editorial Staff

100001, Katta Darhon str. 6, Tashkent, Uzbekistan

WEB: yuristjournal.uz

E-mail: info@yuristjournal.uz

yuristjournal@gmail.com

Telephone: (+99871) 2345345

Общественно-правовой и научно-практический журнал
ВЕСТНИК ЮРИСТА

№5 (2022) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2022-5>

Главный редактор:
Рабиев Шерзод Миржалилович

Директор Центра повышения
квалификации юристов при Министерстве
юстиции

Заместитель главного редактора:
Отажонов Абборжон Анварович

Профессор Центра повышения
квалификации юристов при Министерстве
юстиции, доктор юридических наук,
профессор

РЕДАКЦИОННАЯ КОЛЛЕГИЯ:

Общественно-правовой и научно-практический журнал
ВЕСТНИК ЮРИСТА

Окюлов Омонбой

*Профессор Центра повышения квалификации
юристов, доктор юридических наук, профессор,
Заслуженный юрист Республики Узбекистан*

Саидова Лола Абдувахидовна

Доктор юридических наук

Тошев Бобокул Норкobilович

Доктор юридических наук, профессор

Мамасиддиков Музаффаржон Мусаждонович

*Заместитель начальника Академии Генеральной
прокуратуры Республики Узбекистан, доктор
юридических наук, профессор*

Отаждонов Фозилжон Хайдарович

*Директор Института проблем
законодательства и парламентских
исследований при Олий Мажлисе Республики
Узбекистан, доктор юридических наук,
профессор*

Баймолдина Зауреш Хамитовна

*Ректор Академии правосудия при Верховном
Суде Республики Казахстан, кандидат
юридических наук*

Годунов Валерий Николаевич

*Директор учреждения образования
"Институт переподготовки и повышения
квалификации судей, работников прокуратуры,
судов и учреждений юстиции Белорусского
государственного университета", доктор
юридических наук, профессор*

Масъул котиб:

Рахманов Шухрат Наимович

*Заведующий кафедрой Центра повышения
квалификации юристов, кандидат юридических
наук*

Верстка: Халиков Миртохир Мирзакирович

Контакт редакции журнала:

100001, город Ташкент, улица Катта Дархон, 6.
WEB: yuristjournal.uz
E-mail: info@yuristjournal.uz
yuristjournal@gmail.com
Телефон: (+99871) 2345345

Contact Editorial Staff

100001, Katta Darhon str. 6, Tashkent, Uzbekistan
WEB: yuristjournal.uz
E-mail: info@yuristjournal.uz
yuristjournal@gmail.com
Telephone: (+99871) 2345345

**Public, legal and scientific-practical journal of
LAWYER HERALD
№5 (2022) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2022-5>**

**Chief Editor:
Rabiyev Sherzod Mirjalilovich**

Director of the Lawyers' Training Center
under the Ministry of Justice

**Deputy Chief Editor:
Otajonov Abrorjon**

Professor at the Lawyers' Training Center,
Doctor of Law Sciences, Professor

EDITORIAL BOARD

**Public, legal and scientific-practical journal of
LAWYER HERALD**

Oqyulov Omonboy

*Professor at the Lawyers' Training Center, Doctor
of Law Sciences, Professor, Honored Lawyer of
the Republic of Uzbekistan*

Saidova Lola

Doctor of Law Sciences

Toshev Bobokul

Doctor of Law Sciences, Professor

Mamasiddikov Muzaffarjon

*Deputy Head of the Academy of the General
Prosecutor's office of the Republic of Uzbekistan,
Doctor of Law Sciences, Professor*

Otaxonov Foziljon

*Director of the Legislation and Parliamentary
Research Institute under the Oliy Majlis of the
Republic of Uzbekistan
Doctor of Law Science, Professor*

Baymoldina Zauresh

*Rector of the Academy of Justice at the Supreme
Court of the Republic of Kazakhstan, Candidate of
Legal Sciences*

Godunov Valeriy

*Director of the educational institution «Institute
for retraining and advanced training of judges,
employees of the prosecutor's office, courts
and justice institutions of the Belarusian State
University», Doctor of Law Sciences, Professor*

**Executive Editor:
Rakhmanov Shukhrat**

*Head of the Department at the Lawyers' Training
Center, Candidate of Juridical Science*

Pagemaker: Khalikov Mirtokhir

Контакт редакции журнала:

100001, город Ташкент, улица Катта Дархон, 6.
WEB: yuristjournal.uz
E-mail: info@yuristjournal.uz
yuristjournal@gmail.com
Телефон: (+99871) 2345345

Contact Editorial Staff

100001, Katta Darhon str. 6, Tashkent, Uzbekistan
WEB: yuristjournal.uz
E-mail: info@yuristjournal.uz
yuristjournal@gmail.com
Telephone: (+99871) 2345345

МУНДАРИЖА / СОДЕРЖАНИЕ / CONTENT

ДАВЛАТ ВА ҲУҚУҚ НАЗАРИЯСИ ВА ТАРИХИ. ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ТАРИХИ

1. ҚОДИРОВ Умиджон Абдимуратович ДАВЛАТНИНГ ИЖТИМОИЙ СИЁСАТИ ВА ФУНКЦИЯСИНинг АЛОҚАДОРЛИГИ.....	8
---	---

КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҚУҚ. МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚ. МОЛИЯ ВА БОЖХОНА ҲУҚУҚИ

2. ЙЎЛДОШЕВ Азизжон Эргаш ўғли ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИ ОЧИҚ ҲАЙЪАТ МАЖЛИСЛАРИНИ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ.....	17
3. МАХКАМОВ Дурбек Нематович ЎСИМЛИК ДУНЁСИ ОБЪЕКТЛАРИНИНГ ДАВЛАТ КАДАСТРИ ҚОНУНЧИЛИГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ.....	25
4. ИЛҲОМЖОНОВ Бахромжон Махкамжонович НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ ОРҚАЛИ ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ.....	31
5. РАХМОНОВ Бекзод Хасанович ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ СОҲАСИДА КОРРУПЦИЯВИЙ ХАВФ-ХАТАРЛАРНИ БАҲОЛАШ АМАЛИЁТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ ВА ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ.....	39
6. РЎЗИЕВ Аҳрор Икромович НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТ ЛОЙИҲАЛАРИНИНГ ТАРТИБГА СОЛИШ ТАЪСИРИНИ БАҲОЛАШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ.....	46

ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИ. ТАДБИРКОРЛИК ҲУҚУҚИ. ОИЛА ҲУҚУҚИ. ХАЛҚАРО ХУСУСИЙ ҲУҚУҚ

7. ОДИНАЕВ Адҳам Саъдуллоевич НЕУСТОЙКА ҚЎЛЛАШНИ ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ.....	52
8. ЮЛДАШОВ Абдумумин Абдугопирович ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНинг ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК, АЛОҚА ВА АХБОРОТ СОҲАСИДАГИ НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРДА МУАЛЛИФЛИК ҲУҚУҚИНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШГА ДОИР НОРМАЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ.....	58
9. ЯКУБОВ Ахтам Нусратуллоевич РАҚАМЛИ АКТИВНИ ТУШУНИШ БЎЙИЧА ДОКТРИНАЛ ЁНДАШУВЛАР ВА ХАЛҚАРО ТАЖРИБА.....	65
10. САИДОВ Максудбек Норбоевич ВОПРОСЫ ОСУЩЕСТВЛЕНИЯ ПРАВ УЧАСТНИКОВ НЕПЛАТЕЖЕСПОСОБНОГО ОБЩЕСТВА С ОГРАНИЧЕННОЙ ОТВЕТСТВЕННОСТЬЮ.....	75
11. БОЗАРОВ Сардор Сохибжонович СУНЬИЙ ИНТЕЛЛЕКТ СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ДОИРАСИДАГИ АХЛОҚИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ ТУСДАГИ МАСАЛАЛАР.....	84

ЖИНОЯТ ҲУҚУҚИ, ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ. КРИМИНОЛОГИЯ. ЖИНОЯТ-ИЖРОИЯ ҲУҚУҚИ

12. САИДБЕКОВ Бобурбек Рустамбекович ЖИНОЯТ ҚОНУНЧИЛИГИДА ХУСУСИЙ МУЛК МУҲОФАЗАСИ ВА ХАБЕАС КОРПУС ИНСТИТУТИ ДОИРАСИДА МУЛКИЙ ҲУҚУҚЛАРНИ ҲИМОЯЛАШ МАСАЛАЛАРИ.....	90
--	----

МУНДАРИЖА / СОДЕРЖАНИЕ / CONTENT

ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИ. КРИМИНАЛИСТИКА, ТЕЗКОР-ҚИДИРУВ ҲУҚУҚ ВА СУД ЭКСПЕРТИЗАСИ

13. ПОЛВОНОВ Нажмиддин Аслиддинович ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА МОЛ-МУЛКИ МУСОДАРА ҚИЛИНИШИ МУМКИН БЎЛГАН ШАХСЛАР ДОИРАСИ	97
14. ТОШЕВ Отабек Содиқович ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИГА АЙБГА ИҚРОРЛИК ТЎҒРИСИДА КЕЛИШУВ ИНСТИТУТИНИНГ ЖОРИЙ ЭТИШ МАҚСАДИ ВА ИЖТИМОИЙ ЗАРУРАТИ	103
15. РОМАДАНОВА Таисия Александровна, МУХАМЕДЖАНОВА Мадина Махкамжановна ИШЛАБ ЧИҚАРИШ-ТЕХНОЛОГИК МЕХАНИЗМЛАР ИЗЛАРИНИНГ ТРАСОЛОГИК ЭКСПЕРТИЗАЛАРИНИ ЎТКАЗИШДА ПРОФИЛАКТИК ФАОЛИЯТ	111

ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ ВА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ

16. СУЛАЙМАНОВ Одилжон Раббимович СУДЬЯЛАРНИНГ ХОЛИСЛИГИ ДЕМОКРАТИЯ ВА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ МУҲИМ МЕЗОНИ.....	115
17. ОТАЖОНОВ Абдоржон Анварович, БАРАТОВА Дилноза Одилжон қизи МЕҲНАТКАШ-МИГРАНТ ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ МИГРАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИНИНГ ЎЗИГА ХОС СУБЪЕКТЛАРИ СИФАТИДАГИ МАҚОМИ.....	125
18. АЪЗАМХУЖАЕВ Умидхон Шавкат угли МЕЖДУНАРОДНОЕ ДОГОВОРНО-ПРАВОВОЕ РАЗВИТИЕ ТРАНСПОРТНОЙ СЕТИ ВЕЛИКОГО ШЕЛКОВОГО ПУТИ.....	134

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

ДАВЛАТ ВА ҲУҚУҚ НАЗАРИЯСИ ВА ТАРИХИ. ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ТАРИХИ

ҚОДИРОВ Умиджон Абдимуратович

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Магистратура Ҳуқуқий
фанлар кафедраси бошлиғи, юридик фанлари номзоди, доцент

ДАВЛАТНИНГ ИЖТИМОЙ СИЁСАТИ ВА ФУНКЦИЯСИНING АЛОҚАДОРЛИГИ

For citation (иқтибос келтириш учун, для цитирования): ҚОДИРОВ У.А. Давлатнинг ижтимоий сиёсати ва функциясининг алоқадорлиги // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 5 (2022) Б. 8-16.

 5 (2022) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2022-5-1>

АННОТАЦИЯ

Мақолада давлатнинг ижтимоий сиёсати ва давлатнинг ижтимоий функция тушунчаси, моҳияти, таснифи, ўзига хос хусусиятлари ҳамда уларнинг ўзаро алоқадорлиги илмий-назарий таҳлил этилган ҳамда бугунги кунда замонавий давлатнинг ижтимоий сиёсати ва ижтимоий функцияси қандай бўлиши кераклиги тавсифланган. Ишда ижтимоий сиёсат фуқароларнинг нафақат моддий муаммоларинигина ҳал қилишга қаратилган фаолият сифатида қаралмай, балки давлат ички сиёсатининг асосий қисмини ўзида ифода этишига доир қарашлар илгари сурилган. Бугунги кунда “ижтимоий сиёсат”, “ижтимоий ҳимоя” каби тушунчалар аввалгисидан фарқ қилиб, ҳаётимизда содир бўлаётган ўзгаришларни тобора кўпроқ ўзида акс эттириши тадқиқ этилган.

Мақолада ижтимоий ҳимоя қилиш сиёсати муҳтожларга моддий ёки пул шаклида ёрдам кўрсатишдангина иборат бўлмасдан, мамлакат ижтимоий инфратузилмасининг нормал ишини таъминлаш, бу соҳада самарали давлат ва жамоат бошқарувини амалга ошириш, фуқаролар учун ҳар томонлама қулай яшаш шароитларини таъминлаб бериш масалаларини ўз ичига олиши илгари сурилган. Шу билан бирга ишда давлатнинг ижтимоий сиёсати ва давлатнинг ижтимоий функциясини такомиллаштириш масалалари ҳақида сўз юритилган.

Калит сўзлар: давлат, функция, ижтимоий давлат, ижтимоий функция, ижтимоий сиёсат, ижтимоий соҳа, ижтимоий ёрдам, ижтимоий ҳимоя.

КОДИРОВ Умиджон Абдимуратович

Начальник кафедры юридической дисциплины магистратуры МВД
Академии Республики Узбекистан, кандидат юридических наук, доцент

ВЗАИМОСВЯЗЬ СОЦИАЛЬНОЙ ПОЛИТИКИ И ФУНКЦИИ ГОСУДАРСТВА**АННОТАЦИЯ**

В статье научно и теоретически анализируются понятие, сущность, классификация, особенности социальной политики и функции государства, и их взаимосвязь, дается описание социальной политики и функция современного государства. В работе высказывается мнение, что социальная политика является не только деятельностью, направленной на решение материальных проблем граждан, но и представляет собой основную часть внутренней политики государства. Сегодня, такие понятия, как «социальная политика» и «социальная защита», отличаются от прежних, в связи с чем, было изучено, то, что они все больше отражают изменения, происходящие в нашей жизни.

Предлагается, чтобы политика социальной защиты заключалась не только в оказании материальной или денежной помощи нуждающимся, но и в обеспечении нормального функционирования социальной инфраструктуры страны, и осуществления эффективного государственного и общественного управления в этой сфере. В работе рассмотрены вопросы социальной политики государства и совершенствования ее социальной функции.

Ключевые слова: государство, функция, социальное государство, социальная функция, социальная политика, социальная сфера, социальная помощь, социальная защита.

KODIROV Umidjon

Head of the Master's Department of Law sciences, Academy of the MIA of the Republic of Uzbekistan, candidate of legal sciences, associate professor

THE RELATIONSHIP OF SOCIAL POLICY AND FUNCTION OF THE STATE**ANNOTATION**

This article theoretically analyzes the concept, essence, classification, specific features of the social policy, function of the state and their relationship. In addition, the article describes how the social policy and social function of a modern state should be today. The proposal has been suggested that social policy is not only an activity aimed at solving the material problems of citizens, but also represents the main part of the state's internal policy. Today, concepts such as «social policy» and «social protection» differ from the previous ones, and it has been studied that they increasingly reflect the changes taking place in our lives.

It is also proposed that the social protection policy does not consist only of providing assistance to the needy in the form of material or money, but also includes the issues of ensuring the normal operation of the country's social infrastructure, implementing effective state and public administration in this area, and providing all-round comfortable living conditions for citizens. Furthermore, the issue of the social policy of the state and improvement of the social function of the state is thoroughly discussed in this article.

Keywords: state, function, social state, social function, social policy, social sphere, social assistance, social protection.

Инсоният тарихи ва фан инсонларнинг шахсий ва ижтимоий онги асосан, ташқи, моддий омиллар ва шароитлар таъсири остида шаклланганлигини исботлади. Замонавий давлат ўзини дунёнинг қурувчиси сифатида эмас, балки бошқа бировнинг фаровонлигининг яратувчиси, ҳиссиётли, ижодий, индивидуал мавжудот сифатида

ҳис қилиши ва ўзини намоён қилиши учун давлат атрофдаги шароитларни тегишли равишда тартибга солиши керак эканлигини исботлади.

Бугунги кунда кўпгина мамлакатларнинг давлат ривожланишидаги умумий тенденциялари шундан иборатки, глобаллашув ва иқтисодий инқирозлар таъсирида ижтимоий сиёсат аста-секин либераллаштирилмоқда. Бу эса давлатнинг ижтимоий соҳадаги иштирокини пасайишига олиб келади.

Фикримизча, ижтимоий сиёсат бозор иқтисодиётининг таркибий қисми бўлиб, унинг қандай амалга оширилаётгани, мамлакатнинг иқтисодий ўсиши ва аҳолининг бандлиги билан боғлиқдир. Эндиликда мамлакатимизда ижтимоий сиёсат жамият аъзоларининг моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондириш билан боғлиқ ҳуқуқий, ташкилий, иқтисодий ва бошқа йўналишларни ўзида комплекс мужассамлаштирган давлат сиёсати даражасида амал қилаётган бўлса, ижтимоий ҳимоя сиёсати давлат томонидан аҳолини ижтимоий ҳимояга муҳтожлар қатламларини моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, зарур инфратузилмани шакллантириш ва улар нормал фаолиятини таъминлаш, бу соҳанинг самарали бошқарувини амалга ошириш, фуқаролар учун ҳар томонлама қулай яшаш ва меҳнат шароитларини таъминлаб беришга қаратилган чора-тадбирлар мажмуаси сифатида намоён бўлмоқда.

Бугунги кунда “ижтимоий сиёсат”, “ижтимоий ҳимоя” каби тушунчалар аввалгисидан фарқ қилиб, ҳаётимизда содир бўлаётган ўзгаришларни тобора кўпроқ ўзида акс эттирмоқда. Шу сабабли эндиликда ижтимоий сиёсат фуқароларнинг фақат моддий муаммоларинигина ҳал қилишга қаратилган фаолият бўлмай, балки давлат ички сиёсатининг асосий қисмини ўзида ифода этади. Ижтимоий ҳимоя қилиш сиёсати эса муҳтожларга моддий ёки пул шаклида ёрдам кўрсатишдангина иборат бўлмасдан, мамлакат ижтимоий инфратузилмасининг нормал ишини таъминлаш, бу соҳада самарали давлат ва жамоат бошқарувини амалга ошириш, фуқаролар учун ҳар томонлама қулай яшаш шароитларини таъминлаб бериш масалаларини ўз ичига олади.

Ижтимоий сиёсат – бу жамият ижтимоий ҳаётини йўлга қўйиш, ижтимоий инфратузилмалар фаолиятини ташкил қилиш, бошқариш, фуқароларнинг ижтимоий ҳуқуқларини амалга оширилиши учун шароит яратиш, ушбу **ҳуқуқларнинг** рўёбга чиқарилишини кафолатлаш, самарали ҳимоя этилишини таъминлаш юзасидан давлат тадбирлари комплексидан иборатдир.

Давлат ижтимоий сиёсати жамият тараққиёти, барқарор ривожланиш, фуқаролар фаровонлиги, уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари дахлсизлигига хизмат қилмоғи лозим. Бугунги кунда ижтимоий сиёсат фуқароларнинг фақат моддий муаммоларинигина ҳал қилишга қаратилган фаолият бўлмай, балки давлат ички сиёсатининг асосий қисмини ўзида ифода этади.

Ҳозирги вақтда давлат таълим, фан, маданият ва фуқароларнинг соғлиги соҳасидаги давлат сиёсатини амалга оширишга катта эътибор қаратмоқда.

Ушбу соҳаларда ижтимоий функция таълим, илмий муассасалар, шунингдек маданий муассасаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш (молиявий, моддий, дастурий) шаклда амалга оширилади. Уларнинг ишини бошқариш ва ташкил этишга келсак, улар автономдир, ўз фаолиятларида эркин ва давлат аралашуви бу ерда қабул қилиниши мумкин эмас.

Давлатнинг ижтимоий функциясини илмий таҳлил қилиш натижаларига қуйидаги фикрлар таъсир қилади: уни амалга ошириш субъектларининг қайси бири асосий, қайси бири ёрдамчи рол ўйнайди, шунингдек, уни амалга ошириш ҳар бир субъектининг ваколат доираси қандай эканлигини аниқлаб олиш мақсадга мувофиқдир.

Бугунги кунда давлатнинг ижтимоий ҳимоясини амалга оширувчи органлар давлатнинг ижтимоий функциясини амалга оширишда ўз ваколатларини бажариб келаётган бўлсаларда, аммо бу соҳада ечимини кутаётган муаммолар йўқ, эмас. Хусусан нафақа таъминотини ислоҳ қилиш, барча тўловлар ва нафақалар тизимини

қайта кўриб чиқиш лозим. Нафақалар тўлашни шундай ривожлантирмоқ керакки, улар фуқароларнинг моддий-маиший эҳтиёжларининг қондирилишини таъминлаш шарт. Ҳозирги кунда ижтимоий ёрдам асосли кимларга берилиши кераклиги тўғрисидаги масала ўзини тўлиқ ечимини топгани йўқ.

Дарҳақиқат, унинг илмий-назарий қарашларида ижтимоий адолат, манзиллик, ижтимоий ёрдамнинг самарадорлигига эришиш, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш масалалари миллий анъана ва тарихий урф-одатларга таянган ҳолда иқтисодий ва ижтимоий соҳаларга доир муаммолар билан узвий равишда боғлаб ҳал этилиши сингари тамойиллар мавжудлигини кузатамиз. Айниқса, ижтимоий таъминотни жамият маблағлари ҳисобидан амалга оширилиши тамойили, профессор М.Усманова қайд этганидек [9, Б.38], унинг тадқиқот предмети сифатида кейинчалик кенг ўрганилишига сабаб бўлди.

Иқтисодчи олимлар уни қўллаб-қувватлайди [10, Б.16]. Илмий жамоатчилик [8, Б.205] эътирофига мувофиқ “ижтимоий ҳимоя нафақат давлат органлари ва ташкилотлари вазифаси, у шунингдек бутун жамиятнинг диққат-марказида туради”.

Мамлакатимиз ўз мустақиллигига эришгач, бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос концепцияси ишлаб чиқилди. Кучли ижтимоий ҳимоя бешта асосий тамойиллардан бири сифатида белгиланиб, турли соҳа олимлари қайд этганидек, ногиронларга, нафақахўрларга, болали ва кам таъминланган оилаларга, ўқувчи ёшларга, қарияларга, яъни энг қийин аҳволга тушиб қолганларга ёрдам кўрсатиш бу тизимнинг асосий йўналиши бўлди [7, Б.177]. Оилаларни фаол ижтимоий муҳофаза қилиш чора-тадбирлари кўрилди. Улар орасида ҳарбий хизматчилар оилалари ҳам мавжуд эди.

Фикримизча, давлатлар ижтимоий сиёсатни амалга оширишда умумий хусусиятларга эга бўлиб, ижтимоий соҳада маълум устуворликка эга ва давлат ўз ижтимоий функциясини алоҳида тартибда ташкил этади.

Бозор муносабатларининг кенг жорий этилишига тўсқинлик қилувчи, ижтимоий-иқтисодий тараққиётимиз суръатларини секинлаштирувчи омиллардан яна бири собиқ иттифоқ даврида юритилган сунъий тенгликка қаратилган ижтимоий сиёсат туфайли инсонларда боқимандалик, тайёрга айёрлик, жамиятга камроқ берган ҳолда ундан кўпроқ юлиб олишга интилиш психологияси шаклланиб қолди.

Бундай зарарли, маънавий-руҳий ҳолат инсонлар томонидан бозор принципларини ўзлаштириб олинишига ҳалақит берар, меҳнатга, мулкка янгича муносабатлар шаклланишига тўсқинлик қилар эди. Ушбу салбий иллатни бартараф қилиш мақсадида давлат томонидан кўрилган, айтиш мумкинки, кескин чора-тадбирларга қарамасдан, бундай ҳолат бугунга қадар батамом тугатилгани йўқ ва тараққиётимизга сезиларли даражада тўсқинлик қилиб келмоқда.

Бироқ мамлакатимизда Россия Федерациясидагидан тубдан фарқ қилувчи демографик вазият туфайли муаммо тўла ҳажмда ҳал этилгани йўқ. Бу эса ишсизлик кўрсаткичларига, аҳолининг кундалик турмуш даражасига ўз салбий таъсирини ўтказмоқда. Бизнинг фикримизча, аҳоли бандлиги сиёсатига тузатишлар киритилиши лозим. Бунда кичик ва хусусий тадбиркорлик ривожлантирилиши учун ҳуқуқий режим кескин юмшатилиши, эркинлаштирилиши, айниқса, солиқлар ва бошқа мажбурий йиғимлар олиш соҳасидаги ҳаддан ташқари қаттиққўлликдан батамом воз кечилиши керак. Халқимизга эмин-эркин меҳнат қилиш, тадбиркорлик билан бемалол шуғулланиш имкони амалда тўлиқ таъминланиши, бундай фаолиятга давлат органлари, мансабдор шахслар аралашуви ва тазйиқ ўтказишига чек қўйилиши фуқаролар турмуш даражасини юксалтириш, ижтимоий муаммоларни бартараф қилишнинг асосий омилларидан саналади.

Шубҳасиз, бундай шароитда меҳнатга лаёқатли аҳоли психологиясини ўзгартириш ғоят муҳим саналади. Бундай аҳоли ижтимоий ҳимоялашнинг пассив объектдан, давлатнинг ижтимоий ёрдамидан бевосита ва билвосита фойдаланувчидан ўз тақдирининг фаол соҳибига, ўзининг ижтимоий фаровонлиги

учун масъул бўлган шахсга айланмоғи керак. Шу жиҳатдан, россиялик олим И.С.Масловнинг қуйидаги фикри ўринли: “Фаол ижтимоий сиёсат ядросини бандлик сиёсати, даромадлар соҳасидаги сиёсат ташкил этади. Ижтимоий сиёсатнинг энг муҳим таркибий қисми сифатида аҳоли бандлиги сиёсати меҳнатга лаёқатли аҳоли меҳнат ва ишбилармонлик фаоллигини ҳар томонлама тўлароқ ишга солиш учун шарт-шароит яратилишининг рағбатлантирилишига қаратилмоғи лозим ва бу оммавий қашшоқлашув ҳамда ишсизликка қарши энг самарали чоралардандир” [6, Б.4].

Ижтимоий давлат жамият аъзоларининг моддий ва маънавий эҳтиёжларини максимал даражада қондириш учун жамиятни ривожлантиришнинг самарали иқтисодий асослари учун қонунчилик ва ҳуқуқий шарт-шароитларни яратиш ва сақлаш, жамият аъзосининг табиий ҳуқуқлари ва мажбуриятлари ҳамда унга ҳақ тўлаш ўртасидаги мувофиқликни таъминлашдан иборат. Шундан келиб чиқиб, давлат ижтимоий сиёсатни олиб боришдаги ижтимоий давлат қуйидаги ижтимоий функцияларни бажаради:

- аҳоли бандлиги ва даромадларининг ўсишини таъминлаш;
- компаниянинг барча аъзоларини ижтимоий суғурта билан таъминлаш;
- таълим, соғлиқни сақлаш ва маънавий-маданий ривожланишдан фойдаланиш имкониятини таъминлаш;
- ижтимоий ҳимояга муҳтожларни ижтимоий ҳимоя қилиш;
- жамиятдаги ижтимоий тенгсизликни юмшатиш, имтиёзларни қайта тақсимлаш орқали муносиб яшаш шароитларини яратиш;
- ижтимоий хизматлар кўрсатиш.

Таъкидланган масала бўйича Н.Б.Азаровнинг ёзишича, давлат жамиятни самарали бошқариши учун икки муҳим вазифани бажариши: биринчидан, ижтимоий мақсад ва вазифани белгилаши, ушбу мақсадга мос моддий ҳамда бошқа ресурсларни ажратиши, яъни макроиқтисодий даражада ишлаб чиқаришни ривожлантириши; иккинчидан эса, ижтимоий сиёсатнинг рўёбга чиқарилишини таъминлай оладиган даражада қонунчилик концепциясини тайёрлаши кераклигини илгари суриб, иккинчи вазифани ҳал этиш учун “Ижтимоий сиёсат тўғрисида”ги қонунни қабул қилиш зарурлигини таклиф этади. Бундай қонуннинг қабул қилиниши давлат ижтимоий сиёсати мақсад ва вазифаларини, унинг асосий тамойилларини, ижтимоий сиёсатнинг рўёбга чиқарилиши билан боғлиқ бўлган бошқа кўплаб муҳим масалаларни қонунчилик даражасида ҳал этиш имконини беради.

Шунингдек у “ижтимоий ҳимоянинг нормал амал қилиши учун уни рўёбга чиқариш соҳасидаги қонунчиликни таъминловчи концепция ишлаб чиқилиши керак. Унда бугунги аҳвол ҳамда эртанги истиқбол йўллари аниқ белгилаб олинмоғи, мавжуд ресурслар доирасида ижтимоий сиёсатни ривожлантириш йўллари назарда тутилмоғи лозим” [2, Б.7] эканлигини илгари суради.

Ижтимоий соҳага оид қонунчилик нормаларининг ўзига хос хусусиятлари билан унинг тармоқ тизимини белгилайди. Биринчи навбатда, шуни таъкидлаш лозимки, ижтимоий қонунчиликни ижтимоий ҳуқуқий тармоқ сифатида тавсиф қилмайди. Шу ўринда унинг етарли кодификацияланмагани ҳақида сўз юритилаётгани йўқ. Н.Б.Азаровнинг фикрича, “ижтимоий сиёсат нормал амал қилиши учун бу сиёсатни рўёбга чиқариш концепцияси тайёрланиши, мавжуд ресурсларни эътиборга олган ҳолда ижтимоий сиёсат шаклланиши ва ривожланиши асослари назарда тутилиши керак” [2, Б.7].

Яна бир россиялик олим А.П.Александрова давлатнинг фаол ижтимоий сиёсат олиб бориш имконияти юқори маҳсулдорлик ва динамик ўсиш суръатларига эга кучли бозор иқтисодиёти билан боғлиқ эканлигини илгари суради [3, Б.49]. Унинг фикрича, ижтимоий сиёсат асосий ижтимоий имтиёзлардан фойдаланиш имконияти ва мақбул сифат тамойиллари асосида олиб борилиши кераклиги, бунинг учун эса биринчи навбатда, даромадлари тирикчилик даражасидан анча паст бўлган

инсонларга ёрдам беришни маъқуллайди. Шу муносабат ушбу муаммоларни ҳал қилиш учун қуйидаги йўналишларни таклиф қилади:

1) иш ҳақини оширишга, ишчи ва иш берувчилар ўртасида тенг ҳуқуқли иқтисодий муносабатларни шакллантиришга, меҳнатнинг самарали ишлашига қаратилган меҳнат қонунчилигини ислоҳ қилишни давом эттириш, таълим, соғлиқни сақлаш, маданият каби ижтимоий институтларнинг жадал ривожланиши учун шароит яратиш ва ижтимоий шериклик механизмларини ривожлантириш;

2) давлат томонидан таркибий чекловларни ўз вақтида аниқлаш ва уларни бартараф этиш учун технологияларни ишлаб чиқишни талаб қиладиган иқтисодий ўсишга тўқинлик қиладиган муаммоларни бартараф этишга қаратилган таркибий сиёсат олиб бориш;

3) мулк ҳуқуқини ҳимоя қилишнинг самарали механизмларини жорий этиш, товарлар, хизматлар ва капитал, ресурслар, рақобатбардош бозорларни ривожлантириш, банкротлик процедуралари ва корпоратив бошқарувнинг халқаро стандарталарини тарқатиш, кичик ва ўрта корхоналарнинг рўлини ошириш;

4) ўзларининг молиявий мажбуриятларини қатъий бажариш ва бюджетдан иқтисодий ва ижтимоий сиёсатнинг фаол воситаси сифатида фойдаланиш давлатнинг асосий вазифаси бўлиши, юқоридаги барча вазифаларни ҳал қилиш умумий иқтисодий маконни мустаҳкамлаш, харажатлар соҳасидаги бюджет сиёсатни такомиллаштириш (ижтимоий-иқтисодий сиёсат устуворликларидан келиб чиққан ҳолда), давлат бюджети балансини таъминлаш.

Бизнинг фикримизча, давлатнинг ижтимоий сиёсат соҳасидаги фаолияти (таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий таъминот) аҳолини ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уни ижтимоий ҳимоя қилишдан иборат бўлиб, бу давлат ва жамият яхлитлигини сақлаш учун муҳимдир.

Ижтимоий сиёсат давлатнинг ички сиёсати асосий йўналишларидан бири бўлиб, унинг ижтимоий тизими барқарорлигини таъминлаш учун яратилган, унинг мақсадлари қуйидагилардан иборат:

мамлакат аҳолисининг турмуш даражасини ошириш;

ижтимоий зиддиятларни юмшатиш ёки йўқ қилиш, жамиятда маълум бир мувозанатга эришиш.

Ижтимоий функцияни янада самарали амалга ошириш учун ижтимоий сиёсатнинг асосий устувор йўналишларига эътибор қаратиш лозим, хусусан:

давлат ўз фуқароларининг ижтимоий ҳолати учун жавобгарлигини тан олиш;

барча фуқароларга бепул таълим ва тиббий хизматларни кафолатлаш;

энг кам иш ҳақи, стипендия ва нафақаларни яшашнинг ҳақиқий қийматиغا мувофиқлаштириш;

давлат сектори ходимларига иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ўз вақтида тўланишини кафолатлаш;

оммавий ишсизликнинг олдини олиш, бўшатишган ишчи кучларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш;

оила, оналик ва болалик, фахрийлар ва ногиронларни қўллаб-қувватлаш.

Ҳуқуқ тартиботнинг зарур даражаси давлатнинг ишлаши ва жамиятнинг жадал ривожланиши учун зарур шартларидан биридир. Шу билан бирга, глобаллашув жиноятларнинг усуллари ва воситалари арсеналини бойитган трансмиллий жиноятчиликнинг пайдо бўлишига олиб келди. Бундай шароитда жиноятчиликка қарши курашда унинг ҳар хил кўринишларида давлатнинг, унинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизимининг муҳим вазифаси ҳисобланади.

Биринчи навбатда, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини, жамият ва давлат манфаатларини ноқонуний тажоввузлардан ҳимоя қилишга қаратилган ички ишлар органлари давлатнинг ички ишлар органлари тизимида муҳим роль ўйнайди. Бу шуни англатадики, ички ишлар органларининг давлат функцияларини бажариш билан боғлиқ фаолияти кўп жиҳатдан зарур бўлса ҳам лекин хавфсизлик

хусусиятига эга. Шу билан бирга, улар фаолиятининг бир қатор йўналишлари давлат муайян функцияларининг мазмунини ўз ичига олади, шу билан бирга уларнинг роли давлатнинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий функцияларида энг аниқ намоён бўлади.

Давлат органларининг бир қатор ижтимоий ваколатларини хусусий ташкилотларга топшириш истаги долзарб назарий муаммо сифатида эътиборга олинмади. Мазкур ҳодиса глобал тенденцияни қабул қилади ва ижобий томонларга (профессионаллик, рентабеллик, рақобатбардошликнинг ошиши, жамоат манфаати) ва салбий томонларга (хусусий монополизация, давлатни текислаш, жавогарликни хиралаштириш ва бошқалар) эга.

Фикримизча, жамият ҳар бир фуқаро қабул қилинган стандартга жавоб берадиган маълумотга эга бўлишидан манфаатдор. Таълимсиз ҳозирги вақтда фуқароларнинг ижтимоий ҳаётда, ишлаб чиқаришда, давлат фаолиятининг барча соҳаларида фаол иштирок этишлари мумкин эмас ва шунинг учун кўплаб давлатларда таълим мажбурийдир.

Шундай қилиб, мамлакатимизда бозор муносабатлари таркиб топтирилар экан, шу ўринда аҳолининг муҳтож қатламларини кучли ижтимоий ҳимоя қилиш принципи мустақиллигимизнинг дастлабки кунларидан бошлаб амалга ошириб келинаётганлигини алоҳида эътироф этиб ўтиш жоиз. Бу ҳол давлатимиз томонидан юритилаётган ижтимоий сиёсатда, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш юзасидан кўрилатган чора-тадбирларда ўз ифодасини топмоқда. Ушбу далиллар мамлакатимизда бу йўналишда олиб борилаётган ишлар кўлами нақадар катталигидан далолат беради.

Давлатнинг ижтимоий сиёсати жамиятнинг бошқа соҳаларида рўй бераётган жараёнлар кўзгуси деб аташ мумкин. Бироқ бу иқтисодий, ундаги сиёсий ва ахлоқий муносабатлардир. Ижтимоий давлатни шакллантириш ижтимоий сиёсатни давлат сиёсатининг устувор тури сифатида тақсимлашни талаб қилади. Уни амалга оширишда ҳам давлат, ҳам нодавлат муассасалари иштирок этиши керак.

Ҳозирги даврда давлатнинг вазифалари жамият ривожланишининг аниқ тарихий шароитида мураккаб предмети ва мазмунида, шунингдек унинг воситалари ва усулларини таъминлашда кўриб чиқиладиган деб тушуниш керак. Ушбу ёндашув функцияларнинг хилма хиллигини тушунтиришга ва тушунишга имкон беради, уларнинг ҳар бири хусусиятларини ажратиб кўрсатиш ва келажақда илгари номаълум бўлган нарсаларни топишга имкон беради.

Давлат ривожланишининг ҳозирги босқичида ижтимоий ҳимоя, пул маблағлари, табиий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, имтиёзлар ва хизматлар, эҳтиёжманд фуқароларнинг эҳтиёжларини қондиришга қаратилган, уларнинг ўзини ўзи таъминлаш учун шароит яратишга қаратилган чора-тадбирлар мажмуи бўлиши керак. Мазкур тадбирлар маҳаллий бюджетлар, шунингдек ижтимоий таъминот тизими томонидан анъанавий равишда амалга оширилмайдиган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилиши керак. Ижтимоий ҳимояни ягона талқин қилиш зарурати, шунингдек, улар тегишли қонунлар асосида амалга оширилаётганлиги билан изоҳланади.

Давлатнинг ижтимоий функцияси ижтимоий ишлаб чиқаришнинг ижтимоий функциясини алмаштирмайди, аксинча, уни тўлдиради. Жамият ҳаётининг соҳаларини инсон меҳнатининг ижтимоий тақсимооти шартлари, шунингдек, жамиятнинг нормал ишлаши ва ривожланишини таъминлаш зарурати деб белгилаш мумкин. Жамиятнинг нормал ишлаши ва ривожланишини таъминлаш учун давлат умумий бошқарув функцияларидан фойдаланади.

Ижтимоий функция мазмун жиҳатдан ҳар хил ва фаолият доираси бўйича катта. Унинг асосий мақсади – меҳнатга лаёқатли аҳолини иш билан таъминлаш ва давлат томонидан қўллаб-қувватлашга муҳтож бўлганларни ижтимоий ҳимоя қилиш. Ижтимоий функция таълим, фан, маданият ва фуқароларнинг соғлиғи соҳасидаги давлат сиёсати киради.

Давлатнинг ижтимоий функцияси тизимининг ривожланиши унинг бошқарув

параметрлари ўзгаргани сайин ўзгариб бормоқда. Давлатнинг ижтимоий функцияси, маълум бир тарихий даврда инсон моҳиятини тушунишни ҳисобга олади.

Давлатнинг ижтимоий функциясини хусусийлаштиришнинг умумий тенденцияси ҳуқуқларни эмас, балки фуқаролик мажбуриятларини оширишда ҳам намоён бўлмоқда. Шунингдек, ижтимоий йўналишдаги жамоат ташкилотлари ва институтларнинг фаоллигини ошириш умумий тенденция ҳисобланади.

Бизнингча, ижтимоий сиёсат ўз олдига фуқароларимиз турмуш даражасини ривожланган мамлакатлар аҳолиси турмуш даражасига етказишдан иборат узоқ муддатли вазифани қўйиши, бу соҳадаги тадбирларни ушбу мақсадга тўла бўйсундириши керак. Айниқса, аҳоли бандлигини таъминлаш давлат ижтимоий сиёсати марказидан ўрин олмоғи, ижтимоий ҳимоялашнинг асосий воситасига айланмоғи керак. Бунда меҳнатнинг рағбатлантирувчи кучи тўлиқ ишга солиниши лозим.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар ривожланиш суръатига мос равишда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш сиёсатида ҳам мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб туб ўзгаришлар амалга оширилди, унинг асосий моҳияти барча аҳоли қатламларини ялпи ҳимоя қилишга қаратилмай, танлаб-танлаб ёрдам кўрсатиш, аниқ табақалар ва шахсларга йўналтирилган ҳолдаги ижтимоий кўмак беришдан иборат бўлди. Зеро, одамларда бозор шароитларида яшаш кўникмаси ҳосил қилиниши билан меҳнатга яроқли ва ўзини ўзи таъминлашга лаёқатли бўлган фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилиш зарурати барҳам топди.

Кучли ижтимоий сиёсат тамойили ўтказилаётган иқтисодий ислохотларнинг барча босқичларида даромадни тартибга солиш, ижтимоий таъминот ва ижтимоий кафолатлар бериш, аҳолини иш билан таъминлаш ва меҳнат бозорини шакллантириш, аҳолига ижтимоий хизматлар кўрсатиш, имтиёзлар бериш орқали амалга оширилмоқда.

Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш билан у ёки бу даражада барча бўғинларга мансуб бўлган давлат ҳокимияти вакиллик ҳамда бошқарув органлари шуғулланади. Бунда қонун чиқарувчи орган, яъни вакиллик органи ижроия органларига нисбатан вазифаларнинг белгиловчи функциясини бажарса, ижро этувчи органлар аниқлаштирувчи, татбиқ этувчилик функциясини бажаради. Юқори турувчи ва қуйи давлат органлари бўғинлари ўртасидаги ўзаро муносабатларда ҳам шунга ўхшаш боғлиқликни кузатиш мумкин.

Ижтимоий ҳимоянинг бозор муносабатлари талабларига жавоб берадиган шакл ҳамда услубларини ишлаб чиқиш чоғида бундай ҳимоя билан боғлиқ давлат фаолиятини амалга оширувчи органлар тизими, унинг таркибига кирувчи юридик ваколати ҳажми турлича бўлган органларнинг ўзига хос мақоми, вазифалари бошқа давлат ҳамда жамоат органлари билан ўзаро муносабатлари принциплари ишлаб чиқиши муҳим аҳамиятга эга. Шунингдек, ижтимоий ҳимояга алоқадор давлат органлари иш самарадорлигини ошириш, юклатилган вазифаларни рационал тарзда, қонунийлик, ижтимоий адолат талабларига амал қилган ҳолда бажаришларига эришиш ҳам кун тартибда турган долзарб муаммолардан биридир.

Ҳуқуқий демократик давлатларда кенг жорий қилинган ҳокимиятнинг бўлиниши принципи, нисбатан мустақиллиги ҳамда ўзаро таъсир қилиши, гарчи мамлакатимиз давлатчилиги ва ҳуқуқий амалиётида янгилик бўлса-да, аслида инсоният цивилизацияси тарихи ушбу тамойил билан минг йиллардан буён таниш, ҳатто Арестотель замонларида ҳам [4, Б.234], ундан кейинги ўрта асрларда ҳам ҳокимиятнинг бўлиниш ғояси илгари сурилган [5, Б.143] ва бу ғоя XVIII аср буюк француз революциясининг асосий шиорларидан бири бўлиб хизмат қилган ҳамда конституциявий тарзда рўйбга чиқарилган.

Бугунги кунда Ўзбекистонда ижтимоий ҳимоя тизими сифатли амалга оширилиши учун қулай ижтимоий-иқтисодий муҳит яратилди, зарур ҳуқуқий асослар барпо этилди. Ижтимоий ҳимоянинг тамойиллари Ўзбекистон Республикаси

Конституциясида кафолатланиб, қабул қилинган қонунларда ўз ифодасини топди. Мамлакатда даромад олишнинг кафолатланиши амалга оширилди. Кенг миқёсда янги иш жойларининг яратилиши, аҳолини иш билан таъминлашга кўмаклашиб, ишсизлик муаммосини ҳал қилмоқда. Иш билан таъминлаш муаммосини ҳал этишда айниқса, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш қўл келмоқда. Товарлар сифати, аҳолига хизмат кўрсатиш соҳаларида амалга оширилаётган чора-тадбирлар истеъмолчилар ҳимоясини шакллантириб, аҳоли манфаатларини таъминламоқда. Инфляциянинг олдини олиш, сўмнинг харид кучини сақлаш, бизнес-тижорат устидан давлатнинг муқобил назоратини ўрнатиш, маркетинг, савдо, реклама кабиларни тартибга солиш ижтимоий ҳимояни ривожлантирмоқда.

Мустақил тараққиётимиз давомида амалга ошириб келинаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар бозор муносабатлари ва тамойилларига асосланган фуқаролик жамияти барпо этишга қаратилгандир. Бу борада мамлакат Президенти Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма беш йиллигига бағишланган тантанали маросимда "...Асосий Қонунимизда белгилаб берилган қоида ҳамда тамойиллар негизида самарали миллий қонунчилик тизими, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, фуқаролик жамияти институтлари шаклланиб, ҳаётимизнинг барча соҳа ҳамда тармоқларида кенг кўламли ислохотлар амалга оширилмоқда, давлатнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва ҳарбий салоҳияти юксалиб, халқимизнинг онгу тафаккури тобора ўсиб бораётир" [1] деб таъкидлаб ўтди.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 25 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. Халқ сўзи. 2017 йил 7 декабрь.
2. Азаров Н.Б. О проблемах реализации основных направлений социальной политики администрации Новосибирской области // Аналитический вестник. – М., 1997. – №4. – С. 7.
3. Александрова А.П. Защита социально-экономических прав и свобод: общетеоретический анализ. Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Казань 2002. – С. 28.
4. Аристотель. Метафизика. – М.: изд-во Эксмо, 2006. – 608 с.
5. Монтъеске Ш.Л. О духе законов. Избранные произведения. – М.: Мысль, 2017. – С. 620.
6. Маслов И.С. Ключевые вопросы регулирования социально-трудовой сферы // Аналитический вестник. – М., 1997. – С. 4.
7. Алиев Б.С., Ҳошимов Т. Ўзбекистонда демократик жамият куриш назарияси ва амалиёти. Ўқув қўлланма. –Т.: ТДИУ, 2006. – Б. 146.
8. Муродова Г.М. Ижтимоий ҳимояни фуқаролик ҳуқуқий шартномалар орқали амалга ошириш муаммолари: Аврореф. юрид. фан. номз. дис. ... – Т., 2001. – Б.3.
9. Усманова М.А. Ўзбекистон Республикасида ижтимоий ҳимояни ташкил этишнинг фуқаролик-ҳуқуқий муаммолари. Юрид. фан. д-ри. ... дис. – Т.: ТДЮИ, 2006. – Б. 28.
10. Эрназаров Д. Давлат ижтимоий сиёсати самарадорлигини амалга оширишда нодавлат нотижорат ташкилотларининг роли. Иқтисод. фан. номз. ... дис. – Т.: ТДЮИ, 2018. – Б. 26.
11. Газиёв Ш. Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ижтимоий ҳимоя фаолиятини такомиллаштириш муаммолари. Юрид. фан. номз. дис. ... – Т.: ТДЮИ, 2009. – Б. 24.
12. Абдулқосимов Ҳ. Давлат сиёсати: инсон манфаатлари ва ижтимоий ҳимоя // Фуқаролик жамияти. – Т., 2007. – №1. – Б. 160.

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҚУҚ. МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚ.
МОЛИЯ ВА БОЖХОНА ҲУҚУҚИ

ЙЎЛДОШЕВ Азизжон Эргаш ўғли

Тошкент давлат юридик университети Конституциявий ҳуқуқ
кафедраси доценти, юридик фанлар номзоди
Orcid: 0000-0002-5821-2714
E-mail: a.yoldoshev@tsul.uz

ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИ ОЧИҚ ҲАЙЪАТ МАЖЛИСЛАРИНИ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

For citation (иқтибос келтириш учун, для цитирования): ЙЎЛДОШЕВ А.Э.
Давлат органлари очик ҳайъат мажлисларини ҳуқуқий тартибга солишнинг долзарб
масалалари // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 5 (2022)
Б. 17-24.

 5 (2022) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2022-5-2>

АННОТАЦИЯ

Мақолада давлат органлари очик ҳайъат мажлисларида жисмоний ва юридик шахсларнинг (ахборотдан фойдаланувчилар) ҳозир бўлиши ҳамда жамоатчилик назорати субъектларининг иштирокини таъминлаш ҳолати ўрганилди. Натижада фақат вазирликлар ва бошқа давлат бошқаруви органларининг ҳайъатлари ҳамда айрим ҳокимликлар ҳайъат мажлисларида ахборотдан фойдаланувчилар ҳозир бўлиши тартибининг белгилангани, бунда онлайн мажлислар ўтказиш инobatга олинмаган ва бошқа камчиликларга йўлқўйилгани аниқланди. Мавжуд камчиликларни бартараф қилиш учун “давлат органи очик ҳайъат мажлиси” тушунчаси, “ҳозир бўлиш” ва “иштирок” сўзларини тўғри талқин қилиш зарурлиги таҳмин қилинди. Миллий қонунчиликка тегишли меъёрларнинг мазмуни, баҳсли сўзларга берилган изоҳлар ва хорижий давлатлар тажрибаси илгари сурилган таҳминни тасдиқлади. Ушбу тушунчага берилган муаллифлик таърифи, баҳсли сўзларнинг луғавий маъноси давлат органи очик ҳайъат мажлисларининг мазмуни ва турларини холис акс этиш, уларда ҳозир бўлиш ва иштирок этишни тартибга солиш, онлайн мажлисларни ўтказиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш имконини берди.

Калит сўзлар: очиклик, жамоатчилик назорати, давлат органи, очик ҳайъат мажлиси, қўмита, комиссия, ҳозир бўлиш, иштирок.

ЮЛДОШЕВ Азизжон Эргашевич

Доцент кафедры «Конституционное право» Ташкентского государственного
юридического университета, кандидат юридических наук
Orcid: 0000-0002-5821-2714
E-mail: a.yoldoshev@tsul.uz

АКТУАЛЬНЫЕ ВОПРОСЫ ПРАВОВОГО РЕГУЛИРОВАНИЯ ОТКРЫТЫХ КОЛЛЕГИАЛЬНЫХ ЗАСЕДАНИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫХ ОРГАНОВ

АННОТАЦИЯ

В статье исследуется организационно-правовое положение физических и юридических лиц (пользователей информации) и участие субъектов общественного контроля на открытых коллегиальных заседаниях государственных органов. В результате исследования было выявлено, что определение порядка присутствия пользователей информации только на открытых заседаниях коллегий министерств и других органов государственного управления, коллегиальных заседаний некоторых хокимиятов, без учета онлайн заседаний, при этом допущением некоторых недостатков. Была выдвинута гипотеза, что для устранения существующих недостатков, необходимо правильно толковать понятие «открытое коллегиальное заседание государственного органа», слова «присутствие» и «участие». Содержание соответствующих норм национального законодательства, толкование терминов и опыт зарубежных стран подтвердили гипотезу. Авторское определение этого понятия, смысл спорных терминологий позволили объективно отразить содержание и виды открытых коллегиальных заседаний государственных органов, регламентировать присутствие и участие в них, разработку предложений по проведению онлайн заседаний.

Ключевые слова: открытость, общественный контроль, государственный орган, открытое коллегиальное заседание, комитет, комиссия, присутствие, участие

YULDOSHEV Azizjon

Associate professor Constitutional Law department
Tashkent State University of Law
ORCID: 0000-0002-5821-2714
E-mail: a.yoldoshev@tsul.uz

CURRENT ISSUES OF LEGAL REGULATION OF STATE BODIES' OPEN COLLEGIATE MEETINGS

ANNOTATION

The article examines the organizational and legal support for the presence of individuals and legal entities (information users) and the participation of social control subjects at open meetings of state bodies. As a result of the study, it was revealed that the procedure for the presence of information users only at open meetings of ministries and other government bodies, open meetings of some local administration, while online meetings were not taken into account and other shortcomings were made. A hypothesis was put forward that in order to eliminate existing shortcomings, it is necessary to correctly interpret the concept of "open meeting of a state body", the words "presence" and "participation". The content of the relevant norms of national legislation, the interpretation of disputed words and the experience of foreign countries confirmed the hypothesis. The author's definition of this concept, the meaning of the disputed words made it possible to objectively reflect the content and types of open meetings of state bodies, regulate the presence and participation in them, and develop proposals for holding online meetings.

Keywords: openness, social control, state body, open collegiate meeting, committee, commission, presence, participation

Ўзбекистонда давлат органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш ва жамоатчилик назоратини кучайтириш борасида тизимли ислохотлар амалга оширилмоқда. Ушбу ислохотлар мақсадларига эришиш давлат органлари очиқ ҳайъат мажлисларида жисмоний ва юридик шахслар вакилларининг ҳозир бўлиши ҳамда жамоатчилик назорати субъектларининг кенг иштирокини самарали таъминлаш вазифасини қўймоқда.

Ўзбекистонда давлат органлари томонидан ўз очиқ ҳайъат мажлисларида ахборотдан фойдаланувчиларнинг, яъни жисмоний шахслар ва юридик шахслар вакилларининг ҳозир бўлиши учун шароит яратилиши 2014 йил 5 майдаги ЎРҚ–369-сонли Қонуни билан белгиланди [1]. Зарур шароитни яратиш учун тавсиявий ҳарактерга эга бўлган Ахборотдан фойдаланувчиларнинг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг очиқ ҳайъат мажлисларида ҳозир бўлиши тартиби тўғрисидаги намунавий низом ишлаб чиқилди (Намунавий низом) [2].

Намунавий низомнинг 3-бандида барча давлат органлари унинг асосида очиқ ҳайъат мажлисларида ахборотдан фойдаланувчилар ҳозир бўлиши тартибини белгилаши кўрсатилган бўлса ҳам, ушбу тавсия кўпчилик давлат органлари томонидан инobatга олинмаган. Ушбу ҳолат расман Олий Мажлис Сенатининг 2020 йил 20 ноябрда ўтган ялпи мажлисида “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг вазирлик, идоралар ҳамда маҳаллий ҳокимият органлари томонидан ижро этилиши тўғрисидаги масалани кўриб чиқишда ўринли танқид қилинган [3].

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг «Жамоатчилик назорати тўғрисида»ги 2018 йил 12 апрелдаги 474-сон Қонуни билан жамоатчилик назорати субъектлари, яъни Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда рўйхатга олинган нодавлат нотижорат ташкилотлари ва оммавий ахборот воситаларига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат органларининг очиқ ҳайъат мажлисларида иштирок этиш ҳуқуқи берилди [4]. Бироқ, ҳозиргача қонун ҳужжатларида бундай тартиб белгилангани тўғрисида маълумот мавжуд эмас.

Ҳайъат давлат органи бўлган Сенат, Қонунчилик палатаси, Вазирлар Маҳкамаси ва халқ депутатлари Кенгашлари ҳам ўз мажлисларида нафақат жамоатчилик назорати субъектларининг иштирок этиши, балки ахборотдан фойдаланувчиларнинг ҳозир бўлиш тартибини ҳам белгиламаганлар. Мазкур ҳолатни миллий норма ижодкорлари томонидан “давлат органи очиқ ҳайъат мажлиси”, унда “ҳозир бўлиш” ва “иштирок этиш” тўғри талқин қилинмаслиги, ушбу масалалар Ўзбекистонда тадқиқ қилинмагани ва соҳадаги хориж тажрибаси инobatга олинмаслиги билан изоҳлаш мумкин.

Ўзбекистонда давлат органлари фаолияти очиқлигининг ташкилий-ҳуқуқий асосларига [5, Б.16-19; 6, Б.120-124], коррупцияга қарши кураш доирасида [7, Б.27-35; 8, Б.868-878] ёки ички ишлар органларида [9, Б.141-146] очиқликни таъминлашга бағишланган тадқиқотларда давлат органлари очиқ ҳайъат мажлислари мазмуни, уларда ахборотдан фойдаланувчилар ҳозир бўлишини таъминлаш масалалари ўрганилмаган. Ушбу мажлисларда жамоатчилик назорати субъектлари иштироки таъминланганлиги қайд қилинган [10, Б.318-319] бўлса ҳам мазкур масала ҳозиргача ҳал қилинмаган. Шу жиҳатдан бу борадаги хорижий амалиёт ва тадқиқотларни ўрганиш ва миллий хусусиятларни инobatга олган мавжуд муаммолар ечимини топиш долзарб масалага айланган.

Маълумки, “ҳозир бўлиш” кузатиб ўтиришни, “иштирок этиш” эса камида саволлар ва таклифлар билан билан мурожаат қилиш, ўз фикрини билдириш имконини назарда тутати. Шу туфайли Намунавий низомнинг 14-бандида давлат органлари очиқ ҳайъат мажлисларида ахборотдан фойдаланувчиларга ҳайъат аъзоларига саволлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқининг берилишига [2] қўшилиб

бўлмайди. Ўз навбатида, айрим хорижий давлатлар қонунчилигида “ҳозир бўлиш” деганда “иштирок этиш” ҳам тушунилиши миллий норма ижодкорларини чалғитган бўлиши мумкин. Ушбу ҳолатга изоҳни мазкур масалаларни биринчилардан ҳуқуқий тартибга солган АҚШ амалиётидан топиш мумкин.

Дарҳақиқат, Давлат бошқаруви очиқлиги (Government in the Sunshine Act) тўғрисидаги АҚШ Федерал Қонунига кўра [11] давлат бошқаруви органлари очиқ мажлисларида фуқаролар ҳозир бўлиш ҳуқуқига эга. Ушбу ҳуқуқ фуқароларга мажлисни кузатиб ўтириш имконини беради. Бугунги кунга келиб очиқ мажлисларда фуқароларга мурожаат қилиш ва ўз фикрини билдириши баъзи штатлар қонунларида [12] белгиланган бўлса, айримларида бундай имконият беришни штат атторнейи (прокурори) тавсия қилган [13]. Қонун ҳужжатларида эса, ушбу жараён ўзгаришсиз “очиқ мажлисларда фуқароларнинг ҳозир бўлиши” дейилади.

Охириги пайтларда кўпчилик давлатларда парламент ва унинг ишчи органларида фуқароларни ҳозир бўлиши билан чекламасдан [14], уларга иштирок этиш имкониятининг берилиши кузатилмоқда. Масалан, Канада парламент кўмитаси кўриб чиқаётган масала юзасидан ўз фикрини билдириш учун фуқаролар кўмита мажлисида иштирок этиш ҳақида мурожаат қиладилар [15]. Парламент ва бошқа давлат органларида кўриб чиқиладиган масалалар бўйича фуқаролар ўз фикрини билдириши учун давлат органлари ҳузурида турли маслаҳат органлари тузилмоқда [16, Б. 487-489].

АҚШ ва бошқа хорижий мамлакатларда давлат органларининг очиқ ҳайъат мажлисларида ҳозир бўлганлар ҳуқуқини кенгайтириб бориш тенденцияси жамоатчилик назоратини кучайтиради. Бироқ, сиёсий ҳуқуқлар фуқароларга тегишли бўлгани ҳамда миллий қонунчиликда давлат органлари очиқ ҳайъат мажлисларида жамоатчилик назорати субъектларининг иштироки ва ахборотдан фойдаланувчиларнинг ҳозир бўлиши алоҳида белгилангани уларни фарқлаш талаб қилинади.

Ўз навбатида, “ҳозир бўлиш” ва “иштирок этиш”нинг ташкилий масалалари деярли бир хил эканлигини инобатга олганда уларни мавжуд Намунавий низом асосида тартибга солиш мантиқийдир. Бу билан ҳуқуқий ҳужжатлар сонини камайтириш ва тартибга солиш самарадорлигини оширишга эришилади. Демак, Намунавий низомни “Давлат органлари очиқ ҳайъат мажлисларида ахборотдан фойдаланувчиларнинг ҳозир бўлиши ва жамоатчилик назорати субъектларининг иштирок этиши тартиби тўғрисида” деб номлаш тўғри бўлади.

Бугунги кунда мавжуд давлат органи очиқ ҳайъат мажлисларида ахборотдан фойдаланувчиларнинг ҳозир бўлиши тартиби норматив-ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланади. Шу туфайли бундай тартиб «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонуннинг 40-моддасига кўра расмий манбаларда эълон қилиниши [17], «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги Қонуннинг 13-моддасига мувофиқ давлат органининг веб-сайтларига жойлаштирилиши [1], умуман, очиқлигини таъминлаш, яъни эркин (ахборот) олиш учун зарур шароит яратиш талаб қилинади.

Кўпчилик давлат органлари веб-сайтларига уларнинг очиқ ҳайъат мажлисларида ахборотдан фойдаланувчиларнинг ҳозир бўлиши тартиби тўғрисидаги низомлар жойлаштирилган. Бироқ, мазкур низомларни давлат органлари веб-сайтларининг “Очиқ маълумотлар” [18], “Ахборот хизмати” [19], “Мурожаат қилиш” [20] каби турли рукнларига жойлаштирилиши уларни топишни қийинлаштиради. Шу жиҳатдан мазкур низомларни “очиқ мажлислар” рукнида режалаштирилган мажлислар саналари, кун тартиби ва ундаги масалаларга оид ҳужжатлар билан бирга жойлаштириш мақсадга мувофиқ бўлади.

Шунингдек, Ахборотдан фойдаланувчиларнинг Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг очиқ ҳайъат мажлисларида ҳозир бўлиши тартиби тўғрисидаги низомни [21] Интернет тармоғидан умумий сўров берилганда топиш мумкин.

Навоий вилояти ҳоқимлиги веб-сайтининг “Навоий вилояти” рукнида Очiq ҳайъат мажлисларида ҳозир бўлиш тартибига ҳавола келтирилган. Ушбу ҳавола бўйича Ўзбекистон Республикаси Конституцияси жойлаштирилган “Ҳоқимликнинг фаолияти тўғрисидаги ахборотлар” номли саҳифага ўтилади [22]. Хоразм вилояти ҳоқимлиги веб-сайтининг “ҳужжатлар” рукнида Низомга келтирилган ҳаволага кириб бўлмади [23].

Деярли барча республика бошқаруви органлари томонидан тасдиқланган очiq ҳайъат мажлисларида ахборотдан фойдаланувчиларнинг ҳозир бўлиш тартиби тўғрисидаги низомларда уларнинг ҳайъат мажлислари [24; 25], “Ўзархив” агентлиги [18] ва Адлия вазирлиги [20] низомларида уларнинг ҳудудий тузилмалари ҳайъатлари мажлисларини ҳам очiq ўтказиш тартиби белгиланган. Мазкур давлат органлари қолган мажлисларининг очiqлиги, уларда ахборотдан фойдаланувчилар ҳозир бўлиши таъминланмаган. Ушбу ҳолат “давлат органлари очiq ҳайъат мажлислари” тушунчасини аниқлаштириш эҳтиёжини аён қилади.

Маълумки, судья ишни яқка тартибда кўриб чиқса ҳам суд мажлиси ўтказилади, яъни бунда томонлар, судланувчи, адвокат, прокурор ва бошқа суд иштирокчилари фикрлари, хулосалари муҳокама қилинади. Суд мажлисининг ошкора ўтиши, жумладан уларда ҳар кимнинг ҳозир бўлиши мумкинлиги қонун ҳужжатларида белгиланган. Хорижда ҳайъат бўлмаган давлат органлари (давлат раҳбари, ҳоқим ва ҳ.к.) ўз ваколатларига доир масалалар муҳокамасида фуқароларнинг иштирок этиши учун турли маслаҳат органларини тузадилар.

Хорижий давлатларда, жумладан АҚШда парламент [26], ижро этувчи ҳоқимият [27] ва маҳаллий бошқарув органлари, судлар [28] баробарида, давлат органлари томонидан тузиладиган маслаҳат органлари [29] мажлисларида ҳам фуқароларнинг ҳозир бўлиш тартиби алоҳида қонун билан белгиланади. Масалан, АҚШ Президенти ёки федерал агентликларга маслаҳат ва тавсиялар бериш учун 1000 дан ортиқ маслаҳат қўмиталари тузилган [30]. Ушбу қўмиталар давлат ҳоқимиятининг олий органлари фаолиятида фуқаролар иштирокини таъминлашнинг қулай воситасидир.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон ва хорижий мамлакатлар давлат раҳбарлари ва ҳукуматлари ҳузурида АҚШ каби маслаҳат қўмиталарини тузиш улар кўриб чиқаётган масалалар тўғрисида фуқароларни хабардор қилиш ва уларни ҳал қилишда иштирокини таъминлашга хизмат қилади. Чунки хорижий мамлакатларда ҳукумат сиёсий масалаларни кўриб чиқиши ваз қилиниб, унинг мажлисларида фуқаролар ҳозир бўлиши ҳар доим ҳам таъминланмади [31, Б.100]. Бундай чекловни кўп сонли ҳозир бўлганларнинг турли, жумладан ноўрин саволлар билан мурожаат қилиши давлат органининг фаолияти ва қабул қиладиган қарорлари сифатига салбий таъсир қилиши мумкинлиги билан оқлаш мумкин.

Шунингдек, “Давлат бошқарувидаги ошкоралик тўғрисида”ги АҚШ қонунинда “мажлис” атамасига берилган “камида кворум мавжуд бўлганда ва агентликнинг расмий ваколат доирасига тегишли масалалар кўриб чиқилиши ёки қарорлар қабул қилиниши” таърифига қўшилиш мумкин. Бунда расмий учрашувлар ёки ташкилий масалалар кўриб чиқиладиган мажлисларда фуқароларнинг ҳозир бўлиши талаб қилинмаслиги эътиборга лойиқ. Чунки ҳайъат мажлислари очiqлигини таъминлаш давлат органларидан қўшимча меҳнат ва молиявий ресурсларни талаб қилиши баробарида, ташкилий ишларни тезкор бажарилишига тўсиқ бўлади ва натижада улар фаолиятининг самарадорлиги пасаяди.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистонда давлат органлари очiq ҳайъат мажлисларини ҳуқуқий тартибга солишнинг долзарб масалаларини тадқиқ қилиш уларни ҳал қилиш юзасидан қуйидаги таклиф ва мулоҳазаларни илгари суриш имконини берди:

Аввало, давлат органларининг очiq ҳайъат мажлислари деганда ҳайъат давлат органлари, давлат органларининг ҳайъат тузилмалари, улар томонидан тузилган

ёки тузилишида улар иштирок этган ҳайъат органлар (жамоатчилик кенгашлари, комиссиялар, ишчи гуруҳлар ва ҳ.к.), шунингдек, давлат органи ваколатига доир масалалар расмий муҳокамасини (суд муҳокамалари, ҳоким ёки бошқа мансабдор шахс ўтказадиган мажлислар ва ҳ.к.) тушуниш мақсадга мувофиқ бўлади.

Иккинчидан, хорижий мамлакатлар тажрибасини инобатга олган ҳолда Ўзбекистонда ҳокимлар ёки бошқа ҳайъат орган бўлмаган давлат органлари қарорларини тайёрлаш учун уларнинг ҳузуридаги жамоатчилик кенгашларини жалб қилиш, комиссиялар, ишчи гуруҳлар ва бошқа маслаҳат органларини тузиш мақсадга мувофиқ бўлади. Бундай маслаҳат органларини шакллантириш қарор лойиҳаларини пухта тайёрлаш билан бирга, уларни қабул қилишда барча хоҳловчиларга ҳозир бўлиш ва иштирок этиш ҳуқуқини таъминлашга хизмат қилади.

Учинчидан, давлат ҳокимиятининг олий органлари самарали фаолият кўрсатишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари, Вазирлар Маҳкамаси мажлисларида барча шахслар, жумладан жамоатчилик назорати субъектларини фақат ҳозир бўлиш ҳуқуқи билан чеклаш тўғри бўлади. Парламент ва Ҳукуматга киритиладиган масалалар қўмиталар, комиссиялар, ишчи гуруҳлар, жамоатчилик кенгашлари ва бошқа маслаҳат органларида таёрланади. Шу туфайли жамоатчилик назорати субъектларининг ушбу органлар мажлисларида иштирок этиши самаралироқ бўлади.

Тўртинчидан, суд мажлисларида ҳозир бўлганларни унинг иштирокчиларига саволлар билан мурожаат қилишга йўл қўйилмаслиги ижобий ҳолдир, акс ҳолда суд мустақилиги ва қонун устуворлиги таҳдидга қўйилади. Шу жиҳатдан, жамоатчилик назорати субъектларининг бундай мажлисларда ҳозир бўлиш ҳуқуқи билан кифояланиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Бешинчидан, давлат органлари очиқ ҳайъат мажлисларида ахборотдан фойдаланувчилар ҳозир бўлиши ва жамоатчилик назорати субъектлари иштироки тартиби тўғрисида қонун лойиҳаси ёки намунавий низом ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлади. Ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжатни ишлаб чиқиш учун Ахборотдан фойдаланувчиларнинг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг очиқ ҳайъат мажлисларида ҳозир бўлиши тартиби тўғрисидаги намунавий низом асос сифатида олиниши мумкин. Намунавий низом ишлаб чиқилса, уни Ҳукумат ва бошқа давлат органлари инобатга олиши учун Олий Мажлис палаталари қарори билан тасдиқланиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Олтинчидан, давлат органларининг очиқ ҳайъат мажлисларида барча хоҳловчиларнинг иштирокини таъминлаш мураккаб масала. Ушбу масалани амалда ахборотдан фойдаланувчиларнинг очиқ ҳайъат мажлисининг боришини алоҳида хонада видео тасвир орқали кузатиши билан таъминлаб бўлмайди. Бунинг учун Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг айрим ялпи мажлислари билан чекланмасдан, барчасини Интернет тармоғи орқали намоёиш этишни йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Еттинчидан, пандемия шароитида давлат органлари очиқ ҳайъат мажлисларини намоёиш қилиш амалиёти шаклланди. Ижтимоий тармоқлар ва Интернетдаги бошқа йўллар орқали нафақат намоёиш қилиш, балки фуқаролар иштирок этиши учун ҳам имконият яратилган. Масалан, “youtube” канали орқали намоёиш жараёнида хоҳловчилар ўз муносабатини билдириш, саволлар ва таклифлари билан мурожаат қилиш, давлат органлари эса жавоб бериш имконига эгадирлар. Ушбу имкониятлардан тўлиқ фойдаланиш жамоатчилик назоратини кучайтиришга хизмат қилади.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 5 майда қабул қилинган «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги ЎРҚ–369-сонли Қонуни // <https://lex.uz/docs/2381133>.

2. Ахборотдан фойдаланувчиларнинг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг очиқ ҳайъат мажлисларида ҳозир бўлиши тартиби тўғрисидаги намунавий низом. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг 2015 йил 25 ноябрдаги 140-мх ва 05-сон қарори билан тасдиқланган // <https://lex.uz/docs/2845984>.

3. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг тўққизинчи ялпи мажлиси тўғрисида ахборот // <https://uza.uz/uz/posts/ozbekiston-respublikasi-oliy-mazhlisi-senatining-toqqizinchi-yalpi-mazhlisi-togrisida-axborot>.

4. Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 12 апрелда қабул қилинган «Жамоатчилик назорати тўғрисида»ги ЎРҚ-439-сон Қонуни // <https://lex.uz/docs/3679092>.

5. Ражапов А. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти очиқлигини таъминлашнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш масалалари // *O'zbekiston qonunchiligi tahlili*. – 2017. – №. 3. – С. 16-19.

6. Сафаров Т.У. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятини очиқлигини таъминлашнинг ҳуқуқий жиҳатлари // *Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald*. № 3 (2022). – Б. 120-124.

7. Турсунов А., Примов Ф. Очиқлик ва жамоатчилик назорати–коррупцияга қарши курашишнинг муҳим воситаси сифатида // *Общество и инновации*. – 2021. – Т. 2. – №. 4. – Б. 27-35.

8. Исмаилов Б.И., Расулова Г.А. Давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш муҳим унсури сифатида // *Academic research in educational sciences*. 2022. №NUU Conference 2. – Б. 868-878.

9. Хаитбаев О. Ш. Ички ишлар органлари фаолиятининг очиқлиги–ҳуқуқий давлатнинг муҳим шарти // *CARJIS*. 2022. №3. – Б. 141-146.

10. Юлдошев А.Э. Актуальные вопросы реализации бланкетных норм закона Республики Узбекистан «Об общественном контроле» // *Мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини таъминлашда давлат органлари фаолияти устидан самарали жамоатчилик назорати механизмини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш / Илмий-амалий конференция материаллари тўплами*. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институти, 2018. – Б. 318-319.

11. Government in the Sunshine Act (“Sunshine Act”) // https://www.gsa.gov/cdnstatic/SunshineAct_R2B-x3-g_0Z5RDZ-i34K-pR.pdf.

12. Open Meeting Law Guide. – Massachusetts, 2017. – P. 15 // <https://www.mass.gov/doc/2017-open-meeting-law-guide/download>.

13. Open Meetings Act. Section 15.263 // [http://www.legislature.mi.gov/\(S\(ep1z2lrridt5o53i302axhpa\)\)/mileg.aspx?page=getObject&objectName=mcl-15-263](http://www.legislature.mi.gov/(S(ep1z2lrridt5o53i302axhpa))/mileg.aspx?page=getObject&objectName=mcl-15-263).

14. Participate // <https://www.ourcommons.ca/committees/en/participate>.

15. REQUEST TO APPEAR BEFORE A COMMITTEE // <https://www.ourcommons.ca/committees/en/participate>.

16. Erduran S. Bringing nuance to “the science” in public policy and science understanding // *Science & Education*, 29, 2020.

17. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 20 апрелда қабул қилинган «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги ЎРҚ-682-сонли Қонуннинг 28-моддаси // <https://lex.uz/docs/2105724>.

18. Ахборотдан фойдаланувчиларнинг “Ўзархив” агентлиги очиқ ҳайъат мажлисларида ва архив иши ҳудудий бошқармаларининг очиқ дирекция йиғилишларида ҳозир бўлиши тартиби тўғрисидаги низом // <http://archive.uz/post/akhborotdan-foidalanuwchilarning-uzarkhiw-agentligi-ochiq-haiat-majlislarida-wa-arkhiw-ishi-hududii-boshqarmalarining-ochiq-direksiya-iighilishlarida-hozir-bulishi-tartibi-tughrisidagi-nizom>.

19. “Ўзстандарт” агентлигининг очиқ ҳайъат мажлисларида ҳозир бўлиш тартиби тўғрисидаги низом <https://www.standart.uz/cyrl/page/view?id=169>.

20. “Ахборотдан фойдаланувчиларнинг адлия органларининг очиқ ҳайъат мажлисларида ҳозир бўлиши тартиби тўғрисидаги низом // <https://minjust.uz/uz/treatment/treatment/>.

21. Молия вазирлигининг очиқ ҳайъат мажлисларида ҳозир бўлиши тартиби тўғрисидаги низом // https://mf.uz/media/prikazi/xayat_majlis_nizom.pdf.

22. Ҳокимликнинг фаолияти тўғрисидаги ахборотлар // <http://www.navoi.uz/uz/menu/okimlikning-faolijati-trisidagi-ahborotlar>.

23. Вилоят ҳокимлигининг очиқ ҳайъат мажлисларида ҳозир бўлиши тартиби // <http://xorazm.uz/uz/hujjatlar/ochiq-hayat-majlislarida-hozir-bolishi-tartibi/>

24. Ахборотдан фойдаланувчиларнинг Фавқулодда вазиятлар вазирлиги очиқ ҳайъат мажлисларида ҳозир бўлиши тартиби тўғрисидаги низом // <https://www.fvv.uz/uploads/docs/8bf8df8a31a0a4f8de07cc7825fdbaa2.pdf>.

25. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг очиқ ҳайъат мажлисларида ахборотдан фойдаланувчиларнинг ҳозир бўлиши тартиби тўғрисидаги Низом // <https://www.agro.uz/ochiq-hayat-majlislarida-ahborotdan-foydalanuvchilarning-hozir-bolishi/>.

26. Access to Congress // <http://www.dmlp.org/legal-guide/access-congress>.

27. Government in the Sunshine Act (“Sunshine Act”) // https://www.gsa.gov/cdnstatic/SunshineAct_R2B-x3-g_0Z5RDZ-i34K-pR.pdf.

28. State Court Proceedings // <http://www.dmlp.org/legal-guide/state-court-proceedings>.

29. Federal Advisory Committee Act // <https://www.gsa.gov/cdnstatic/FACA-Statute-2013.pdf>.

30. Access to Federal Advisory Committee Meetings // www.dmlp.org/legal-guide/access-federal-advisory-committee-meetings.

31. The Laws of Transparency in Action: A European Perspective / edited by Dacian C. Dragos, Polonca Kovac , Albert T. Marseille. - Cham, Switzerland: Palgrave Macmillan, 2019.

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

МАХКАМОВ Дурбек Нематович

Тошкент давлат юридик университети доценти, юридик фанлар номзоди
E-mail: durbekmaxkamov404@gmail.com

ЎСИМЛИК ДУНЁСИ ОБЪЕКТЛАРИНИНГ ДАВЛАТ КАДАСТРИ ҚОНУНЧИЛИГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

For citation (иктибос келтириш учун, для цитирования): МАХКАМОВ Д.Н.

Ўсимлик дунёси объектларининг давлат кадастри қонунчилигини такомиллаштириш масалалари // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 5 (2022) Б. 25-30.

 5 (2022) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2022-5-3>

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада ўсимлик дунёси объектлари маъурий тартиб-таомиллар, давлат кадастрининг ҳуқуқий мазмуни таҳлил қилинган. Шу билан бирга, ўсимлик дунёси объектлари давлат кадастрининг юридик тавсифи, бошқа табиий ресурслар кадастридан фарқи қиёсий-ҳуқуқий метод орқали ифодаланган. Шунингдек, амалдаги қонунчилик ҳолати, олимларнинг илмий-назарий фикрлари, ушбу соҳадаги қонунчиликни такомиллаштириш масалалари атрофлича ўрганилган. Бундан ташқари ўсимлик дунёси объектларининг давлат кадастрига оид қонунчиликда мавжуд муаммолар ва уларнинг ечимлари тўғрисида муаллифлик хулосалари билдирилган.

Калит сўзлар: ўсимлик дунёси объектлари, давлат кадастри, мониторинг, табиий ресурс, ўсимликларни ҳисобга олиш.

МАХКАМОВ Дурбек Нематович

Доцент Ташкентского государственного юридического университета,
кандидат юридических наук
E-mail: durbekmaxkamov404@gmail.com

ВОПРОСЫ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВА ГОСУДАРСТВЕННОГО КАДАСТРА ОБЪЕКТОВ РАСТИТЕЛЬНОГО МИРА

АННОТАЦИЯ

В статье анализируются правовое содержание государственного кадастра, административные процедуры объектов растительного мира. При этом правовая характеристика государственного кадастра объектов растительного мира, ее отличие от кадастра других природных ресурсов выражается путем сравнительно-правового метода. Детально изучено современное состояние законодательства, научно-теоретические выводы ученых по вопросам совершенствования законодательства

в данной сфере. Кроме того, представлены выводы автора о существующих проблемах в законодательстве и их решениях о государственном кадастре объектов растительного мира.

Ключевые слова: государственный кадастр объектов растительного мира, мониторинг, природный ресурс, учет растений.

МАКHKAMOV Durbek

Assistant professor of Tashkent State
University of Law, Doctor of Philosophy (PhD) in Law
E-mail: durbekmaxkamov404@gmail.com

IMPROVEMENT OF THE LEGISLATION OF THE STATE CADASTRE OF OBJECTS OF THE PLANT WORLD

ANNOTATION

The article analyzes the legal content of the state cadastre, the procedure for managing flora objects. In addition, the legal characteristics of the state cadastre of flora objects, unlike the cadastre of other natural resources, are studied, expressed through the comparative legal method. Also, the current state of legislation, scientific and theoretical opinions of scientists, issues of improving legislation in this area were carefully studied. In addition, the author's conclusions about the existing problems and their solutions in the legislation on the state cadastre of flora objects are presented.

Keywords: state cadastre of flora objects, monitoring, natural resource, plant accounting.

Жамиятда муносабатлар шиддат билан ўзгараётганлиги, ҳаётимизга замонавий тенденцияларнинг таъсири тобора ортиб бораётганлиги “тартибга солиш” институтини янада такомиллаштиришни тақозо этади. Эътибор берадиган бўлсак, сўнгги 6 йил давомида маъмурий тартиб-таомилларни амалга ошириш соҳасидаги муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишда кескин ўзгаришлар рўй берди. 2017 йилда қабул қилинган “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги Қонун айнан ушбу ислохотнинг бошланғич ҳуқуқий пойдевори бўлди. Ушбу Қонун маъмурий органларнинг манфаатдор шахсларга нисбатан маъмурий-ҳуқуқий фаолиятига, шу жумладан лицензия, рухсат бериш, рўйхатдан ўтказиш тартиб-таомилларига, давлат хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ бошқа тартиб-таомилларга, шунингдек қонунчиликка мувофиқ бошқа маъмурий-ҳуқуқий фаолиятга нисбатан татбиқ этилади.

Мазкур маъмурий тартиб-таомиллар табиий ресурслардан фойдаланиш, жумладан, ўсимлик дунёси объектлари билан боғлиқ муносабатларга ҳам татбиқ этилади. Бунда тегишли давлат органи аниқ белгиланган тартибга асосан хизмат кўрсатади. Ҳар бир табиий ресурсларнинг ҳолатига таъсир этувчи табиий ва антропоген омилларнинг ҳисобини юритиш, турли соҳаларда ер, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ва ер ости бойликларидан оқилона фойдаланишни таъминлашда табиий ресурслар кадастрини юритиш ҳам ушбу хизматнинг асосий йўналишларидан бири сифатида қарашимиз мумкин. Қисқа қилиб айтганда, табиий ресурсларнинг миқдор, сифат ва бошқа хил кўрсаткичларини, улардан фойдаланишнинг ҳажми, тартиб тамойилини ҳисобга олиб бориш учун давлат табиий ресурслар кадастрлари юритилади.

Ўзбекистон юридик энциклопедиясида кадастр тушунчасига табиий, хўжалик объекти ёки бошқа объект муайян турининг географик жойлашуви, ҳуқуқий мақоми, миқдор, сифат тавсифлари ва баҳоси тўғрисидаги янгилашиб туриладиган маълумотлар ва ҳужжатларнинг тизимлаштирилган тўплами, рўйхати, реестри, деб

таъриф берилган [1].

Ўзбек тилининг изоҳли луғатида “кадастр (фр. “katastichon” – варақ, рўйхат) – муайян объектлар ҳақидаги аниқ ва тартиблаштирилган ахборотлар мажмуи, рўйхати” [2] сифатида баён этилган бўлса, юридик луғатларда кадастр (французча “cadastre”) расмий орган ёхуд муассаса томонидан тузилган рўйхат, реестр маъносини англатади [3].

Айрим манбаларда эса, кадастр “муайян объектни мунтазам ёки даврий кузатиш натижасида қўлга киритилган тизимлаштирилган маълумотлар мажмуи” [4] сифатида тавсифланади.

Одатда кадастр деганда кўпчилик, ер кадастрини тушунади. Айниқса, табиий ресурслардан бири бўлмиш ердан фойдаланишда “кадастр ҳужжати бор” ёки “кадастри бўлмаса уй бузиларкан” деган жумлалар жамият аъзоларининг кундалик сўзлашувига айлангани ҳамда кадастр билан боғлиқ жараён амалиётда кенг оммага таниш бўлгани барчамизга маълум. Бундан хулоса қилса бўладикки, кадастр мазмуни ердан фойдаланишда асосий ўрин эгаллайди ва буни барча жамият аъзолари билади.

Ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланишда ҳам кадастр тушунчаси худди шундай ўрин тутади. Зеро, “Давлат кадастрлари тўғрисида”ги Қонунда “Давлат кадастри ягона тизимнинг таркибий қисми ҳисобланади ҳамда у давлат кадастри юритиладиган табиий, ҳўжалик объекти ёки бошқа объект муайян турининг географик жойлашуви, ҳуқуқий мақоми, миқдор, сифат тавсифлари ва баҳоси тўғрисидаги янгиланиб туриладиган маълумотлар ва ҳужжатлар тизимидан иборат” бўлиши белгиланган [5].

Махсус илмий адабиётларда табиий ресурслар кадастрини юритишни амалга ошириш икки гуруҳга – табиий ресурслар кадастри ва табиатни муҳофаза қилиш кадастри бўйича тизимлаштириш таклифи илгари сурилади [6]. Бироқ, баъзи олимлар ушбу фикрга қўшилмайди. Уларнинг фикрича кадастрни юритиш соҳасидаги муносабатлар бевосита давлатнинг ҳамда уни органларининг фаолияти билан боғлиқ бўлиб, ташкилий муносабатлар ҳисобланади.

Бу муносабатларнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, улар ҳуқуқий нормалар ёки давлатнинг ижроия бошқарув органларининг бошқарув фаолияти жараёнида қабул қилинадиган ноҳуқуқий ташкилий ҳужжатлар асосида амалга ошириладиган давлат регламентациясидан, яъни бўйсиндирувидан ташқарида вужудга кела олмайди. Жамиятнинг иқтисодий негизи томонидан тайёрланган ва давлат томонидан тузилган давлат ер кадастрини юритилишига оид муносабатлар бир вақтнинг ўзида ҳам ҳуқуқий, ҳам ҳуқуқдан ташқари амал қила олмайдиган фактик муносабатлар сифатида вужудга келиши мумкин [7].

Бевосита сўз юритилаётган табиий объектни ҳуқуқий тартибга солишга қаратилган Қонун бўлмиш – “Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”ги Қонуни алоҳида ўринни эгаллайди. Бу қонунда ўсимлик дунёси объектлари, ушбу объектлардан фойдаланиш турлари, муддатлари, нормативлари, фойдаланувчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланишни чеклаш, тўхтатиш ва ман этиш, ўсимлик дунёси объектларининг мониторинги, давлат кадастри каби масалалар тартибга солинган [8].

Ўсимлик дунёси объектларининг давлат кадастри табиий ресурслар кадастрининг таркибий қисми сифатида Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 7 ноябрдаги 914-сон қарори билан тасдиқланган “Ўсимлик дунёси объектларининг давлат ҳисобини, улардан фойдаланиш ҳажмлари ҳисобини ва давлат кадастрини юритиш тартиби тўғрисида”ги низом билан тартибга солинади [9].

Эътиборлиси, 2000 йилда қабул қилиниб 2018 йилгача амалдаги низом номланиши “Ўсимлик дунёси объектларининг давлат кадастрини юритиш тартиби тўғрисида”ги низом деб номланган эди. Амалдаги низомда эса, давлат кадастрини юритиш билан биргаликда, ўсимлик дунёси объектларининг давлат ҳисобини, улардан фойдаланиш ҳажмлари ҳисобини юритиш масаласи ажратиб кўрсатилган.

Хўш ушбу ўзгаришга қандай зарурат пайдо бўлди?

Биринчи навбатда, Ўсимлик дунёси объектларини давлат томонидан ҳисобга олиш, улардан фойдаланиш ҳажмларини ҳисобга олиш ва давлат кадастри маълумотлари ўсимлик дунёси объектларини ҳамда улар ўсадиган муҳитни сақлаш, улардан фойдаланиш, қайта кўпайтириш ва тиклаш тадбирларини режалаштириш учун асос ҳисобланади. Шу нутаи назардан унинг зарурати келиб чиқади. Ушбу низомда асосий тушунчаларга алоҳида эътибор берилганлиги билан ҳам муҳим аҳамият касб этади. Хусусан, ўсимлик дунёси объектларининг давлат кадастри ўсимлик дунёси объектлари ва улардан фойдаланиш ҳажмларини давлат томонидан ҳисобга олиш маълумотларига асосланган, уларнинг географик тарқалиши, турлари таркиби, сони, бошқа сифат ва сон тавсифлари, ўсиш муҳити, улардан хўжаликда фойдаланиш ва иқтисодий баҳолаш тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган мунтазам янгиланадиган маълумотлар тизими эканлиги белгиланган. Унинг объекти Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ўсадиган ёввойи ҳолда ўсувчи ўсимликлар турлари, шунингдек, давлат томонидан ҳисобга олинадиган табиий яйловлар ва пичанзорлар ўсимликлари ҳисобланади.

Ўсимлик дунёси объектларини, уларнинг сон ва сифат ҳолатини, хўжаликда фойдаланиш ҳажмларини аниқлаш; уларни иқтисодий баҳолаш, тегишли субъектларга ўсимлик дунёси объектларининг ҳолати ва улар ўсадиган муҳит тўғрисида ишончли маълумотлар тақдим этиш, ўсимлик дунёси объектларини сақлаш, улардан оқилона, барқарор фойдаланиш, ҳимоя қилиш, қайта кўпайтириш ва тиклаш талабларига риоя этилишини таъминлаш ўсимлик дунёси объектларининг давлат кадастри мақсадлари бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ўсимлик дунёси объектларининг давлат кадастрини Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси билан биргаликда юритади. Фанлар академияси ўсимлик дунёси объектларининг давлат кадастри юритилишини илмий жиҳатдан таъминлайди.

Нима сабабдан, ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланишнинг бир йўналиши бўлмиш кадастр масаласига алоҳида эътибор берилди? Буни қонуннинг ўзида икки ёки уч модда орқали ифодалаш билан масалани ечиш мумкин эмасмиди?

Ҳар қандай норматив-ҳуқуқий ҳужжат у ёки бу муносабат ривожланиши натижасида вужудга келадиган эҳтиёждан келиб чиқади. Бу эҳтиёж ушбу муносабатлардаги муаммоли масалалар ва низоли вазиятлар пайдо бўлиши билан боғлиқ. Фикримизни қуйидаги ҳолатлар билан изоҳлаймиз.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг “1992 йилда Рио-де-Жанейрода имзоланган Биологик хилма-хиллик тўғрисидаги конвенцияга Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши тўғрисида” 1995 йил 6 майдаги қарорини [10] ижро этиш муҳимдир. Шунингдек, биологик хилма-хилликни сақлаш ва ундан барқарор фойдаланишни таъминлаш, муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудларни ривожлантириш ва кенгайтириш, табиий экологик тизимларнинг таназзулга учраши суръатларини пасайтириш, ҳайвонлар ва ўсимликларнинг камёб ва йўқолиб бораётган турларини қайта тиклаш, биохилма-хилликни сақлаб қолиш соҳасидаги халқаро муносабатларни ривожлантиришга қаратилган комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг “2019-2028 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасида биологик хилма-хилликни сақлаш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори қабул қилинди [11].

Мазкур ҳужжатда ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланишга оид хавф-хатарлар ва муаммолар келтирилди. Бунда ўсимлик дунёси объектларини сақланиб қолишига тўсқинлик қилаётган асосий муаммолардан бири – атроф табиий муҳит, жумладан, ўсимлик дунёси объектлари давлат кадастри ва мониторинги етарлича амалга оширилмаслиги ҳисобланди.

Юқоридаги муаммоларни ҳал этиш ва ўсимлик дунёси объектларини сақлаб

қолиниши ҳамда ундан барқарор фойдаланишни таъминлаш мақсадида қуйидаги муҳим чора-тадбирлар амалга ошириши илгари сурилди:

биринчидан, замонавий геоахборот технологиялари асосида ўсимлик дунёси объектларининг давлат мониторинги ва давлат кадастри ягона ахборот маълумотлар базасини яратиш;

иккинчидан, ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш соҳасида норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, бунда, ўсимлик дунёси объектлари давлат кадастри ва мониторингини юритишнинг институционал ва қонунчилик асосларини такомиллаштириш;

учинчидан, ўсимлик дунёси объектлари давлат кадастрини юритиш ва мониторинг олиб боришни такомиллаштириш мақсадида биологик хилма-хиллик компонентлари мониторингининг ягона тизимини ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ва жорий этиш, биологик хилма-хиллик мониторинги усуллари ва объектларини бирхиллаштириш, биологик хилма-хиллик мониторинги маълумотлар базасини ривожлантириш ва такомиллаштириш зарур.

тўртинчидан, ушбу соҳада сиёсатни шакллантириш ва комплекс қарорлар қабул қилиш учун зарур бўлган биологик хилма-хилликнинг ҳолати ва аҳамияти тўғрисидаги замонавий илмий ахборотни такомиллаштириш;

бешинчи, ўсимлик дунёси давлат кадастрини юритиш, яйловларнинг таназзули ва чўлланиш жараёнларининг олдини олиш юзасидан тадбирларни ишлаб чиқиш учун табиий яйловлар ва пичанзорларда ўсадиган ўсимликларни даврий биоботаник текширишдан ўтказиш белгиланди.

Шу нуқтаи назардан амалдаги “Ўсимлик дунёси объектларининг давлат ҳисобини, улардан фойдаланиш ҳажмлари ҳисобини ва давлат кадастрини юритиш тартиби тўғрисида”ги низомнинг айрим жиҳатларига тўхталиб ўтсак.

Ушбу низомда ўсимлик дунёси объектларни кадастрини мақсади жуда кенг қамраб олинган бўлиб, амалдаги “Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”ги Қонун мақсадидан кўра кўпроқ муносабатларни қамраб олгандек. Масалан, Низомнинг иккинчи бандида **“биологик хилма-хиллик — жами ўсимлик дунёси (ҳайвонлар, ўсимликлар, микроорганизмлар) турларининг хилма-хиллиги бўлиб, тур доирасидаги, экотизимлар турлари ва ранг-баранглиги ўртасидаги хилма-хилликни ўз ичига олади”** дея таъриф берилган.

Шу билан бир қаторда объект масаласида ҳам чалкашлик мавжуд. Масалан, қонунда **“ёввойи ҳолда ўсувчи ўсимликлар — маданийлаштирилмаган дарахтлар, буталар, ўтсимонлар, қирққулоқсимонлар, йўсинсимонлар, сувўтлар, лишайниклар ва замбуруғлар”** ҳақида сўз кетган. Низомда эса **“ёввойи ҳолда ўсувчи ўсимликлар — маданийлаштириб бўлмайдиган дарахтлар, буталар ва ўтсимон ўсимликлар, қирққулоқсимонлар, йўсинсимонлар, сувўтлар, лишайниклар ва замбуруғлар”** хусусида гап кетади. Хулоса шуки, **“маданийлаштирилмаган”** ва **“маданийлаштириб бўлмайдиган”** тушунчалар ва уларнинг мазмуни турлича эканлигини инобатга олган ҳолда, нормалар бир-бирига номувофиқ.

Бундан ташқари амалдаги қонунимизда янги институт пайдо бўлди. Бу ҳам бўлса, сунъий яратилган шароитларда етиштириладиган барча турдаги ёввойи ўсимликлар мажмуи мазкур қонун объектига айланди. Бироқ, низомда **“ўсимлик дунёсининг давлат кадастри объекти — Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ўсадиган ёввойи ҳолда ўсувчи ўсимликлар турлари, шунингдек, давлат томонидан ҳисобга олинадиган табиий яйловлар ва пичанзорлар ўсимликлари”** деб белгиланган. Демак сунъий яратилган шароитларда етиштириладиган ёввойи ўсимликларининг давлат кадастри юритилмайди деган фикр келади. Бунда эса бир қанча ўсимлик объектлари турлари, кўпайиш ёки камайиш ҳажмини аниқлаш имкони бўлмади ва улардан фойдаланиш ҳолати назоратсиз қолади дегани.

Натижада ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланувчи субъектлар ва маъмурий ташкилот ўртасида низоларни вужудга келишига, бу эса суд тартибида

юритиладиган ишларнинг ҳажм жиҳатдан кўпайишига олиб келади.

Таъкидлаш лозимки, бугунги кунда мамлакатимизда ўсимлик дунёси объектларининг давлат кадастри тизими ва ўсимлик дунёси объектларининг давлат кадастри маълумотларини яратиш, юритиш ва қўллаш бўйича ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи қонунчилик тўлиқ шакллантирилмаган. Ўзбекистон Республикасининг “Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”ги қонуни ушбу вазифаларини амалга ошириш билан боғлиқ вужудга келадиган умумий, энг муҳим ижтимоий муносабатларни тартибга солади. Аммо ушбу қонунни амалга ошириш ўсимлик дунёси объектларининг давлат кадастрини юритиш тартибини таъминловчи мукамал қонун ости ҳуқуқий ҳужжатларини ишлаб чиқишни талаб этади. Бундан ташқари, ўсимлик дунёси объектларининг давлат кадастрини юритувчи давлат органларининг ҳуқуқий мақоми ва ваколатларини белгилаш ҳал этилишини кутаётган муаммолар сирасига киради.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Ўзбекистон юридик энциклопедияси / Нашр учун масъул Р.А.Муҳитдинов ва бошқ.; масъул муҳаррир Н.Тойчиев. – Тошкент: Адолат, 2010. – Б. 236.
2. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. / А.Мадвалиев таҳрири остида. 2-жилд. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006. – Б. 291.
3. Большая юридическая энциклопедия. – М.: Эксмо, 2008. – С. 241.
4. Словарь иностранных слов. – М., 2009. – С. 210.
5. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 19.04.2018 й., 03/18/476/1087-сон, 25.07.2018 й., 03/18/487/1569-сон; 21.03.2019 й., 03/19/531/2799-сон
6. Р.С. Ташбаева Правовое регулирование ведения природных кадастров РУз. Авт.дисс.на соис.уч.степ.к.ю.н. – Тошкент, 2009, 9-б.
7. О.Турсунов Давлат ер кадастри тушунчасига доир мулоҳазалар // ТДЮИ Ахборотномаси. – Тошкент, 2009. – №3. – Б. 85-87.
8. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 38-сон, 440-модда; 2017 й., 37-сон, 978-модда
9. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 07.11.2018 й., 09/18/914/2164-сон
10. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 й., 6-сон, 130-модда
11. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 13.06.2019 й., 09/19/484/3281-сон

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

ИЛҲОМЖОНОВ Баҳромжон Маҳкамжонович
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги
Давлат бошқаруви академияси мустақил изланувчиси
Email: b_tsli@mail.ru

НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ ОРҚАЛИ ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

For citation (иқтибос келтириш учун, для цитирования): ИЛҲОМЖОНОВ Б.М. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни оптималлаштириш орқали ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштириш // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 5 (2022) Б. 31-38

 5 (2022) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2022-5-4>

АННОТАЦИЯ

Мақолада мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсати соҳасида олиб борилаётган ислоҳотлар, ёшларга оид қонунчилик, ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги норматив-ҳуқуқий муносабатларни ривожлантириш хусусиятлари, асосий қонунчилик ташаббуслари, ёшларга оид давлат сиёсати доирасидаги мақсадли лойиҳа ҳужжатлари муҳокама қилинади.

Калит сўзлар: ёшлар, жамият, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, ёшларга оид давлат сиёсати, қонунчилик базаси.

ИЛҲОМЖОНОВ Баҳромжон Маҳкамжонович
Независимый соискатель Академии государственного
управления при Президенте Республики Узбекистан
Email: b_tsli@mail.ru

СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ГОСУДАРСТВЕННОЙ МОЛОДЕЖНОЙ ПОЛИТИКИ ПОСРЕДСТВОМ ОПТИМИЗАЦИИ НОРМАТИВНО-ПРАВОВЫХ АКТОВ

АННОТАЦИЯ

В статье рассматриваются реформы, законодательство, особенности развития нормативно-правовых отношений, основные законодательные инициативы, целенаправленные проектные документы в сфере молодежной политики Узбекистана.

Ключевые слова: молодежь, общество, нормативные правовые документы, государственная молодежная политика, законодательная база.

ILHOMJONOV Bakhromjon

Independent researcher of the Academy of Public Administration
under the President of the Republic of UzbekistanEmail: b_tkli@mail.ru**IMPROVEMENT OF THE STATE YOUTH POLICY THROUGH OPTIMIZATION OF
NORMATIVE AND LEGAL ACTS****ANNOTATION**

The article discusses the reforms carried out in the field of the state youth policy in our country, youth legislation, features of the development of regulatory and legal relations in the field of youth state policy, main legislative initiatives, targeted project documents in the framework of the state youth policy.

Keywords: youth, society, legal documents, state youth policy, legal base.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда ёшлар сиёсати давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг шахсан ташаббуси билан юртимизда 30-июнь санаси “Ёшлар куни” деб эълон қилиниши ушбу йўналишдаги сай-ҳаракатларнинг мантиқий давоми бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 июлдаги “Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги ПФ-5106-сон Фармони билан демократик давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш борасидаги ислохотларда ёшлар фаоллигини ошириш, юксак маънавиятли, мустақил фикрлайдиган, қатъий ҳаётий позицияли, кенг дунёқараш ва чуқур билимларга эга ташаббускор, шижоатли, эл-юрт манфаати йўлида бор куч-ғайрати, билим ва салоҳиятини сафарбар қиладиган, мамлакат истиқболи учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир ёшлар сафини кенгайтириш [1] асосий вазифалардан бири этиб белгиланган.

Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонуни бугунги давр талабларига мос равишда ҳар томонлама баркамол, мустақил фикрлайдиган, мамлакатимиз истиқболи учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир, ташаббускор, халқ манфаати йўлида бор салоҳиятини сафарбар қиладиган, шижоатли ёшларни тарбиялаш, уларнинг интеллектуал ва ижодий салоҳиятини рўёбга чиқариш учун мустақкам ҳуқуқий пойдевор яратди.

Ўзбекистонда мавжуд 900 га яқин қонун ҳужжатларидан [2] фақат ушбу қонун номидагина “Давлат сиёсати” деган сўзларни учратамиз. Шунинг ўзидан ҳам мамлакатимизда ёшларга кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликнинг даражасини билиб олиш мумкин.

“Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонун 4 та боб, 33 та моддадан иборат бўлиб, давлат томонидан амалга ошириладиган ҳамда ёшларни ижтимоий жиҳатдан шакллантириш, уларнинг интеллектуал, ижодий ва бошқа салоҳиятларини камол топтириш учун шарт-шароитлар яратилишини назарда тутадиган ижтимоий-иқтисодий, ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар тизимини ўзида мужассам этади. Унда белгиланган нормалар ўтган йиллар мобайнида қабул қилинган қонунчилик ҳужжатларининг ёшларга оид нормалари билан ўзаро боғланган ва улар ўртасидаги уйғунликни таъминлайди.

Бир сўз билан айтганда, сўнгги йилларда мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги қонунчилик ҳужжатлари базаси янада такомиллаштирилди.

Ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги қонунчилик ҳужжатлари базаси деганда, ушбу сиёсатни амалга ошириш жараёнида қабул қилинган ҳуқуқ нормаларининг йиғиндисини тушуниш мумкин. Шу билан бирга, шуни таъкидлаш керакки, давлат

органларининг ёшларнинг ижтимоий шаклланиши ва ривожланишига кўмаклашиш жараёнида қонунчилик ҳужжатлари нормаларини қўллаш бўйича вазифалари Асосий Қонунимиз – Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг II бўлими билан кафолатланган инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчларини [3] амалга оширишнинг тегишли механизмлари билан тўлиқ таъминланмаган. Бизнинг фикримизча, ушбу ҳолат кўплаб сабаблар билан боғлиқдир. Жумладан, ёшлар сиёсатини ҳуқуқий таъминлашнинг тўлиқ мукамал ташкил этилмаганлиги, ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда бир-бирини такрорловчи ёшлар ташкилотларининг мавжудлиги, қонунчилик ҳужжатларини ижросини таъминлаш самарадорлигининг етарли эмаслиги, ёшларга оид қонунчилик ҳужжатларига риоя этилиши устидан етарлича назоратнинг йўқлиги, ёшларга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқишда ёшлар, жамоатчилик вакиллари иштирокининг пастлиги ва бошқалар.

Шундай қилиб, ёшларни қўллаб-қувватлаш соҳасидаги давлат сиёсатини амалга ошириш ва унинг самарадорлигини оширишнинг муҳим йўналиши – бу норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштиришдир. Ёшлар бошқаруви соҳасидаги ҳуқуқий асосларни такомиллаштириш, бир томондан, ёшлар иштирокидаги турли ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишни оптималлаштиришга эътибор қаратиш бўлса, иккинчи томондан, ёшларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш ҳамда уларнинг фуқаролик позицияларини амалга оширишга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқишга эътибор қаратиш лозим ҳисобланади.

Бунинг учун, дастлаб, ёшларга оид қонунчилик ҳужжатлари базаси устидан таҳлил ўтказилиб, амалдаги қонунчилик ҳужжатларини қайта кўриб чиқиш, ўз аҳамиятини йўқотган ҳужжатларни бекор қилиш ва тарқоқ ҳужжатларни тизимлаштириш орқали мавжуд қарама-қарши нормаларни бартараф этиш зарур. Бунда, Ўзбекистон Республикасининг ёш фуқаролари ҳаётининг айрим жиҳатларига тааллуқли кўплаб ҳуқуқий ҳужжатлар таҳлил қилиниши ва тизимлаштирилиши лозим.

Бунинг учун, аввало, бугунги кунда ёшларга оид қабул қилинаётган ҳужжатларнинг ёшларнинг ҳозирги ижтимоий ҳолатига мувофиқлиги даражасини ўрганиш, қонунчилик ҳужжатларининг ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларга мувофиқлигини таъминлаш, янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ўз вақтида ишлаб чиқиш ёки эскирган амалдаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга давр талабларидан келиб чиққан ҳолда ўзгартиш ёки қўшимчалар киритишни назарда тутиш керак.

Ёшларга оид давлат сиёсатининг самарадорлиги кўп жиҳатдан ёшларнинг мамлакат ижтимоий ҳаётидаги фаолияти ва ўз ҳуқуқларини амалга оширишни кафолатлаш шартларига оид ҳуқуқий нормаларнинг ҳолатига боғлиқдир.

Энг муҳим вазифа, авваламбор, ёшларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга қаратилган ва қонун билан мустаҳкамланган “норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар”га давлат томонидан уларга риоя этилишини тўлиқ таъминлаш ҳамда бу борадаги сай-ҳаракатларни янада фаоллаштириш лозимдир.

Ёш авлодга нисбатан давлат сиёсати декларатив характерда бўлмаслиги учун, авваламбор, ёшларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини амалга ошириш механизмига тааллуқли бўлган (масалан, имтиёзлар ёки ижтимоий тўловлар белгилаш) давлат бюджети маблағлари ҳисобидан таъминланиши мумкин бўлмаган ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш амалиётига чек қўйилиши керак.

Ёшларга оид давлат сиёсати соҳасини амалга оширишда давлат органлари ва ташкилотлари томонидан қабул қилинаётган идоралараро норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш механизмини ҳам кўриб чиқиш талаб этилади. Бунда, сўз ёшлар сиёсатини амалга ошириш жараёнида давлат органлари ва ташкилотларининг жамоатчилик иштирокини таъминлаши зарурлиги ҳақида бормоқда. Бунда, қабул қилинаётган ҳуқуқий тусдаги барча ҳужжатлар лойиҳалари ҳам кенг жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилишини зарур, деб ҳисоблаймиз.

Европа тажрибасида давлат миқёсида қабул қилинаётган барча даражадаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, жумладан, қонунлар, қарорлар ва бошқа тусдаги ҳуқуқий ҳужжатлар кенг муҳокамадан ўтказилади. Маслаҳатлашув механизми Европа иттифоқи институтларининг қонунлар лойиҳаларини ишлаб чиқилиши ва қабул қилинишидан то уларнинг амалга оширилишигача бўлган даврга қадар қўлланилади. Ҳокимият ва фуқаролар ўртасидаги маслаҳатлашувнинг Европа тажрибаси фуқароларни ушбу мулоқотнинг субъектлари сифатида тан олади [4]. Ўзбекистонда ҳам ушбу йўналишда салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–3666-сон қарори билан барча муҳим иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эга норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари, қоида тариқасида, лойиҳани ишлаб чиқувчи ташкилотлар томонидан Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари муҳокамаси порталига (regulation.gov.uz) жамоатчилик муҳокамаси ўтказилиши учун жойлаштирилиши лозимлиги белгиланди [5].

Қарор билан белгиланган мазкур тартибни самарали амалга ошириш ва жамоатчиликни норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари муҳокамасида иштирок этишларини қулайлаштириш мақсадида, Адлия вазирлиги томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари муҳокамаси портали (regulation.gov.uz) модернизация қилиниб, 2020 йил 1 октябрдан бошлаб унинг янги версияси синов тариқасида ишга туширилди.

Шу билан бирга, Ўзбекистонда ёшларга оид қонунчилик лойиҳаларини жамоатчилик муҳокамаси амалиётини, нафақат юқоридаги портал, балки барча даражадаги давлат ҳокимияти органларида бевосита жамоатчилик муҳокамалари ва маслаҳатлашувлар шаклида, ёшлар билан ишлайдиган давлат органлари ва нодавлат ташкилотларининг веб-сайтлари ва ижтимоий тармоқларида муҳокама қилиш орқали амалга ошириш мумкин.

Ёшлар ва жамоатчилик вакиллари қонун лойиҳаларини жамоатчилик экспертизасидан ўтказиши, тегишли органларга норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари, ахборот, муаммоли масалалар юзасидан эксперт хулосалари ва тавсиялар беришлари мумкин. Жамоатчилик экспертизаси муайян қарорларни дастлабки муҳокама қилиш мақсадида ўтказиладиган семинарлар, конференциялар ва давра суҳбатларида ёшларнинг иштироки орқали амалга оширилиши мумкин. Бундай тадбирлар ёрдамида ёш фуқаролар ёшларга оид давлат сиёсати йўналишларига эксперт (мутахассис) сифатида баҳо беришлари мумкин ҳамда қабул қилинган қарорлар ижросини назорат қилишда иштирок этадилар ва эришилган натижаларни таҳлил қилиб боришга кўмаклашадилар.

Жамоатчилик вакиллари ва ёшлар томонидан билдирилаётган таклиф, тавсиялар ҳамда уларнинг фикрлари мутахассислар, депутатлар томонидан парламентда илгари сурилаётган ташаббуслар ва ишлаб чиқиладиган қонунчилик ҳужжатларида ўз аксини топиши керак.

Ёшларнинг қонун ижодкорлиги соҳасида ташаббуслари бу тарзда қўллаб-қувватланиши жуда муҳим ҳисобланади. Чунки, ушбу фаолият нафақат ёшларнинг муаммоларини ҳал этишда ўз позицияларини ўрганиши ва ҳисобга олиши имконини беради, балки қонун ижодкорлигининг янги самарали механизмларини такомиллаштириш ва ривожлантиришга ҳам хизмат қилади. Бу эса, ёшларни давлат томонидан қўллаб-қувватланиши, нодавлат нотижорат ташкилотларининг манфаатларини давлат органларида ҳимоя қилиш механизмларини ривожланишига замин яратади. Ҳокимият, ёшлар ва жамоатчилик ўртасидаги бундай маслаҳатлашувлар, эътиборга олинмаган муаммоларни аниқлаш ва манфаатлар тўқнашувини норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилингандан кейин эмас, балки дастлабки босқичдаёқ бартараф этиш имконини беради. Шундай қилиб, бу каби

маслаҳатлашувлар норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни кейинчалик жамоатчилик томонидан қўллаб-қувватлаш ва тушуниш ҳамда уларнинг самарали ижросини таъминлашга хизмат қилади.

Шу муносабат билан, жамоатчилик фикрини мажбурий тизимли ўрганишни кафолатлайдиган ҳамда давлат ҳокимияти органларини жамоатчилик иродаси ва манфаатларини инobatга олган ҳолда қарорлар қабул қилишга мажбурловчи қонунчилик базасини яратиш долзарб аҳамият касб этади. Ривожланган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, жамоатчилик фикрининг давлат бошқаруви ва сиёсий қарорлар қабул қилишдаги иштироки бир қатор демократик-ҳуқуқий, сиёсий ва ижтимоий кафолатлар билан таъминланиши керак.

Ёш фуқароларнинг қонун ижодкорлиги фаолиятига жалб этилиши уларнинг амалдаги қонунчилик ҳужжатлари базасидан етарли даражада хабардор бўлишини таъминлаш зарурати билан ҳам боғлиқдир. Ҳуқуқий-демократик давлатларда фуқаролар нафақат ўз ҳуқуқларини билишлари, балки уларни ҳимоя қила олишлари керак. Бугунги кунга қадар бевосита ёш фуқароларга тааллуқли ва улар масалаларига оид бўлган ҳамда қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисидаги маълумотлар фақат расмий нашрлардагина эълон қилинмоқда. Ёшларнинг деярли кўпчилиги бундай расмий нашрлардан фойдаланмаётганини инobatга олиб, ҳуқуқий ахборотни ўз истеъмолчисига етказишни таъминлайдиган бошқа воситалардан, жумладан, айнан ёшларнинг ўзидан фойдаланиш заруратини туғдиради.

Шу муносабат билан, ижро ҳокимияти органлари ёшларнинг ўз ҳуқуқлари тўғрисида ахборот олишига кўмаклашишлари, уларнинг билимини давлат ва жамоат манбалари орқали янада оширишларига кўмаклашишлари керак. Масалан, ёшларга давлат томонидан яратилган ва кафолатлаб берилган ҳуқуқлар, имтиёзлар ва ижтимоий ёрдамларни тушунтириш бўйича электрон хизматлар кўрсатиш; ёшлар билан ишловчи давлат ва нодавлат ташкилотларининг консультатив марказларини тизимини шакллантириш; Ўзбекистон ёшлар ишлари агентлиги, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ҳузурида давлат ахборот-ресурс марказлари тармоғини кенгайтириш, давлат ахборот-таҳлил, ресурс марказлари, хизматлар, ёшлар фаолияти билан боғлиқ нодавлат ташкилотлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва таъминлаш; ёшлар нашрлари ва радиостанцияларини жорий этиш ва уларни қўллаб-қувватлаш; таълим муассасалари, ёшлар клублари, кутубхоналар ва ҳоказоларда маълумотларни электрон шаклда жойлаштириш катта аҳамият касб этади. Шундай қилиб, ёшлар нафақат ўз ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган қонунчилик ҳужжатлари билан танишиши, балки зарур ҳолларда, ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиши, уларни қизиқтирган масалалар бўйича қонунчиликка ўз таклифларини билдириш имкониятига эга бўлади.

Давлат бошқарувининг муҳим хусусияти ва асосий функцияси бу назорат қилиш функциясидир. Фуқаролик жамиятининг ривожланиши эса, тўғридан-тўғри мақбул қарорлар қабул қилиш, уларнинг ўз вақтида ва тўлиқ бажарилиши устидан самарали давлат назоратини амалга ошириш жараёнига боғлиқ.

Замонавий шароитда, давлат органлари ва ташкилотларининг асосий вазифаларидан бири ёшларга оид қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Президент фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ҳамда бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қатъий ижроси, уларнинг фуқаролар томонидан бажарилиши устидан давлат назоратини амалга оширилишидир.

Давлат томонидан назорат функциясининг тўғри амалга оширилиши қонунчилик ҳужжатлари тўғрисидаги маълумотлар ва уларнинг ижроси юзасидан тезкор ахборотга эга бўлиш имконини беради. Ёшларга оид қонунчилик ҳужжатларининг ижроси устидан тегишли давлат назоратини ўрнатиш, нафақат, мазкур жараён миқдорий кўрсаткичларини таҳлил қилишни, балки уларнинг сифатини ҳам ҳисобга олиб, муаммоларни ўз вақтида аниқлаш ва вазифаларнинг бажарилишини таъминлашга эришилади. Зеро, давлат бошқарувида қонун устуворлигига риоя қилиш мезони айнан қонунчилик ҳужжатларини

белгиланган муддатларда ижро этилиши сифати ҳисобланади.

Фикримизча, назоратни кучайтириш қонунчилик ҳужжатларида белгиланган вазифаларнинг самарадорлигини, сифатини, аниқ бажарилишини ва ижро интизомининг юқори даражасини таъминлайди. Бундан ташқари, бундай назорат ҳам ички, ҳам ёшлар сиёсати тузилмалари доирасида, ҳам ташқи – эксперт доираларида (илмий, касбий), жумладан, жамоатчиликни, ёш фуқароларни (жамоатчилик назорати) жалб қилиш орқали амалга оширилиши керак.

Эътибор берадиган бўлсак, демократик жараёнларда ҳокимият ва фуқаролар ўртасида яратилган, ишлаб чиқилган ва қабул қилинган сиёсий қарорлар, келгусида уларнинг ижросини ҳам биргаликда назорат қилишни кўзда тутлади. Бинобарин, ижтимоий ҳаётнинг айрим жабҳаларида нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари сиёсий қарорлар қабул қилиш жараёнига таъсир кўрсатиш учун уларда давлат органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратининг механизмлари, шунингдек, қабул қилинадиган қарорлар тўғрисидаги маълумотлар етишмаслигини билдирмоқда. Бу масаланинг аҳамияти жамоатчилик назорати механизмларини мустаҳкамловчи ҳуқуқий ҳужжатларга қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш зарурлигини тақозо этмоқда.

Ёшларга оид давлат сиёсатида жамоатчилик назорати – бу ёшларнинг ўз фаолиятига оид қабул қилинаётган қарорлар бўйича масъулиятини ошириш ҳамда ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларига эришиши йўналишида ёшлар ва уларнинг ташкилотлари томонидан амалга оширилиши мумкин бўлган ижтимоий назорат турларидан бири ҳисобланади. Бу демократияни ҳаётга татбиқ этишнинг муҳим шакли ҳамда ёшларни жамият ва давлат бошқарувига жалб этиш йўлидир. Давлат органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, ёшлар билан ишловчи муассасалар ва ташкилотларнинг фаолияти жамоатчилик назоратининг объекти ҳисобланади.

Жамоатчилик назорати белгиланган мақсадлар, вазифалар ва муддатларда бажарилишини истисно этиб, уларнинг ишончли сабабларини ўз вақтида аниқлаш ва вазиятни тўғри ташкил этиш йўллари ишлаб чиқиш учун мўлжалланган. Унинг ёрдами билан давлат бошқаруви субъекти бошқарув фаолиятини тўғри олиб бориши учун ахборот олади, бу эса, ўз навбатида ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини оширилишига ёрдам беради. Мазкур назорат қуйидаги шаклларда амалга оширилиши мумкин: ижро ҳокимияти органлари қарорларини тайёрлаш ва амалга ошириш устидан жамоатчилик назорати; уларнинг самарадорлигини текшириш; бевосита иштирок этиш ва экспертлар таклифларини тақдим этиш.

Ёшларга оид давлат сиёсати ёшларни қўллаб-қувватлаш бўйича жаҳон тажрибасини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши керак. Бунда, Европа ҳамжамияти томонидан ишлаб чиқилган ёшларнинг фуқаролик ҳуқуқларини таъминлаш соҳасидаги ҳуқуқий ҳужжатларни ўрганиш ва улар асосида тегишли ҳужжатларни ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга. Бу, ўз навбатида, ижтимоий соҳадаги Европа меъёрлари ва стандартларини миллий қонунчиликка жорий этишнинг (имплементация қилиш) самарали механизмларини яратиш, тегишли қонунчилик ҳужжатларини қабул қилиш орқали уларни қонунчилигимизга мослаштириш, амалдагиларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш ва бошқаларни кўзда тутлади. Бундай тадбирларнинг натижаси мамлакатимизда ёшлар иштирокидаги муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш бўлиши керак ва бу ёш фуқароларнинг ижтимоий ҳимоя даражасини оширилишига ёрдам беради, шунингдек, Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги обрўсини янада мустаҳкамлашга ёрдам беради.

Фуқаролик жамиятини шакллантириш ва ривожлантириш Ўзбекистонда ёшлар сиёсатининг ўзини ўзи бошқаришнинг республика ва ҳудуд даражасида такомиллаштиришни белгилайди.

Шу муносабат билан, маҳаллий ижро ҳокимияти органларига тегишли ҳудудда

ёшларга оид сиёсат йўналишларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда ҳудуднинг ижтимоий ҳаёти талабларига риоя этишни тавсия қиламиз. Бу қарорлар қабул қилиш жараёнида ва ушбу даражадаги тадбирларда ёшларнинг фаол иштирокини таъминлашдан иборат бўлиб, ёшлар ва улар билан келишилган ҳолда белгиланадиган турли шакллар орқали ёшларнинг жамият ҳаётидаги иштирокини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришни назарда тутди. Давлат ўз сиёсатида ёшларга оид компонентни ўз ичига олиши кераклигини тушуниши лозим. Яъни, спорт, бўш вақтни мазмунли ташкил этиш, маҳалла, бандлик, уй-жой ва транспорт, таълим ва кадрлар тайёрлаш, соғлиқни сақлаш, гендер тенглиги, қишлоқ сиёсати ва бошқа барча соҳаларда ёш фуқароларнинг талаб ва истакларини ҳеч қандай камситмасдан инобатга олиши керак. Давлат ҳокимияти органлари ёшларни ҳудудий ва маҳаллий ривожланиш стратегиялари, ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий масалаларига оид қарорлар ва дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишга жалб этиши зарур.

Яна бир жиҳати, ёш фуқароларнинг давлат бошқаруви соҳасидаги ҳуқуқларини амалга ошириши билан боғлиқ. Ижтимоий-сиёсий келишувни, ижтимоий барқарорликни катта даражада таъминлай оладиган ёшлар эндигина шаклланимоқда. Бу узоқ, мураккаб жараён бўлиб, уни фақат давлатнинг аниқ аралашуви билан тезлаштириш ва самаралироқ ташкил этиш мумкин. Аксарият Европа мамлакатларида парламентлар, ҳукуматлар, маҳаллий ҳокимият органлари ва бошқа ташкилотларнинг ёш таркиби (жумладан, аёллар ҳажми) қонунчилик ҳужжатлари билан тартибга солинади. Сиёсат, давлат хизмати ва бошқарув соҳасини ёшлар учун очиқ қиладиган турли квота тизимлари қўлланилади. Гап кичик сиёсий ва давлат раҳбарлари бўлишида эмас, балки ёшларнинг бундай лавозимларга, ижтимоий мавқега даъвогарлик қилиш ҳуқуқини таъминлашда ҳисобланади.

Ёш фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш учун турли хил шароитларда ёшлар учун квота нормасини белгилаш орқали уларга сиёсий жараёнларда иштирок этиш ва таъсир қилиш кафолатларини, сиёсий соҳада ўзини ўзи англаш имкониятларини таъминлаш зарур, деб ҳисоблаймиз. Ҳудди шундай, Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар депутатлигига номзодларни кўрсатишда ҳам ёшлар учун квоталар ажратиш зарур.

Бинобарин, бугунги кунда миллий қонунчилигимизда мазкур квоталар хотин-қизларга нисбатан татбиқ этилган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 7 мартдаги “Оила ва хотин-қизларни тизимли қўллаб-қувватлашга доир ишларни янада жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–87-сонли Фармонида кўра, 2024 йил 1 январга қадар барча давлат органлари ва ташкилотлари, устав капиталида давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган ташкилотлар ҳамда уларнинг тизимидаги ташкилотлар раҳбарларининг камида 1 нафар ўринбосари хотин-қизлар орасидан тайинланиши белгиланди [6].

Хулоса қилиб айтганда, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштиришнинг асосий жиҳатларидан бири – бу ёшлар сиёсати соҳасида вужудга келадиган ва у ёки бу даражада давлат ҳамда нодавлат институтлар ўртасидаги ҳамкорликни тартибга солишга қаратилиши зарур. Бу эса, ўз навбатида ёшларнинг етук шахслар бўлиб шаклланиши ва ривожланиши жараёнидаги муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш ҳамда ижтимоий фаолликни ривожлантиришга қаратилган тадбирларни амалга оширишга тааллуқлидир. Бунинг учун, албатта, бундай конструктив ҳамкорлик тамойиллари ва шаклларини мустаҳкамловчи қулай ҳуқуқий асослар яратиш талаб этилади.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 июлдаги “Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги ПФ–5106-сон Фармони // <https://lex.uz/docs/3255680>

2. 18-кодекс: янгиликлар ва ўзига хосликлар // <http://www.adolatgzt.uz/news/latest/glavnaya-novosty/5578>
3. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси // <https://lex.uz/docs/20596>
4. Сайганова Е. В. Совершенствование государственной молодежной политики посредством оптимизации норматив-но-правовой базы // Изв. Саратов. ун-та. Нов. сер. Сер. Социология. Политология. 2017. Т. 17, вып. 1. С. 29–32. DOI: 10.18500/1818-9601-2017-17-1-29-32.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–3666-сон қарори // <https://lex.uz/docs/3681790>
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 7 мартдаги “Оила ва хотин-қизларни тизимли қўллаб-қувватлашга доир ишларни янада жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–87-сонли Фармони // <https://lex.uz/docs/5899498>

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

РАХМОНОВ Бекзод Хасанович

Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш
агентлиги бош инспектори
Email: bkzdkh@gmail.com

ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ СОҲАСИДА КОРРУПЦИЯВИЙ ХАВФ-ХАТАРЛАРНИ БАҲОЛАШ АМАЛИЁТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ ВА ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

For citation (иктибос келтириш учун, для цитирования): РАХМОНОВ Б.Х.
Давлат бошқаруви соҳасида коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш амалиётининг
ҳуқуқий асослари ва ўзига хос хусусиятлари // Юрист ахборотномаси – Вестник
юриста – Lawyer herald. № 5 (2022) Б. 39-45.

 5 (2022) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2022-5-5>

АННОТАЦИЯ

Мақолада давлат бошқаруви соҳасида коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш амалиётининг коррупцияга қарши курашишдаги ўрни, унинг ҳуқуқий асослари ва такомиллаштириш зарурияти ҳамда ўзига хос хусусиятлари таҳлил қилинган. Хусусан, коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш амалиётининг ривожланиш босқичларидаги мавжуд камчиликлар, янги ўрнатилган тартиблар ҳамда қабул қилинган норматив-ҳужжатларнинг амалий зарурияти очиқ берилган. Шунингдек, коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш амалиётининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш борасида амалий таклифлар ҳам берилган.

Калит сўзлар: коррупция, коррупциявий хавф-хатар, бошқарув, қарор, фармон, тартиб, рейтинг, индикатор, жамоатчилик иштироки, платформ

РАХМОНОВ Бекзод Хасанович

Главный инспектор Агентства по противодействию
коррупции Республики Узбекистан
Email: bkzdkh@gmail.com

ПРАВОВЫЕ ОСНОВЫ И СПЕЦИФИКА ПРАКТИКИ ОЦЕНКИ КОРРУПЦИОННЫХ РИСКОВ В СФЕРЕ ГОСУДАРСТВЕННОГО УПРАВЛЕНИЯ

АННОТАЦИЯ

В статье проанализированы роль практики оценки коррупционных рисков в противодействии коррупции, ее правовые основы, необходимость совершенствования и особенности в сфере государственного управления. В частности, выявлены имеющиеся недостатки на этапах развития практики оценки коррупционных рисков,

вновь установленные процедуры и практическая необходимость принимаемых нормативных документов. Даются практические предложения по совершенствованию правовой базы практики оценки коррупционных рисков.

Ключевые слова: коррупция, коррупционный риск, управление, решение, постановление, порядок, рейтинг, индикатор, участие общественности, платформа.

RAKHMONOV Bekzod

Chief inspector of the Anti-corruption Agency of the Republic of Uzbekistan

Email: bkzdkh@gmail.com

LEGAL BASIS AND SPECIFICS OF CORRUPTION RISK ASSESSMENT PRACTICES IN PUBLIC ADMINISTRATION

ANNOTATION

The article analyzes the role of corruption risk assessment practices in public administration in combating corruption, its legal basis, the need for improvement and features. In particular, the existing shortcomings in the stages of development of the system of corruption risk assessment, the new established procedures and the practical need for adopted regulations are identified. Practical proposals were also made to improve the legal framework of corruption risk assessment practices.

Keywords: corruption, corruption risk, management, decision, regulation, procedure, rating, indicator, public participation, platform.

Коррупция ва у билан боғлиқ салбий ҳолатлар узоқ йиллар давомида жаҳон ҳамжамиятини қийнаб келаётган ўткир ижтимоий муаммолар орасида юқори ўринда туради. Шу боисдан, ушбу иллатнинг барча кўринишларига қарши самарали курашиш чораларини кўриш, миллий қонунчилик нормаларини такомиллаштириш, коррупция ҳолатларини барвақт аниқлаш ҳамда олдини олиш механизмларини яратиш, шунингдек, бу соҳада халқаро ҳамкорликни ривожлантириш ҳар бир давлатнинг муҳим вазифаси ҳисобланади.

Сўнги йилларда республикамизда коррупцияга қарши курашиш ва унинг олдини олиш борасида амалга оширилаётган тизимли ислохотлар ҳамда кўрилаётган чоралар халқаро даражада эътирофга сазовор бўлиб, юртимизнинг халқаро рейтингдаги ўринлари юқориласига сабаб бўлмоқда. Хусусан, Transparency International халқаро ташкилотининг 2021 йил учун эълон қилган “Коррупцияни қабул қилиш индекси”да Ўзбекистон 6 поғона юқорилаб, 180 та мамлакат орасида 140-ўринни эгаллади [1].

Коррупцияга қарши курашиш борасида яхши натижаларга эришган давлатларнинг тажрибасига эътибор қаратсак, уларда коррупция билан боғлиқ салбий ҳолатларнинг оқибати билан эмас, балки уни келтириб чиқарадиган сабаб ва шарт-шароитларни ўрганиш орқали самарали олдини олиш механизмларини жорий этиш устувор мақсадга айланганлигини кўриш мумкин. Чунки, бугун халқаро ҳамжамият коррупцияга қарши курашишнинг энг тўғри ва самарали йўли – коррупциянинг содир этилишига имконият яратаётган сабаб ва омилларни аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш, деб ҳисоблайди [2, Б.425].

Мамлакатимизда ҳам коррупция ва у билан боғлиқ салбий ҳолатларнинг олдини олиш ва уларга қарши мурасасиз курашишнинг илғор халқаро стандартларга асосланган тизимини жорий этиш бўйича изчил чоралар кўрилмоқда. Хусусан, давлат органлари ва ташкилотларининг фаолиятида очиқлик, ошкоралик ва шаффофликни таъминлаш ҳамда мансабдор шахсларнинг аҳоли олдидаги ҳисобдорлигини йўлга қўйиш орқали давлат бошқарувида самарали ва таъсирчан жамоатчилик назоратини амалга ошириш учун зарур ҳуқуқий асослар яратилди [3].

Бу ишларнинг давоми сифатида давлат органлари фаолиятида коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш тизимини тўлиқ жорий этиш ҳамда давлат хизматига ҳалоллик стандартларини қўллаш эндиликда муҳим аҳамият касб этади.

Коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш тизимининг коррупцияга қарши курашиш борасидаги натижадорлиги илмий жиҳатдан ўрганилган бўлсада, лекин амалиётда коррупциявий хавф-хатарлар тушунчасига ягона таъриф берилмаган. Рус олимлари И.В.Левакин ва Ж.А.Шишованинг фикрича, коррупциявий хавф-хатарлар мансабдор шахсларнинг моддий манфаат кўриш мақсадида ҳаракатлари (ҳаркатсизлиги) учун давлат ва муниципал бошқарувида яратилган имкониятлардир [4, Б.9]. Ф.Ф.Смирнов ушбу таърифга мазмунан яқинлашган ҳолда, коррупциявий хавф-хатарлар – бу бошқарувда объектив равишда ўрнатилган ёки субъектив равишда яратилган вазият бўлиб, у коррупция билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар содир этилишига имконият беришини таъкидлайди [5, Б.168]. Фарб олимлари коррупциявий хавф-хатарлар тушунчасини таърифлашда институционал ёндашиб, давлат бошқарувида коррупцияга қарши нормаларнинг ишлаши устидан назорат механизмлари ишламаслиги натижасида коррупция жиноятининг содир этилиш ҳолатлари [6, Б.381]. Бизнинг фикримизча, коррупциявий хавф-хатарлар – ишониб топширилган ваколатдан манфаатдорликни кўзлаб моддий ёки номоддий фойда кўриш мақсадида қонунга хилоф равишда коррупциявий хатти-ҳаракатларни содир этиш эҳтимоли.

Давлат бошқаруви соҳасида коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва таҳлил қилиш, уларни келтириб чиқарувчи омилларни бартараф чораларини кўриш, бу борадаги ишларни мониторинг қилиш ҳамда коррупция ҳолатларини кескин минималлаштириш мақсадида Ўзбекистон Республика Президентининг 2019 йил 27 майдаги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5729-сонли Фармони қабул қилинди [6]. Мазкур Фармон билан Республикада давлат органлари зиммасига юкланган вазифа ва функцияларни амалга оширишда юзага келадиган коррупциявий хавф-хатарларни вақти-вақти билан мажбурий баҳолаш амалиёти жорий этилди.

Ушбу амалиёт давлат бошқарувини самарали амалга оширишда, давлат хизматчиларининг фаолиятида коррупция билан боғлиқ салбий ҳолатларни барвақт аниқлаш ҳамда бартараф этиш, энг асосийси, фуқароларнинг давлатга бўлган ишончини мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этади.

Давлат бошқарувида коррупциявий хавф-хатарлар – давлат бошқарув органларига юклатилган вазифа ва функцияларни амалга оширишда мансабдор шахслар ёки оддий ҳодимлар томонидан мазкур вазифа-функцияларнинг коррупцияга энг заиф бўлган нуқталаридан фойдаланган ҳолда давлат хизматидан фойдаланувчилар учун сунъий бюрократик тўсиқлар қўйиш орқали коррупция ҳолатлари келтириб чиқаришга замин яратган ҳолда моддий манфаат кўриш эҳтимолидир [7, Б.19].

Давлат раҳбаримизнинг ПФ-5729-сонли Фармонида асосан коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш бевосита ҳар бир давлат органининг зиммасига юклатилган бўлиб, баҳолаш натижалари бўйича:

– коррупциявий хавф-хатарга энг кўп дуч келадиган давлат хизматчиларининг фаолият соҳалари ва лавозимлари, шунингдек, уларнинг функциялари (ваколатлари) нинг рўйхатини шакллантириш;

– идоровий коррупцияга қарши курашиш дастурлари ижросининг ҳар чораклик мониторингини амалга ошириш ва коррупциявий хавф-хатарларни минимум даражага тушириш чораларини кўриш;

– ҳар йили Ўзбекистон Республикаси коррупцияга қарши курашиш миллий кенгаши тегишли органлар ва ташкилотлар фаолиятида, шу жумладан, қонунчиликни ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш орқали коррупциявий хавф-хатарларга барҳам бериш бўйича таклифларни киритиш баҳолашнинг амалга

ошириш механизмлари сифатида белгиланганди.

Аммо Фармонда коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш амалиёти ўтган вақт давомида кутилган натижани бермади. Ҳатто, давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарлари коррупциявий хавф-хатарларни ўз вақтида аниқламаганликлари ҳамда тегишли баҳо бермаганликлари, шунингдек, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни такроран содир этиш ҳолатларига йўл қўйганликлари юзасидан шахсан жавобгар бўлиши қайд этилган бўлса ҳам. Бунинг асосий сабабларини қуйидагича изоҳлаш мумкин:

биринчидан, Фармонда коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш амалиёти натижасида амалга ошириладиган ишларга урғу берилиб, баҳолаш амалиётини амалга оширишнинг аниқ механизмлари ва босқичлари Фармонда кўрсатилмаган. Бу эса, ўз навбатида, давлат органларида ўз зиммасига юкланган вазифа ва функцияларни амалга оширишда юзага келадиган коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш жараёнлари тўғрисида тўлиқ тасаввур шаклланишига тўсиқ бўлган;

иккинчидан, коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш амалиётини самарали амалга оширишга бевосита давлат органининг ўзи масъул бўлиб, ушбу жараёнларни республика доирасида мувофиқлаштириб боровчи ягона давлат органи мавжуд эмас эди. Шу боисдан, давлат органларида баҳолаш амалиётининг самарадорлигига етарлича эътибор қаратилмаган ва бўйўналишдаги ишларнинг ҳисоботи юритилмаган;

учинчидан, Фармонда коррупциявий хавф-хатарларни вақти-вақти билан баҳолаш давлат органлари учун мажбурий белгиланган бўлсада, уни амалга оширишнинг аниқ муддатлари кўрсатилмаган.

Шунингдек, коррупциявий хавф-хатарларни сифатли баҳолаш ишларини етарли даражада ташкиллаштириш борасидаги чораларни ўз вақтида кўрмаган давлат ташкилотлари раҳбарларнинг жавобгарлиги масаласига эътибор қаратилмаган эди.

Хорижий давлатларда давлат ташкилотлари томонидан ўзининг функциялари ва уларни амалга оширишдаги коррупциявий хавф-хатарларини баҳолаш тартиблари ва механизмлари норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тасдиқланган ҳамда тўлиқ тартибга солинган [8, Б.25].

Хусусан, **Болгария**да давлат органларидаги коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш Ҳукумат қарори билан тасдиқланган услубиёт асосида амалга оширилади. **Молдова**да ҳам давлат ташкилотлари фаолиятида коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш услубиёти Ҳукумат қарори билан тасдиқланган. Ушбу услубиётга кўра, коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш икки босқичдан иборат: коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш ва аниқланган коррупциявий хавф-хатарларни минималлаштириш бўйича чораларни кўриш. **Литва**да эса “Коррупциянинг олдини олиш тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ давлат ташкилотлари коррупциявий хавф-хатарларни баҳолашни ўзлари ёки бошқа мустақил ташкилотни танлаш йўли амалга ошириш мумкин.

Шунингдек, ушбу Қонунда давлат ташкилотларида коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш “Ички назорат ва ички аудит тўғрисида”ги Қонунда белгиланган тартибда амалга оширилиши лозимлиги белгиланган.

Коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш амалиётининг ҳуқуқий асослари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 12 январда қабул қилинган “Коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини рейтинг баҳолаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-81-сонли қарор билан янада мустаҳкамланди [6].

Мазкур қарорда коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини рейтинг баҳолаш индикаторлари белгиланган бўлиб, беш йўналишнинг иккинчи йўналиши сифатида коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш, баҳолаш ва уларни камайтириш бўйича чора-тадбирларнинг амалга оширилганлиги кўрсатилган. Яъни давлат ташкилотларининг коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини рейтинг баҳолашда давлат ташкилотининг барча функция ва вазифаларида коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш бўйича баҳолашдан ўтказилганлиги ҳамда

аниқланган коррупциявий хавф-хатарларни камайтириш бўйича кўрилган чоралар муҳим ўрин эгаллади.

Шунингдек, ушбу қарорда давлат ташкилотлари коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш натижасида давлат ташкилотининг бирлашган коррупциявий хавф-хатарлар харитаси, коррупция хавфига энг кўп мойил бўлган функция ва лавозимлар рўйхати, коррупцияга қарши кураш дастурини (Йўл харитаси) ишлаб чиқишлари лозимлиги белгиланди.

Бундан кўриш мумкинки, коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш амалиёти маълум маънода такомиллаштирилди, давлат ташкилотлари баҳолаш натижасида қандай чораларни кўриши аниқ белгиланди, энг муҳими, бу ишларни ҳисобини расмий юритиш бошланди.

Аммо ушбу қарор ҳам бу соҳадаги барча жараёнларни тўлиқ очиб бермади, яъни коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш қандай тартибда амалга оширилиши, босқичлари ва баҳолаш жараёнларида иштирок этувчиларнинг вазифалари, баҳолаш натижаларининг даражалари мавҳум бўлиб қолди. Таъкидланган омиллар давлат ташкилотлари фаолиятида коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш амалиётининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш борасида яна бир норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиш заруриятини кўрсатди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 11 майда қабул қилинган “Давлат бошқаруви соҳасида коррупциявий хавф-хатарларни бартараф этиш механизмларини такомиллаштириш ва ушбу соҳада жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-240-сонли қарори республикада коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш амалиётида янги саҳифа очди [7].

Хусусан, мазкур қарорнинг ўзига-хос хусусиятлари ва коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш амалиётидаги ўрнини қуйидагича изоҳлаш мумкин:

биринчидан, қарор билан қайси давлат ташкилотлари фаолиятида коррупциявий хавф-хатарларни мажбурий аниқлаш ва баҳолаш лозимлиги аниқ белгиланди. Унга кўра, 2022 йил 1 сентябрдан бошлаб давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, шу жумладан уларнинг ҳудудий бўлинмалари, давлат унитар корхоналари ва муассасалари, давлат улуши 50 фоиздан юқори ташкилотлар фаолияти коррупциявий хавф-хатарларни баҳолашдан ўтказилади;

иккинчидан, коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш амалиётининг амалга ошириш тартиблари ва босқичлари белгиланиб, ушбу амалиёт рақамлаштирилди. Қарорга мувофиқ, коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш “E-Anticor.uz” электрон платформасида амалга оширилиб, ҳар бир функциянинг коррупциявий хавф-хатар даражаси “паст”, “ўрта” ва “юқори” ўлчовларида платформада баҳолаб борилади. Шунингдек, ҳар бир функция бўйича аниқланган коррупциявий хавф-хатарларнинг тавсифи ва даражаси, уларни бартараф этиш бўйича чораларни ўз ичига олувчи коррупциявий хавф-хатарлар харитасини тузиш амалиёти йўлга қўйилади;

учинчидан, давлат бошқаруви соҳасида коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш амалиётининг самарали ишлари учун уни мувофиқлаштириб борувчи масъул давлат ташкилоти белгиланди. Коррупцияга қарши курашиш агентлиги (кейинги ўринларда – Агентлик) мазкур амалиётнинг давлат ташкилотлари фаолиятида бир хилда ишлаши учун масъул бўлиб, бу борадаги ишларни мувофиқлаштириб боради. Жумладан, коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолаш натижалари бўйича ушбу хавф-хатарларни бартараф этиш чораларини тизимли равишда кўриш мақсадида “Коррупцияга мойил бўлган муносабатлар электрон реестри”ни шакллантиради ва юритади ҳамда Интернет тармоғида очиқ эълон қилиб борилишини таъминлайди;

тўртинчидан, коррупциявий хавф-хатарларни баҳолашнинг аниқ муддати белгиланди. Эндиликда, давлат ташкилотлари фаолиятида коррупциявий хавф-хатарларни (йиллик) баҳолаш ва коррупциявий хавф-хатарлар хариталарни реестрга киритиш ҳар йили 1-мартга қадар амалга оширилади;

бешинчидан, давлат бошқаруви соҳасида коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш амалиётида бевосита фуқароларнинг иштироки, яъни жамоатчилик назорати учун шароит яратилди. Баҳолаш натижалари бўйича эълон қилинган маълумотлар юзасидан фуқароларнинг таклифларини онлайн режимда қабул қилиш имконини яратган ҳолда ижтимоий сўровлар ва мустақил экспертлар иштирокида муҳокамалар ўтказилади;

олтинчидан, коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш ишларини етарли даражада ташкиллаштирмаган давлат ташкилотининг раҳбарига нисбатан жавобгарлик чораларини кўриш масаласи кун тартибига чиқди. Қарорга мувофиқ, давлат ташкилотлари раҳбарларининг коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш ва бартараф этиш бўйича ахборотларини эшитиш ҳамда натижасига кўра камчиликларга йўл қўйган мансабдор шахсларга нисбатан тегишли жавобгарлик чоралари кўрилади. Чунки, давлат ташкилотларининг раҳбарлари ўзларига юкланган функцияларда коррупциявий хавф-хатарларни баҳолашни ўз вақтида ва сифатли ўтказиш учун шахсан жавобгар ҳисобланади;

еттинчидан, коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш амалиёти методологик жиҳатдан такомиллаштирилди. Яъни, қарорда давлат ташкилотлари фаолиятида коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолашнинг аниқ мезон ва усулларини назарда тутувчи услубиётни тасдиқлаш вазифаси кўрсатилиб, коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш амалиёти барча учун ягона услубиёт асосида амалга ошириш тартиби белгиланди.

Бундан ташқари, қарорда коррупциявий хавф-хатарларни қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштириш, инсон омилини қисқартириш ва тегишли тартиб-таомиллар ва функцияларни рақамлаштириш, шаффофликни таъминлаш, жамоатчилик назоратини йўлга қўйиш орқали бартараф этиш лозимлиги алоҳида кўрсатилди.

Давлат раҳбарининг ПҚ-240-сонли қарори ижросини таъминлаш ва коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш амалиётини самарали ташкил этиш мақсадида 2022 йилнинг 31 август куни **“Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, шу жумладан уларнинг ҳудудий бўлинмалари, давлат унитар корхоналари ва муассасалари, давлат улуши 50 фоиздан юқори ташкилотлар фаолиятида коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолаш”** услубиёти давлат рўйхатидан ўтказилди (рўйхат рақами 3383).

Мазкур услубиёт билан коррупциявий хавф-хатарлар аниқлаш ва баҳолаш ишларини ташкил этиш тартиби, муддатлари, баҳолашнинг аниқ мезонлари ҳамда баҳолашда иштирок этувчи масъулларнинг вазифалари белгиланди.

Юқоридагилардан шундай хулоса қилиш мумкинки, бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси давлат бошқаруви соҳасида коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш амалиётининг ҳуқуқий асослари босқимча-босқич такомиллаштирилиб, етарли даражада шакллантирилди.

Эндиликдаги муҳим вазифа – бу соҳада халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган нормалари ва чет эл илғор тажрибасини инобатга олган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги қонунини коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш амалиётини ўз ичига олган нормалар билан тўлдириш ҳамда коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш амалиётининг очиқлигини таъминлаш чораларини кўриш ҳисобланади.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Батафсил маълумот учун: <https://www.transparency.org/en/cpi/2021>
2. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Тошкент: “O‘zbekiston” нашрети, 2021. 464 бет.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 16.06.2021 йилдаги “Давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти очиқлигини таъминлаш, шунингдек,

жамоатчилик назоратини самарали амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ–6247-сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 06.07.2021 йилдаги “Коррупцияга қарши мурасимсиз муносабатда бўлиш муҳитини яратиш, давлат ва жамият бошқарувида коррупциявий омилларни кескин камайтириш ва бунда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6257-сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 06.07.2021 йилдаги “Коррупцияга қарши курашиш фаолиятини самарали таъкил этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–5177-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 07.12.2021 йилдаги “Ўзбекистон Республикаси коррупцияга қарши курашиш агентлиги фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–34-сон Қарори.

4. Левакин И.В., Шишова Ж.А. Коррупционные риски: понятие и основные подходы к их выявлению // Гражданин и право. 2009. № 11. С. 3-12.

5. Смирнов Ф.Ф. Проявление коррупционных рисков в деятельности государственных органов // Среднерусский вестник общественных наук. Серия: политология. 2017. № 1, том 12. С. 165-172.

6. Fazekas, M., Tóth, I., & King, L. (2016). An Objective Corruption Risk Index Using Public Procurement Data. *European Journal on Criminal Policy and Research*, 22(3), 369–397. <https://doi.org/10.1007/s10610-016-9308-z>

7. Ўзбекистон Республика Президентининг “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5729-сонли Фармони. <https://lex.uz/docs/4355387>

8. Liljana Selinšek. Corruption Risk Assessment in Public Institutions in South East Europe, Comparative Study and Methodology, 110-P. (available on: https://www.rai-see.org/php/sets/uploads/2020/11/CRA_in_public_ins_in_SEE-WEB_final.pdf)

9. Цирин А.М., Трунцевский Ю.В., Севальнев В.В. Оценка коррупционных рисков в федеральных органах исполнительной власти: методическое пособие. – Москва: Проспект, 2019. – 112 С.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини рейтинг баҳолаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-81-сонли қарори. <https://lex.uz/uz/docs/5819319>

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат бошқаруви соҳасида коррупциявий хавф-хатарларни бартараф этиш механизмларини такомиллаштириш ва ушбу соҳада жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-240-сонли қарори. <https://lex.uz/uz/docs/6000285>

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

РЎЗИЕВ Аҳрор Икромович

Тошкент давлат юридик университети мустақил тадқиқотчиси

E-mail: ruziev.a@gov.uz

НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТ ЛОЙИҲАЛАРИНИНГ ТАРТИБГА СОЛИШ ТАЪСИРИНИ БАҲОЛАШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ

For citation (иқтибос келтириш учун, для цитирования): РЎЗИЕВ А.И. Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаларининг тартибга солиш таъсирини баҳолашнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 5 (2022) Б. 46-51.

 5 (2022) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2022-5-6>

АННОТАЦИЯ

Мақолада норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаларининг тартибга солиш таъсирини баҳолашга оид миллий норма ижодкорлиги амалиёти, бу борада амалиётда ва қонунчилик ҳужжатларида мавжуд муаммолар, ривожланган хорижий давлатларнинг ушбу соҳадаги илғор тажрибаси атрофлича таҳлил қилинган, шунингдек, норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳалари тартибга солиш таъсирини баҳолаш институти ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари белгиланган.

Калит сўзлар: норматив-ҳуқуқий ҳужжат, тартибга солиш таъсирини баҳолаш, норма ижодкорлиги жараёни, қонунчилик ҳужжатлари, жамоатчилик муҳокамалари, фойда, харажат, маъмурий юклама.

РУЗИЕВ Аҳрор Икромович

Независимый соискатель Ташкентского
государственного юридического университета

E-mail: ruziev.a@gov.uz

ПРИОРИТЕТНЫЕ НАПРАВЛЕНИЯ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ ПРАВОВЫХ ОСНОВ ОЦЕНКИ РЕГУЛИРУЮЩЕГО ВОЗДЕЙСТВИЯ ПРОЕКТОВ НОРМАТИВНО- ПРАВОВЫХ АКТОВ

АННОТАЦИЯ

В статье подробно анализируются национальный нормотворческий процесс, в части оценки регулятивного воздействия нормативно-правовых актов, имеющие проблем в практике и законодательных актах, передовой опыт развитых зарубежных стран в этой сфере, а также определены приоритетные направления совершенствование правовых основ института оценки регулирующего воздействие нормативно-правовых актов.

Ключевые слова: нормативно-правовой акт, оценка регулирующего воздействия, нормотворческий процесс, законодательные акты, общественные обсуждения, выгода, затраты, административное бремя.

RUZIEV Akhror

Independent researcher at Tashkent State University of Law

E-mail: ruziev.a@gov.uz

PRIORITY AREAS FOR IMPROVING THE LEGAL FRAMEWORK OF REGULATORY IMPACT ASSESSMENT OF DRAFTS OF NORMATIVE LEGAL ACTS

ANNOTATION

The article comprehensively analyzes the national rule-making process in terms of regulatory impact assessment of normative legal acts, existing problems in practice and legislative acts in this sphere, the best practices of developed foreign countries in this area, and also identifies priority areas for improving the legal framework of the institution for regulatory impact assessment of normative legal acts.

Keywords: normative legal act, regulatory impact assessment, rule-making process, legislative acts, public discussions, benefits, costs, administrative burden.

Мамлакатимизда бугунги кунда олиб борилаётган жадал ислохотлар шароитида пухта ишланган ва ҳар томонлама асосланган норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаларини тайёрлаш, уларнинг тартибга солиш таъсирини баҳолаш орқали келгусида юзага келиши мумкин бўлган оқибатларни олдиндан прогноз қилиш самарали қонунчилик тизимини яратишда ҳамда ижтимоий-иқтисодий жараёнларнинг давлат томонидан тартибга солиш мақсадларига эришишнинг гарови ҳисобланади. Мазкур жараёнда норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳалари тартибга солиш таъсирини баҳолаш тартиб-таомилларининг ўрни беқиёсдир.

Шу боис ҳам, бугунги кунда тартибга солиш таъсирини баҳолаш тартиб-таомили Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти томонидан норма ижодкорлиги жараёнининг энг муҳим элементи сифатида тавсия этилади. Бугунги кунда мазкур тартиб-таомил аксарият ривожланган мамлакатларнинг норма ижодкорлиги амалиётида у ёки бу шаклда қўлланиб келинмоқда.

«Сўнги пайтларда дунёнинг кўплаб мамлакатларида давлат бошқаруви ислохотлари сифат жиҳатидан янги, яхшироқ тартибга солишни яратишга қаратилган тартибга солиш ислохотлари изидан бормоқда» [1].

«Ривожланган мамлакатларда ҳуқуқий тизимлар ва бошқа ижтимоий тартибга солиш воситалари самарадорлиги пасайиши, зиддиятли нормалар сони ортиб бориши, шунингдек, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларини амалга ошириш билан боғлиқ харажатларнинг ошиб кетиши тартибга солиш ислохотларининг заруратини кўрсатди. Бу эса, ўз навбатида, ишбилармонлик фаоллиги пасайишига, халқаро савдо ҳажмининг қисқаришига ва иқтисодий ўсишнинг пасайишига олиб келди» [2].

Бироқ, Ўзбекистонда норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳалари тартибга солиш таъсирини баҳолаш табиий эҳтиёжга айланмади, балки унга норма ижодкорлиги амалиётини янада мураккаблаштирувчи қўшимча юк сифатида қаралмоқда.

Шу билан бирга, фикримизча, тартибга солиш таъсирини баҳолаш механизмнинг «ўзбекча» модели самарадорлигига салбий таъсир кўрсатаётган омиллар сифатида кўплаб вазирлик ва идоралар томонидан мазкур институтни ортиқча бюрократик тўсиқ сифатида кўрилаётганлиги, уни амалга оширишга ўта юзаки ёндашилаётганлиги,

кўп ҳолларда уни самарали амалга ошириш учун билим ва кўникмалар етишмаслиги, ушбу жараён тўғри ва тизимли мониторинг қилинмаслиги, айрим ҳолларда тартибга солиш таъсирини баҳолаш бўйича қонунчилик талабининг «четлаб ўтилиши» ёки писанд қилинмаслиги, ҳар томонлама асосланган ҳисоб-китоблар учун маълумотлар базаларининг узук-юлуқлиги, жамоатчилик муҳокамаларини ўтказиш платформасидаги қулайликлар етишмаслиги, мобил илова мавжуд эмаслиги ва бошқаларни кўрсатиш мумкин.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқувчи вазирлик ва идораларга, хусусан, фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, иқтисодий тармоқлари ва ижтимоий соҳани комплекс ривожлантириш, самарали давлат экологик сиёсатини амалга ошириш ва бошқа соҳаларда норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқишда таҳлилий жиҳатдан кўмаклашишнинг изчил тизимини яратиш зарур. Бу эса, ўз навбатида, қуйидаги манзилли чора-тадбирларни амалга оширишни тақозо этади:

– қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг тартибга солиш таъсирини баҳолаш, унинг натижаларни расмий сайтда (regulation.gov.uz), шунингдек, веб-сайтларда муҳокамалар жойлаштириш, норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаларини ишлаб чиқувчиларни қабул қилиб бўлинган ҳужжатлар ва амалга оширилган дастурлар самарадорлиги бўйича тўлиқ таҳлиллар билан таъминлаш;

– норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳалари ва қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг тартибга солиш таъсирини баҳолашга оид билимлар базасини, энг яхши миллий ва жаҳон амалиётлари каталогини шакллантириш, тартибга солиш таъсирини баҳолаш учун тавсиялар ва ўқув материалларини ишлаб чиқиш;

– норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳалари ва қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг тартибга солиш таъсирини баҳолаш соҳасида веб-ресурслар каталогини яратиш ҳамда Интернет жаҳон ахборот тармоғида жойлаштириш, уларда муҳокама қилиш учун норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ва баҳолаш ҳисоботларини жойлаштириш, жамланма ҳисоботлар сифати устидан таъсирчан назорат қилиш механизмларини йўлга қўйиш;

– илмий асосланган далиллар асосида давлат сиёсатини (далилларга асосланган давлат сиёсати) ишлаб чиқишнинг тўлақонли тизимини яратиш имкониятларини кўриб чиқиш.

Шу билан бирга, норма ижодкорлиги жараёнида **«биттага битта» қоидасидан «кўпга битта» қоидасига ўтказиш** зарур. Бунда янги тартибга солиш воситасини амалиётга киритиш орқали тадбиркорлик субъектлар учун маъмурий юклама ўсишини тўхтатиб туришдан бундай юкламаларни тубдан камайтиришга ўтиш мақсадида норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси билан янги талаблар киритилиши бир вақтда, тегишли соҳадаги ҳуқуқий тартибга солиш воситаларини янги киритилаётган талабларга мутаносиб равишда бекор қилишни назарда тутувчи «биттага битта» қоидасини ўзгартириш мақсадга мувофиқ.

Сўнгги йилларда аксарият хорижий давлатларда «биттага битта» қоидаси ўрнига бизнес учун янги мажбуриятлар жорий этилганда амалдаги маъмурий юкламани бир неча бараварга қисқартиришни назарда тутувчи «кўпга битта» қоидаси жорий этилмоқда.

Хусусан, Буюк Британия норма ижодкорлиги амалиётида «биттага битта» қоидаси дастлаб «иккитага битта», кейинчалик эса «учтага битта» қоидаси билан алмаштирилди. Бошқа давлатлардан фарқли равишда, британча модел маъмурий харажатларнинг «жамғарма банки»ни шакллантириш имконини беради, яъни агар қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжат бизнес харажатларини 10 долларга камайтирса ва 1 долларга кўпайтирса, қолган 9 доллардан бошқа нормалар оқибатларини мувозанатлаштириш учун фойдаланиш мумкин.

2017 йилдан бошлаб АҚШ ҳам «иккитага битта» қоидасига ўтишини эълон қилди. Бунда ушбу қоидага мувофиқ Маъмурий-бюджет бошқармаси томонидан

эълон қилинган меморандумга кўра, иқтисодий аҳамиятга эга бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатга (бир йилда 100 млн. АҚШ долларидан ортиқ харажатлар келтириб чиқарадиган) нисбатан қўлланилиши керак. Қолаверса, АҚШ ёндашуви шуниси билан ўзига хоски, у жамият учун барча муқобил харажатларни ҳисобга олади, бу эса баҳолашнинг объективлиги ошганда тартиб-таомилни сезиларли даражада мураккаблаштиради [6].

Бизнес юритишнинг тартибга солиш муҳити сифатини тавсифловчи халқаро индекслар – Жаҳон банкининг Бизнес юритиш енгиллиги индекси (Ease of Doing Business), Жаҳон иқтисодий форумининг Глобал рақобат-бардошлик индекси (The Global Competitiveness Index), Тартибга солиш сифати кўрсаткичи (Regulatory Quality Ranking) – Жаҳон банки томонидан ҳар йили эълон қилинадиган Давлат бошқаруви сифати индексида (Worldwide Governance Indicators) Ўзбекистон Республикасининг ўрнини янада яхшилаш чораларини кўриш керак.

Адабиётларда ҳудудларда тартибга солиш таъсирини баҳолашни ривожлантириш бўйича бир қатор таклифлар ишлаб чиқилган: «баҳолаш учун маълумотларни тўплаш, баҳолаш шакллари, жамоатчилик муҳокамалари ўтказиш усуллари, тартибга солиш таъсирини баҳолаш натижалари сифатини таҳлил қилиш қисмида тартибга солиш таъсирини баҳолашни ташкил этиш бўйича услубий тавсиялар тайёрлаш; баҳолаш учун маълумотларни тўплаш ва улар билан алмашиш тизимларини яратиш ва ривожлантириш; экспертлар ва ишбилармон доиралар ҳамжамияти томонидан тартибга солиш таъсирини баҳолаш натижаларининг сифатини қўшимча мустақил назорат қилишни ва экспертизадан ўтказишни таъминлаш; тартибга солиш таъсирини баҳолаш воситаларини минтақавий ривожланишни бошқариш стратегиясига киритиш» [3].

Тартибга солиш таъсирини баҳолашга нисбатан тартибга солиш ислохотларининг асосий мазмуни Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти (ОЭСР) томонидан тартибга солиш сифатини яхшилаш учун тавсия қилинган бир қатор қоидаларни ўз ичига олган: «тартибга солиш зарурлигини тушунтириш мақсадида ҳар қандай тартибга солувчи қарорларни қабул қилишдан олдин тартибга солиш таъсирини баҳолашни жорий этиш. Бунда тартибга солиш таъсирини баҳолашни институционаллаштириш муҳимдир, яъни у давлат даражасида қарорлар қабул қилиш тизимига киритилиши керак; тартибга солиш таъсирини баҳолашни нафақат амалга оширилаётган янги чора-тадбирларга, балки қайта кўриб чиқиш учун мавжуд тартибга солиш нормаларига қўллаш зарур; тартибга солувчи қарорларни қабул қилиш бўйича оммавий маслаҳатлашувларнинг камида умумий механизмини жорий этиш зарур» [4].

Мамлакатимизда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини жамоатчилик муҳокамасидан ўтказиш ҳамда тартибга солиш таъсирини баҳолаш амалиётида қуйидаги тизимли камчиликлар мавжуд: ишлаб чиқилган лойиҳаларни жамоатчилик муҳокамасидан ўтказишдан олдин уларнинг манфаатдор вазирлик ва идоралар томонидан ҳар томонлама кўриб чиқилиши ташкил этилмаган; жамоатчилик муҳокамаси натижаси бўйича порталда келиб тушган таклиф ва фикр-мулоҳазаларнинг қабул қилинганлиги ёки рад этилганлиги тўғрисида эълон қилинмаган; ишлаб чиқилган лойиҳалар юзасидан тартибга солиш таъсирини баҳолаш бўйича ҳисобот тайёрлаш ҳамда жамоатчилик муҳокамасидан ўтказиш талабига риоя қилинмаган; ишлаб чиқилган ҳужжатларнинг тартибга солиш таъсирини баҳолаш натижалари юзасидан ваколатли органлар – Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг тадбиркорлик фаолиятига таъсири ҳамда Монополияга қарши курашиш қўмитасининг рақобат муҳитига таъсири юзасидан хулосалари умуман олинмаган; вазирликларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқадиган мутахассислари тартибга солиш таъсирини баҳолаш бўйича зарур малака ва кўникмага эга эмас, шунингдек, тартибга солиш таъсирини баҳолаш бўйича тузилган ишчи гуруҳлар амалда

фаолият кўрсатмайди; ҳуқуқий экспертиза жараёнида Адлия вазирлиги томонидан лойиҳаларни тартибга солиш таъсирини баҳолаш зарурлиги тўғрисида хулосалар берилишига қарамасдан, вазирликлар томонидан ушбу эътирозлар инобатга олинмаган ҳолда лойиҳалар юқори турувчи ташкилотларга киритилмоқда.

Шу билан бирга, мазкур камчиликлар ҳамда тизимли муаммоларни бартараф қилиш мақсадида вазирлик ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишга ва уларни тартибга солиш таъсирини баҳолашга масъул бўлган ходимларнинг малака ва кўникмаларини ошириш тизимини доимий тарзда жорий этиш лозим, шу жумладан, улар учун **ҳар йили шартнома асосида ўқув курсларини ташкил этиш** таклиф этилади.

Вазирлик ва идораларнинг марказий аппарати тузилмасида бошқарув ходимларининг умумий сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доирасида қонунчилик ҳужжатлари лойиҳаларини ишлаб чиқиш, уларнинг тартибга солиш таъсирини баҳолаш ҳамда мазкур йўналишда услубий кўмаклашиш фаолияти билан шуғулланадиган алоҳида **методология бошқармасини (бўлимни)** ташкил этиш мақсадга мувофиқ.

Шунингдек, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини муҳокама қилиш жараёнида нодавлат нотижорат ташкилотлари, тадқиқот институтлари, олий таълим муассасалари ҳамда эксперт ва мутахассисларнинг фаол иштирокини таъминлаш чораларини кўриб бориш ҳамда муҳокама натижалари бўйича маълумотларни ҳуқуқий экспертизадан ўтказишда, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига ва қонунчилик ҳужжатини қабул қилувчи органларга киритиб бориш мақсадга мувофиқ.

Қолаверса, хорижий давлатлари тажрибаси асосида тартибга солиш таъсири баҳоланадиган норматив-ҳуқуқий **ҳужжатлар доирасини қисқартириш** зарур. Чунки, ҳозирги ҳолатда 2022 йилдан бошлаб жуда катта ҳажмдаги ҳужжатлар тартибга солиш таъсирини баҳолашдан ўтказилиши лозим бўлади. Шу муносабат билан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 15 мартдаги ПҚ–5025-сон қарори билан тасдиқланган Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ва қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тартибга солиш таъсирини баҳолашдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга тегишли ўзгартиришлар киритиш зарур.

Яна бир масала – вазирлик ва идораларнинг норма ижодкорлиги, шу жумладан, тартибга солиш таъсирини баҳолаш фаолиятини доимий равишда таҳлил қилиб бориш, уларнинг **рейтингини юритиш** ва жамоатчиликка очиқлаш тартибини жорий этиш мақсадга мувофиқ.

Тартибга солиш таъсирини баҳолашни **соддалаштирилган тартибда** амалга ошириш таклиф этилади. Бундай чора-тадбирлар юзаки текширилади ва вазирликларга таъсирни баҳолаш чуқурлигини ва бошқа талабларни аниқлаш бўйича кўпроқ эркинлик берилади. Бундан ташқари, вазирликлар кичик ва микро бизнесга таъсирни баҳолашдан, шунингдек, тартибга солиш таъсирини кейинги баҳолашдан озод қилинади. Ҳар бир вазирлик тартибга солиш чора-тадбирларининг соддалаштирилган тартибга тегишлилигини белгилашнинг ўз ёндашувига эга.

Тартибга солиш таъсирини баҳолаш институтини ҳудудий даражада, хусусан, маҳаллий ҳокимликлар ҳамда халқ депутатлари Кенгашларининг айрим ҳужжатларига нисбатан ҳам жорий этиш мақсадга мувофиқ.

Келгусида тартибга солиш таъсирини баҳолаш институтини янада ривожлантириш, унинг ҳуқуқий асосларини тақомиллаштириш мақсадида «**Тартибга солиш таъсирини баҳолаш тўғрисида**»ги **Ўзбекистон Республикаси Қонунини** қабул қилиш мақсадга мувофиқ [5].

Мазкур Қонунда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларининг тартибга солиш таъсирини баҳолаш принциплари, бу борадаги давлат бошқаруви, тартибга солиш таъсири баҳоланадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасининг турлари, норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасининг тартибга солиш таъсирини

баҳолаш бўйича ҳисобот ва хулоса, уларни жамоатчилик муҳокамасидан ўтказиш, вазирликлар ва идоралар ҳамда хулоса берувчи органлар билан келишиш ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига киритиш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг тартибга солиш таъсирини баҳолашни режалаштириш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг тартибга солиш таъсирини баҳолаш ва баҳолаш якунларини расмийлаштириш ва якуний маълумотни Вазирлар Маҳкамасига киритиш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг тартибга солиш таъсири баҳоланишини назорат қилиш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларининг тартибга солиш таъсирини баҳолаш шакллари, усуллари, соддалаштирилган тартибда баҳолаш ҳамда тўлиқ баҳолаш каби масалаларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш таклиф этилади.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. De Francesco, F., Radaelli C., Troeger V. Implementing regulatory innovations in Europe: the case of impact assessment // Journal of European Public Policy. – №19 (4). – 2012. – P. 491-511
2. Тихомиров Ю. А. Эффективность законодательства в экономической сфере: научно-практическое исследование. – М.: Волтерс Клувер, 2010.
3. Колегов В.В. Совершенствование системы оценки регулирующего воздействия в государственном управлении на региональном уровне. Дисс. на соис. к.э.н. М.: 2019. – С. 10-11.
4. Иванова М.В. Модели и методы оценки регулирующего воздействия в государственном управлении России и зарубежных стран. Монография. – СПб.: Изд-во СПбГЭУ, 2018. – С.9.
5. “Тартибга солиш таъсирини баҳолаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳасининг концепцияси диссертация ишига илова қилинади.
6. OECD. Regulatory Impact Analysis (RIA) Inventory. Note by the Secretariat. Paris. 2004. – P.16-18.

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

**ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИ. ТАДБИРКОРЛИК ҲУҚУҚИ.
ОИЛА ҲУҚУҚИ. ХАЛҚАРО ХУСУСИЙ ҲУҚУҚ**

ОДИНАЕВ Адҳам Саъдуллоевич

Бош прокуратура Академияси бўлим бошлиғи,
юридик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
E-mail: a.odinayev85@gmail.com

НЕУСТОЙКА ҚЎЛЛАШНИ ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

For citation (иқтибос келтириш учун, для цитирования): ОДИНАЕВ А.С.
Неустойка қўллашни ташкилий-ҳуқуқий такомиллаштириш // Юрист ахборотномаси
– Вестник юриста – Lawyer herald. № 5 (2022) Б. 52-57.

 5 (2022) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2022-5-7>

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада тадбиркорлик субъектлари томонидан шартнома мажбуриятлари бажарилмаганлиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги, шунингдек, фуқаролик-ҳуқуқий мажбуриятлар ижросини таъминлаш учун неустойка қўллашни такомиллаштириш илмий-назарий таҳлил этилиб, тегишли таклифлар берилган.

Калит сўзлар: шартнома, пул мажбурияти, тижорат мажбурияти, тижорат муомаласи, неустойка, лафзсизлик тўлови, жарима, пеня, айбона, муқобил неустойка, мутлақ неустойка, кредитор, қарздор, компенсация, неустойка тўғрисидаги келишув, бажарилмаган мажбурият, бузилган мажбурият, зарар, зарарни қоплаш, жарима, астрент.

ОДИНАЕВ Адҳам Садуллоевич

Начальник Академии Генеральной прокуратуры,
доктор философии по юридическим наукам (PhD), доцент
Email: a.odinayev85@gmail.com

ОРГАНИЗАЦИОННО-ПРАВОВОЕ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ПРИМЕНЕНИЯ НЕУСТОЙКИ

АННОТАЦИЯ

В статье даны научно-теоретический анализ неисполнения или ненадлежащего исполнения договорных обязательств хозяйствующими субъектами, а также усовершенствование использования неустойки для обеспечения исполнения гражданско-правовых обязательств и соответствующие предложения.

Ключевые слова: договор, денежное обязательство, коммерческое обязательство, коммерческая сделка, неустойка, штраф, пеня, альтернативная неустойка, абсолютная неустойка, кредитор, должник, компенсация, неустойка, невыполненное обязательство, нарушенное обязательство, убыток, компенсация, штраф, астрент.

ODINAEV Adham

Chief of the Department of the Academy of General Prosecutor's Office,
Doctor of Philosophy (PhD) in Law, associate professor
E-mail: a.odinayev85@gmail.com

ORGANIZATIONAL AND LEGAL IMPROVEMENT OF THE APPLICATION OF PENALTY

ANNOTATION

This article provides a scientific and theoretical analysis of the non-fulfillment or inadequate fulfillment of contractual obligations by business entities, as well as the improvement of the application of penalty to ensure the fulfillment of commercial obligations of civil law relations and makes relevant recommendations.

Keywords: contract, monetary obligation, commercial obligation, commercial transaction, alternative penalty, absolute liquidated damages, creditor, debtor, compensation, penalty agreement, unfulfilled obligation, breached obligation, loss, indemnification, fine, astreine.

Мажбурият-ҳуқуқий муносабатларда шартнома интизомини мустаҳкамлаш, кредиторлар ҳуқуқларини таъминлаш ва мажбуриятни бажармаган ёки лозим даражада бажармаган қарздорга нисбатан қўлланиладиган фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик чоралари самарадорлигини ошириш долзарб масаладир.

Мажбурият бажарилишини таъминлаш воситаси ва мажбуриятни бажармаганлик учун қўлланиладиган универсал чора ҳисобланган неустойкани татбиқ этиш, қарздорни мажбуриятни лозим даражада бажаришга ундашнинг таъсирчан ҳуқуқий механизмларини яратишга алоҳида эътибор қаратилади.

Жаҳондаги йирик компанияларнинг ўз мажбуриятларини бажармаганлиги, истеъмолчи манфаатларига зид фаолият юритаётганлиги учун катта миқдорда жарималарга тортилганлигини кузатиш мумкин. Жумладан, 2019 йилда Еврокомиссия Google компаниясига 1,49 миллиард евро, АҚШнинг Савдо бўйича федерал комиссияси Facebook Inc компаниясига 5 миллиард АҚШ доллари, АҚШ Калифорния суди Германиянинг Bayer концернига 2 миллиард АҚШ доллари жарима белгилаган [1].

Дунё мамлакатларида мажбурият бажарилишини таъминлаш ҳамда жавобгарлик чораси сифатида неустойкани қўллаш, кредитор ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг мақбул, самарали, таъсирчан ҳамда мутаносиб усуллари ва воситаларини такомиллаштириш бўйича янгича ёндашувлар кузатилмоқда. Жумладан, шартнома тузиш эркинлигини таъминлаш, товарлар, хизматлар ва капиталларнинг бутун дунё бўйлаб эркин ҳаракатига тўсқинлик қилмаслик, тарафларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни такомиллаштириш, халқаро стандартларга, жумладан, шартномаларнинг принциплари тўғрисидаги ҳужжатлар, хусусан, УНИДРУА¹ Халқаро тижорат шартномалари принципларига миллий қонунчиликни

¹ Международный институт унификации частного права (фр. Institut international pour l'unification du droit privé), сокращённо УНИДРУА (фр. UNIDROIT) — межправительственная организация по унификации частного права.

мослаштириш, қонун ҳужжатлари ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти билан боғлиқ муаммоларнинг илмий ечимини топиш долзарблик касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек, иқтисодиётнинг локомотиви бўлган тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, бу борада фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик институтини такомиллаштириш, шу билан бирга, тадбиркорларга етказилган зарарни қоплашнинг адолатли тартибини таъминлашга алоҳида аҳамият берилмоқда. Бизнес субъектларига имтиёз ва преференциялар беришни ташкилий ва ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш [2, Б.16], тадбиркорларнинг ўз мажбуриятларини, қонун олдидаги масъулиятларини унутмасликлари ғоят муҳимдир [3, Б.357].

Буборада мажбурият ҳуқуқида хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида шартнома талаблари ва интизомига риоя қилмаганлик учун неустойка қўллаш, неустойканинг ҳуқуқий табиати, унинг фуқаролик қонунчилигидаги ўрни ва функцияси, мажбурият бажарилмаганлиги учун жавобгарнинг айби даражаси, неустойкани камайтириш каби жиҳатларни тадқиқ этиш долзарбдир.

Қадимги Рим ҳуқуқидан маълумки, шартномани бузган шахснинг зарар кўрган тараф фойдасига жарима тўлаш мажбурияти неустойка (*stipulatio poenae*) [4, Б.315] деб аталган.

Бу келишувнинг мақсади қарздорга тазйиқ кўрсатиш ва шу орқали асосий мажбурият бажарилишини таъминлашдан иборат бўлган. Шартнома бузилиши неустойкани ҳаракатга келтирувчи шарт сифатида пулда ифодаланиб, мажбуриятни бажаришга мажбурлаш механизми ҳисобланган. Тарафлар ўз ҳуқуқлари бузилиши оқибатларига тахминий баҳо бериб, шартномага неустойка тўғрисидаги шартни киритишган.

Европада неустойка тўғрисидаги нормалар илк бор Рим хусусий ҳуқуқи манбаларида мустаҳкамланган. Унда неустойка мажбурият олган тарафлардан бири асосий мажбуриятни бузган тақдирда кучга кирувчи шартли мажбурият тарзида баён этилган. Неустойка фуқаролик-ҳуқуқий ҳимояланмаган шартномаларни мустаҳкамлаган ҳамда уларни бажарилишини таъминлаган.

Айрим олимлар неустойка тўғрисидаги қонунчиликнинг қуйидаги умумий манзарасини келтириб ўтадилар:

- неустойкалар, қонун ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, жарима хусусиятига эга;
- амалиётда баҳоловчи неустойка тан олинмайди;
- шартномавий неустойкалар ёзма расмийлаштирилиши керак;
- неустойкалар нафақат пул, балки бошқача мол-мулк билан ҳам тўланиши мумкин;

- қонуний неустойка белгиланган мажбуриятларни таъминлаш учун шартномавий неустойкалар қўллаш мумкин эмас [5, Б.324-326].

Франция фуқаролик ҳуқуқида неустойка компенсацион хусусиятга эгаллиги билан тавсифланади. Масалан, Франция фуқаролик кодекси (ФФК)нинг 1229-моддасида жазоловчи изоҳот (яъни неустойка) бош мажбурият бажарилмагани туфайли кредитор кўрган зарарларни қоплаш воситаси ҳисобланиши қайд этилган. Неустойка зарарларнинг умумий ҳисоб-китоби сифатида намоён бўлиб, унинг вазифаси суд процессининг олдини олишдан иборатлиги таъкидланади. Ҳатто суд шартномада кўрсатилган суммани зарарни қоплаш учун етарли эмас ёки ҳаддан ташқари баланд деб ҳисоблаган тақдирда ҳам, бундан кам ёки ортиқ сумма суд томонидан тайинланиши мумкин бўлмаган (ФФК 1152-модда). 1975 йил 9 июлдаги 75-597-сонли қонун билан судга белгиланган неустойка миқдори кам ёки ҳаддан ташқари кўп бўлган тақдирда уни кўпайтириш ёки камайтириш ҳуқуқи берилган [6, Б.147]. Мазкур ўзгартириш шартномавий неустойкани келишишда тарафларга берилган эркинлик суиистеъмол қилинишининг олдини олишга қаратилган.

Неустойка институти жаҳоннинг кўпгина ривожланган мамлакатлари масалан, Австрия Фуқаролик тузуги 1336, Германия Фуқаролик тузугининг 339-345, Франция Фуқаролик кодекси (кейинги ўринларда ФК деб юритилади)нинг 1229 ва 1152, Люксембург ФКнинг 1152 ва 1226, Испания ФКнинг 1152, Греция ФКнинг 405, Италия ФКнинг 1382-1384, Нидерландия ФКнинг 6:91-6:94, Португалия ФКнинг 810, Монголия ФКнинг 180, Чехия ФКнинг 544-545-моддаларида, ХХРнинг “Контрактлар тўғрисида”ги Қонунининг 114, Ҳиндистоннинг “Контрактлар тўғрисида”ги Қонунини 74-моддаларида, шунингдек умумий ҳуқуқ мамлакатларининг суд амалиётини (масалан, Англияда 1915 йил Dunlop Pneumatic Tyre Co. Ltd. v. New Garage and Motor Co. Ltd. иши бўйича чиқарилган қарорни, Шотландияда 1904 йил Clydebank Engineering & Shipbuilding Co. Ltd. v. Castaneda иши бўйича чиқарилган қарорни, АҚШда 1914 йил Banta v. Stamford Motor Co. 89 Conn. иши бўйича чиқарилган қарорни) қайд этиш мумкин [7, Б.8].

Мисол учун Англия ҳуқуқида неустойкага оид ёндашув илк бор адолат ҳуқуқи доирасида шаклланган [8, Б.361]. Мажбуриятни бузганлик учун санкцияни шартномада белгилашга йўл қўйилиши тўғрисидаги масала тегишли шарт қандай квалификация қилинишига боғлиқ бўлади. Агар шарт неустойка (penalty), яъни шартномада қарздорни кўрқитиш (in terrorem) ва олган мажбуриятларини бажаришга мажбурлаш мақсадида тайинланган пул суммаси деб эътироф этилса, суд бундай шартни ҳақиқий эмас деб топади. Агар тарафлар шартномага мазкур шартни киритаётиб, шартнома бузилган тақдирда (liquidated damages) кредитор кўриши мумкин бўлган зарарни олдиндан баҳолашга ҳаракат қилган бўлса, бу пул амалда исботланган зарар миқдоридан қатъи назар, ҳатто зарар кўрилмаган бўлса ҳам ундирилади [9].

Англияда зарарни ундириш тўғрисида даъво билан арз қилиш умумий ва универсал ҳимоя усули ҳисобланиб, мажбуриятни бажаришга мажбурлаш бу ерда номақбул ҳимоя усули сифатида қаралади [10, Б.57]. Мажбуриятларни бажаришга мажбурлашга салбий кўз билан қарайдиган Англия ҳуқуқи неустойкани ҳисоблаш йўли билан билвосита мажбурлашни ҳам қоралайди [11, Б.55].

Шундай қилиб, фуқаролик қонунчилигининг ривожланиш тарихида неустойка мажбуриятларни таъминлаш усули ва жавобгарлик чораси сифатида алоҳида ўрин эгаллайди. Тарихда неустойкани тартибга солишга нисбатан икки хил ёндашув вужудга келган: биринчиси – жазоловчи (жарима) неустойка; иккинчиси – баҳоловчи неустойка (олдиндан баҳоланган зарар).

Мажбурият ҳуқуқида неустойка қўллаш асослари ва тартибини такомиллаштириш бўйича қуйидаги илмий-назарий хулоса ва таклифларни бериш мумкин:

1. Неустойка, бир томондан, мажбурият бажарилишини таъминлаш усули, бошқа томондан эса, фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик шакли сифатида амал қилади. Неустойка шартномани тузиш ва бажариш босқичида рағбатлантирувчи, сигнализацион ҳамда кредиторнинг бузилиши мумкин бўлган мулкӣ ҳуқуқларини тиклаш функцияларини бажаради ва шартноманинг лозим даражада бажарилишини таъминлайди, мажбуриятнинг бузилиш босқичида эса ўзига хос жавобгарлик шаклига айланиб, ўзида компенсацион, жазолаш, тарбиявий функцияларни намоён этади.

2. Неустойка тўлаш масалаларини тартибга солишда шартномани бажармаганлик ва лозим даражада бажармаганлик ҳолларини фарқлаш зарур. Масалан: а) қарздор шартномани бажармаган тақдирда неустойка тўлаши шарт бўлса, кредитор шартномани бажариш ўрнига неустойка тўлашни талаб қилиши мумкин. Агар кредитор қарздордан неустойка тўлашни талаб қилган бўлса, мажбуриятни бажариш талабининг қўйилиши мумкин эмас; б) агар неустойка мажбурият лозим даражада бажарилмаган, бажариш муддати кечиктирилган, белгиланган талаблар асосида бажарилмаган ҳолда тўлаш назарда тутилган бўлса, кредитор мажбуриятни бажариш билан бир қаторда зарарни қоплаш ва неустойка тўлашни ҳам талаб қилишга ҳақли бўлади.

3. Неустойка юридик жавобгарликнинг тарбиявий функциясига хос жиҳатларга эга бўлганлиги сабабли ҳам унинг моҳиятида мажбуриятлар бажарилишини таъминлашга хос бўлган жиҳатлар мавжуд. Шу сабабли, неустойкани мазкур икки ҳуқуқий институт таркибига киритилишидаги мантиқ ҳам ушбу омил билан боғлиқ ва бундай иккиёқламалиқда устуворлик неустойканинг ундирилиш босқичига берилади. Бу босқич эса фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик қўлланилганда вужудга келиб, дастлаб мажбурият бажарилишини таъминлаш усули сифатида белгиланган неустойкани шартнома бузилганида ундириладиган жавобгарлик чорасига айлантиради.

4. Фуқаролик ҳуқуқига неустойканинг ўзига хос кўриниши **астрент (суд неустойкаси)** институтини киритиш ҳамда қарздор томонидан суд қарорлари ижро этилмаганида ундириладиган неустойкани кредитор фойдасига ва давлат бюджетига тақсимлаш механизмини жорий этиш лозим. Астрент моддий-ҳуқуқий таъсир чораси бўлиши билан бирга, неустойка сифатида қарздорни суд қарори билан белгиланган мажбуриятни бажаришга ундаш воситаси ҳам ҳисобланади.

Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этмаганлик учун ундириладиган маъмурий жаримадан фарқли равишда, астрент кредитор манфаатларига хизмат қилади ва айти пайтда қарздорни қарз суммасидан келиб чиқиб қўшимча мулкый йўқотишларга дучор қилиши сабабли ҳам ижро жараёни тезлашишига самарали таъсир кўрсатади. Ҳозирда қўлланилаётган суд қарорларини ижро этмаганлик учун маъмурий жарима эса ўта самарасиз эканлиги яққол кўзга ташланмоқда. Шу сабабли, Фуқаролик кодекси, Фуқаролик процессуал кодекси ва Иқтисодий процессуал кодексига астрент институтига оид нормаларни киритиш мақсадга мувофиқ.

5. Фуқаролик қонунчилигига мажбуриятлар бажарилишининг янги усули сифатида **“Таъминловчи тўлов”**га оид қоидаларни киритиш зарур. Мазкур усул орқали олдиндан мажбурият тарафлари томонидан шартнома тузиш пайтида бир-бирларининг фойдасига киритилган тўлов воситасида мажбурият бажарилиши тўлиқ таъминланади. Мазкур усул айти пайтда “гаровбанд” ёки “кафолат”га ўхшаш функция ва жиҳатларга эга бўлса-да, унинг “пул тўлови” шаклида қўлланилиши сабабли амалдаги неустойка предметига яқинроқ саналади.

6. Фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги жаримавий санкцияларни белгилаш, уларни ҳисоблаш ва қўллашга нисбатан қоидалар турли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга “сочиб” ташланганлигини кўриш мумкин. Кўплаб идоравий ҳужжатларда, айтиқса, монополия субъектлари томонидан истеъмолчиларга хизмат кўрсатишда белгиланадиган санкциялар тизимидаги хилма-хилликлар кўп ҳолатларда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига зид равишда белгиланиши ва татбиқ этилиш ҳолатлари мавжуд. Ушбу ҳолатларни бартараф этиш мақсадида Фуқаролик кодексига **“Фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик чоралари”** номли янги моддани киритиш ҳамда унда жаримавий характерга эга бўлган айнан қандай таъсир чоралар фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик чоралари ҳисобланиши ва уларнинг турларини аниқ белгилаш зарур.

7. Жавобгарлик чораси сифатида жаримали неустойкани зарарни қоплаш билан бир қаторда қўллаш неустойка тўлаш ва зарарни қоплашнинг ўзаро нисбати муаммосини келтириб чиқаради, уларни бир-биридан алоҳида қўллаш (муқобил неустойка) эса, компенсацион фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик принципининг бузилишига олиб келади. Шунга кўра, ҳуқуқни қўллаш амалиётида ҳисобга ўтказиладиган неустойка турини кенг жорий этиш зарур.

8. Пул мажбуриятини бажармаганлик учун жавобгарлик тўғрисидаги норма пул мажбуриятларига нисбатан қўлланиладиган қонуний неустойка ҳисобланади. Фуқаролик кодексининг пул мажбуриятини бажармаганлик учун жавобгарлик тўғрисидаги нормасини қонуний неустойка тўғрисидаги норма ҳамда пул

мажбуриятини бажармаганлик учун назарда тутилган фоизларни неустойканинг бир тури, деб ҳисоблаш лозим.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Крупные штрафы мировых корпораций в 2012-2019 годах // URL: <https://ria.ru/20190724/1556844594.html>
2. Мирзиёев Ш.М. Нияти улуг халқнинг иши ҳам улуг, ҳаёти ёруф ва келажаги фаровон бўлади. –Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2019.
3. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураимиз. –Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017.
4. Гримм Д.Д. Лекции по догме римского права. –М., 2003. // URL: <https://legalns.com/download/books/lib/roman-law/book-001.pdf>
5. Синайский В.И. Русское гражданское право. Сборник. –М., 2002. // URL: <https://istina.msu.ru/collections/18707584/>
6. Комаров А.С. Ответственность в коммерческом обороте. –М., Юрид. лит., 1991. // URL: <https://search.rsl.ru/ru/record/01001606867>
7. Карапетов А.Г. Неустойка как средство защиты прав кредитора в Российском и зарубежном праве. –М., Статут, 2005. // URL: <https://private-right.ru/wp-content/uploads/>
8. Samuel G. Law of Obligations & Legal Remedies. L., 2001. // URL: <https://www.taylorfrancis.com/books/mono/10.4324/9781843141433/law-obligations-legal-remedies-geoffrey-samuel>
9. Clydebank Engineering & Shipbuilding Co v. Castenada иши (1905 йил). //URL: <https://www.casemine.com/judgement/uk/5a8ff8c860d03e7f57ecd5a7>
10. Карапетов А.Г. Иск о присуждении к исполнению обязательства в натуре. –М., 2003 // URL: https://www.studmed.ru/karapetov-ag-isk-o-prisuzhdenii-k-ispolneniyu-obyazatelstva-v-nature_97476cdc2e3.html
11. Доклад Генерального секретаря “Оговорки о заранее оцененных убытках и штрафных неустойках” (A/CN. 9/161) // Ежегодник Комиссии ООН по праву международной торговли. 1979 // URL: https://uncitral.un.org/sites/uncitral.un.org/files/mediadocuments/uncitral/ru/yb_1979_r.pdf

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

ЮЛДАШОВ Абдумумин Абдугопирович

Тошкент давлат юридик университети Интеллектуал мулк ҳуқуқи кафедраси
доценти в.б., юридик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

ORCID-0000-0002-2940-8718

E-mail: abdumuminyuldashev@gmail.com

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК, АЛОҚА ВА АХБОРОТ СОҲАСИДАГИ НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРДА МУАЛЛИФЛИК ҲУҚУҚИНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШГА ДОИР НОРМАЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

For citation (иқтибос келтириш учун, для цитирования): ЮЛДАШОВ А.А.
Ўзбекистон Республикасининг интеллектуал мулк, алоқа ва ахборот соҳасидаги
норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда муаллифлик ҳуқуқини муҳофаза қилишга доир
нормаларни такомиллаштириш масалалари // Юрист ахборотномаси – Вестник
юриста – Lawyer herald. № 5(2022) Б. 58-64.

 5 (2022) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2022-5-8>

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада интеллектуал мулк, алоқа ва ахборот соҳасидаги қонун ҳужжатларида муаллифлик ҳуқуқи муҳофазаси ва ҳимояси билан боғлиқ нормалар ҳамда уларнинг моҳияти қиёсий-ҳуқуқий таҳлил қилинган. Мақола давомида муаллиф телекоммуникация тармоқларидаги қонуности ҳужжатларида асарлар ва турдош ҳуқуқлар объектларидан фойдаланиш билан боғлиқ жараёнларда муаллифлик ҳуқуқи нормаларида тўлақонли равишда қўллаш билан боғлиқ масалалар танқидий равишда таҳлил қилинган ҳамда тегишли қонунчиликни такомиллаштириш билан боғлиқ масалалар ва келгусидаги ҳуқуқий оқибатлар бўйича илмий назарий хулосаларга келган.

Калит сўзлар. интеллектуал мулк, муаллифлик ҳуқуқи, телекоммуникация тармоғи, алоқа, контрафакт маҳсулот, ахборот тизими, муаллифлик шартномаси.

ЮЛДАШОВ Абдумумин Абдугопирович

И.о.доцента кафедрасы Права интеллектуальной собственности
Ташкентского государственного юридического университета,

доктор философии по юридическим наукам (PhD)

ORCID-0000-0002-2940-8718

E-mail: abdumuminyuldashev@gmail.com

ВОПРОСЫ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ НОРМ ЗАЩИТЫ АВТОРСКИХ ПРАВ В НОРМАТИВНО-ПРАВОВЫХ ДОКУМЕНТАХ В ОБЛАСТИ ИНТЕЛЛЕКТУАЛЬНОЙ СОБСТВЕННОСТИ, СВЯЗИ И ИНФОРМАЦИИ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

АННОТАЦИЯ

В данной статье проводится сравнительно-правовой анализ норм, связанных с охраной и защитой авторского права и их сущности в правовых документах в сфере интеллектуальной собственности, связи и информации. В статье автором критически проанализированы вопросы, связанные с применением норм авторского права в процессах, связанных с использованием произведений и объектов смежных прав в правовых документах сетей телекоммуникаций, и приходит к научно-теоретическим выводам по вопросам, связанным с совершенствованием соответствующего законодательства и правовыми последствиями в будущем.

Ключевые слова. интеллектуальная собственность, авторское право, телекоммуникационная сеть, связь, контрафактная продукция, информационная система, авторское соглашение.

YULDASHOV Abdumumin

Acting associate professor of the Department of Intellectual Property Law of Tashkent State University of Law, Doctor of Philosophy (PhD) in Law

ORCID-0000-0002-2940-8718

E-mail: abdumuminyuldashev@gmail.com

ISSUES OF IMPROVEMENT OF STANDARDS OF LEGAL PROTECTION OF COPYRIGHT IN NORMATIVE LEGAL ACTS OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN IN THE FIELD OF INTELLECTUAL PROPERTY, COMMUNICATIONS AND INFORMATION

ANNOTATION

This article provides a comparative legal analysis of the norms related to the protection and protection of copyright and their essence in legal documents in the field of intellectual property, communications and information. In the course of the article, the author critically analyzed issues related to the completeness of the application of copyright in the processes related to the use of works and objects of related rights in the legal documents of telecommunications networks, and came to scientific and theoretical conclusions on issues related to the improvement of the relevant legislation and future legal consequences.

Keywords: intellectual property, copyright, telecommunications network, communications, counterfeit products, information system, copyright agreement.

Ахборот-коммуникация тармоқларнинг тез суръатларда ривожланиши ҳамда ижтимоий ҳаётга жадаллик билан кириб келиши ижодкорларни ўз асарларига бўлган мутлоқ ҳуқуқлар муҳофазасини етарли даражада таъминлаш бўйича зарур чораларни кўришга ундамоқда. Маълумки, сўнгги йилларда инсоннинг ахборот ва маълумот олишга бўлган эҳтиёжи ҳар қачонгидан ҳам юқори даражага чиққан. Айниқса, интернет ва телекоммуникация тармоқларининг кенг ривожланиши натижасида бу билан боғлиқ жараёнлар янада муҳим аҳамият касб этмоқда. Зеро, бу каби жараёнларни муаллифлик ҳуқуқи объектларининг иштирокисиз тасаввур этиб бўлмайди. Бунда ўз навбатида муаллифлик ҳуқуқи объектларидан фойдаланишни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш муҳим аҳамиятга эга. Асарлардан фойдаланиш ҳамда уларни фуқаролик муомиласига бошқача тарзда киритиш бўйича назоратнинг ҳуқуқий механизмлари

сифатида асосан асарларни шартнома асосида бошқариш ва ҳимоялашнинг техник усулини киритиш мумкин. Бугунги кунда ижтимоий муносабатларнинг деярли барча жабҳаларига интернет ва телекоммуникация тушунчалари ва улар билан боғлиқ муносабатлар кириб борганлигини ҳамда буни фуқаровий-ҳуқуқий, жиноий-ҳуқуқий ва оммавий-ҳуқуқий муносабатларда яққол кўришимиз мумкин.

Таъкидлаш керакки, телекоммуникация тармоғида юзага келадиган ҳуқуқий муносабатлар, компьютер технологиялари ёрдамида ахборот алмашинуви билан боғлиқ муносабатлар мавжудлиги сабабли ҳуқуқий муносабатларда бир қанча муаммолар юзага келмоқда [1]. “Телекоммуникация” атамаси юнон ва латин тилларининг ўзаро аралашувидан кириб келган бўлиб, “tele” – узоқда ва латинча “communico” – “бўлишишмоқ” деган маъноларни англатади. Ушбу сўзни бугунги кундаги мазмунда фойдаланилиши француз тилидан кириб келган ва бунга 1904 йилда француз муҳандиси ва ёзувчиси Эдуард Эстонье томонидан унинг ёзма тарзда ишлатилиши сабаб бўлган [2].

Агарда норма ижодкорлигига эътибор қаратадиган бўлсак, у хоҳ жиноят қонунчилиги хоҳ фуқаролик қонунчилиги бўлсин, охириги киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар айнан телекоммуникация тармоқлари билан боғлиқ ҳисобланади. Хусусан, буни 2006 йилда янги таҳрирда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ги Қонуни 3-моддасида ҳам кўриш мумкин. Мазкур қонуннинг олдинги таҳририда “барчанинг эътиборига етказиш” атамаси мавжуд бўлмаган. Маълумки, барчанинг эътиборига етказиш – бу асарларни ёки турдош ҳуқуқлар объектларини симлар ёки симсиз алоқа воситалари орқали телекоммуникация тизимларидан фойдаланувчилар ўз танловига кўра исталган жойда ва исталган вақтда улардан фойдалана олиши мумкин бўлган тарзда барчанинг эътибори учун юборишдир [3]. Мазкур қонуннинг олдинги таҳририда бу каби тушунчалар мавжуд бўлмаган. Муаллифлик ҳуқуқида энг муҳим жиҳат бу мутлақ ҳуқуқлар билан боғлиқ ҳисобланади. Юқоридаги қонуннинг 19-моддасида айнан ушбу ҳуқуқлар таснифи келтирилган бўлиб, эътиборли жиҳати мазкур ҳаракатларни (таржима қилиш, такрорлаш, тарқатиш, барчанинг эътиборига етказиш, омма олдида намойиш этиш в.х.) барчасини бевосита телекоммуникация тармоқлари ёрдамида амалга ошириш мумкин.

Айни ушбу йўналишда халқаро нормаларни яратиш бўйича ишлар анча илгари бошланганини ҳамда бугунги кунга келиб Ўзбекистон ҳам соҳага доир бир қатор халқаро шартномалар аъзоси эканлигини қайд этиш лозим. Хусусан, 1996 йилда Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти (БИМТ) ҳамда ташкилотга аъзо бўлган давлатлар томонидан муаллиф ва ҳуқуқ эгаларининг асарларини рақамли муҳитда ҳимоясини таъминлаш мақсадида “Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилотининг муаллифлик ҳуқуқи бўйича шартномаси” ҳамда “Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилотининг ижролар ва фонограммалар бўйича шартномаси” қабул қилинди [4]. Маълумот ўрнида қайд этиш лозимки, Ўзбекистон 2019 йил 16 февраль санасида юқоридаги иккита халқаро шартномага қўшилган [5]. “БИМТнинг муаллифлик ҳуқуқи бўйича шартномаси”нинг 11-моддасига кўра, аҳдлашувчи томонлар мазкур шартнома ёки Берн конвенцияси бўйича ўз ҳуқуқларини амалга ошириш муносабати билан муаллифлар фойдаланадиган мавжуд техник воситаларни четлаб ўтишдан ва ўз ижодига рухсат бермаган ҳаракатларни чеклашга қаратилган тегишли ҳуқуқий ҳимоя ва самарали воситаларни таъминлайдилар. Айнан ушбу мазмундаги норма турдош ҳуқуқ субъектлари бўлган ижрочилар ва фонограмма тайёрловчиларга нисбатан қўлланилиши бўйича “Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилотининг ижролар ва фонограммалар бўйича шартномаси”нинг 18-моддасидан ўрин олган [6].

Аҳамиятлиси, мамлакатимизнинг “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ги Қонуни 63-моддасида ҳам асарларни ҳимоя қилувчи техник воситалар ҳақида сўз юритилган. Хусусан, “асарлардан ёки турдош ҳуқуқлар объектларидан фойдаланишни назорат қилувчи, муаллиф, турдош ҳуқуқлар эгаси ёхуд асарларга

ёки турдош ҳуқуқлар объектларига нисбатан мутлақ ҳуқуқларнинг бошқа эгаси томонидан рухсат этилмаган ҳаракатлар амалга оширилишининг олдини олувчи ёки уларни чекловчи ҳар қандай техник қурилмалар ёхуд уларнинг таркибий қисмлари муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқларни ҳимоя қилувчи техника воситалари деб эътироф этилади”. Айнан ушбу нормани Россия Федерациясининг муаллифлик ҳуқуқига доир қонунининг 48¹-моддасида ҳам кўришимиз мумкин [7].

Юқоридаги каби техник воситалардан четлаб ўтишга ҳаракат қилишни чеклашга қаратилган қоидалар БИМТнинг юқоридаги “интернет шартномалари”ни имзолаган давлатлар миллий қонунчилигидан ўрин олган. АҚШ ушбу қоидани биринчи бўлиб, ўз қонунчилигига киритган бўлиб, 1998 йилдаги муаллифлик ҳуқуқи қонунидан, 2001 йилда эса муаллифлик ҳуқуқи бўйича Европа иттифоқи директивасидан ўрин олган [8]. АҚШда мазкур чекловни бузган шахслар фуқаролик ва жиноий жавобгарликка тортилиши белгиланган. Юқоридаги икки халқаро ҳужжатнинг “интернет шартнома” деб юритилишига асосий сабаб, айнан ушбу тармоқнинг кенг тараққий этиши ва ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларига кириб бориши билан боғлиқдир. Шу нуқтаи назардан ҳам XX асрнинг 90-йилларига келиб, муаллифлик ҳуқуқини нафақат бошқа телекоммуникация тармоқларида, балки интернетда ҳам муҳофаза қилиш зарурияти пайдо бўлди. Шу ўринда телекоммуникация тармоқлари сирасига қайси алоқа-ахборот технологиялари киришини таъкидлаш жоиз. Булар:

- компьютер тармоқлари;
- телефон тармоқлари;
- радио тармоқлар;
- телевизион тармоқлар ҳисобланади.

Юқоридаги “интернет шартномалар”нинг қабул қилиниши муаллиф ва ҳуқуқ эгаларига муҳим бўлган ҳимоя воситалари бериш орқали уларнинг мутлақ ҳуқуқларини мустаҳкамланишига эришилди [9]. Ушбу қоидадан фойдаланган ҳолда муаллифлар ўзларининг асарларига нисбатан турли даражадаги ҳимоянинг техник усулларини қўллаш бошлашди. Интеллектуал мулкда, хусусан муаллифлик ҳуқуқида доимий иккита қарама-қарши фикр мавжуд бўлиб, улардан бири интеллектуал мулкда мутлақ ҳуқуқдан тўлақонли фойдаланиш тарафдори бўлса, иккинчи тоифа эса интеллектуал мулк жамият томонидан фойдаланиш учун очиқ бўлишлиги керак деган фикрни илгари суришади. Шунингдек, иккинчи тоифа вакилларининг фикрига кўра, ҳимоянинг техник воситалари тижорий нусха кўчириш учун кучсиз бўлиб, аксинча илмий-тадқиқот ёки шахсий мақсадида фойдаланиш учун эса қаттиқ чекловларни қўйган. Ушбу фикр тарафдорлари кўриш имконияти чекланган шахслар учун бу чекловлар жиддий қийинчиликларни келтириб чиқаришини, бу орқали эса уларнинг илм олишга, маданият ва санъат ютуқларидан фойдалана олмаслигини келтириб чиқаришини таъкидлашади. Бироқ қайд этиш лозимки, БИМТ томонидан айни шу мақсадда 2013 йил 27 июнда “Кўзи ожиз, кўришда нуқсонли бўлган ва босма ахборотни идрок этишда бошқа жиҳатдан қобилияти чекланган шахсларнинг нашр этилган асарлардан фойдаланишини енгиллаштириш тўғрисидаги Мароккаш шартномаси” қабул қилинган.

Ўзбекистонда интеллектуал мулк ҳуқуқига доир сўнгги пайтларда қабул қилинаётган қонун ҳужжатларида ушбу соҳани телекоммуникация тармоғи билан алоқадорлигига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 26 апрелдаги “Интеллектуал мулк соҳасини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–221-сон қароридан ҳам телекоммуникация соҳасида муаллифлик ва турдош ҳуқуқларни муҳофаза қилиш бўйича қуйидаги муҳим вазифалар белгилаб олинди:

- Ўзкомназорат Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда 2022 йил 1 октябрга қадар Интернетда муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқларни бузган веб-сайтлар тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олувчи “Муаллифлик ва турдош ҳуқуқлар соҳасидаги қонунбузилишлар реестри” ахборот тизимини ишга тушириш;

- веб-сайтлар томонидан муаллифлик ва турдош ҳуқуқлар тизимли равишда бузилиши исботланган тақдирда, Ўзкомназорат Адлия вазирлигининг ҳулосаси асосида мазкур веб-сайтлар тўғрисидаги маълумотларни қонунбузилишлар реестрига киритади ва унинг кўрсатмасига мувофиқ Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ушбу веб-сайтлар фаолиятини муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқларни бузувчи ҳатти-ҳаракатлар бартараф этилмагунига қадар чеклаш;

- 2022 йил 1 майдан бошлаб Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигининг фонограммалар ва аудиовизуал асарларни тарқатишда муаллифлик ҳуқуқи ҳимоясини таъминлаш бўйича қонунчиликка риоя қилиниши устидан давлат назоратини амалга ошириш бўйича ваколатлари тўлиқ Ўзкомназоратга ўтказиш;

- Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти кўмагида Адлия вазирлиги ҳамда Ўзкомназорат фаолиятида “WIPO Alert” онлайн платформасидан фойдаланишни йўлга қўйиш [10].

Юқоридаги қарорда муаллифлик ҳуқуқини интернет ва телекоммуникация тармоқларида муҳофаза қилишга доир муҳим жиҳатлар ўрин эгаллаган бўлиб, ушбу вазифалар ўзининг аҳамиятига кўра жуда ҳам долзарб ҳисобланади.

Телекоммуникация ва муаллифлик ҳуқуқи тушунчасидан битта контекстда фойдаланиш ва ҳуқуқий оқибатни келтириб чиқариши нуқтаи назардан жуда аҳамиятли ҳисобланади. Буни қуйидаги идоравий ҳужжатни таҳлил қилиш орқали ҳам англаб етишимиз мумкин.

Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирининг 2020 йил 30 июндаги 208-мҳ-сон буйруғи билан тасдиқланган “Телекоммуникация хизматларини кўрсатиш қоидалари”нинг 229-қисмини таҳрир қилиш мақсадга мувофиқ. Зеро, унга кўра, эшиттирувчи дастурларини тарқатиш (трансляция, ретрансляция қилиш) ва сотиш, шунингдек олинган дастурларни тарқатиш (трансляция, ретрансляция қилиш) ва сотиш фаолиятини хусусий ёки алоҳида муаллифлик шартномалари асосида амалга ошириши белгиланган [11]. Муаллифлик ҳуқуқи йўналишидаги қонун ҳужжатлари ва доктринал манбаларга таянадиган бўлсак, “муаллифлик шартномаси” ва “муаллифнинг розилиги (рухсати)” тушунчаларига дуч келамиз. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ги Қонуннинг 19-моддаси, шунингдек турдош ҳуқуқларга доир қисми (масалан, 47, 50-моддалари)да ўз аксини топган. Амалиёт ҳам айна ушбу тушунчалар негизига асосланган. Розилик (рухсат) оддий ёзма шаклда бўлишлиги ва унда Ўзбекистон Республикаси “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ги Қонуннинг 19-моддасида келтирилган мулкӣ ҳаракатлардан бири, бир қанчаси ёки ҳаммасига ҳам фойдаланишга рухсат беришлик назарда тутилган бўлиши мумкин. “Муаллифлик шартномаси” эса “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ги Қонуннинг 38-39-моддаларида келтирилган талаб ва шартларга мувофиқ расмийлаштирилган бўлиши лозим. Шунга мувофиқ, юқоридаги Қоидаларнинг 229-қисмига муаллифлик шартномалари ёки муаллифнинг розилиги асосида амалга ошириши лозим деган тушунчаларни киритиш лозим. Шу билан бирга, ушбу қоидаларнинг 304-банди иккинчи хатбошисида эшиттирувчи ўз фаолиятини қонунчилик ҳужжатлари ва “Телекоммуникация хизматларини кўрсатиш қоидалари” асосида ҳамда муаллифлик шартномалари амалга ошириши белгиланган. Худди юқоридаги каби муаллифлик ҳуқуқи билан боғлиқ ҳаракат фақатгина шартномалар билан чекланмайди, шунингдек муаллифлик шартномаси тушунчаси, унда иштирок этаёган икки тарафнинг (муаллиф ва фойдаланувчи) ҳуқуқ ва мажбуриятлари билан боғлиқлиги сабабли, тор тушунча бўлиб, у ўзида муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар билан боғлиқ барча ҳаракатларни қамраб олмайди. Шу сабабли ҳам мазкур Қоидаларда муаллифлик ҳуқуқи билан боғлиқ ҳаракатларни аниқ ва батафсил ёзиш лозим. Зеро, ҳар бир ҳаракат муаллиф (ҳуқуқ эгаси)нинг мутлақ ҳуқуқлари билан боғлиқдир.

Телекоммуникация тармоқларида нафақат муаллифлик ҳуқуқини таъминлаш,

балки ушбу соҳани ривожлантириш, давлат хизматларини кўрсатишда ушбу тармоқлардан кенг фойдаланиш, ундаги ахборот хавфсизлигини таъминлаш ҳам муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Хусусан, сўнги йилларда Ўзбекистонда ҳам ахборот хавфсизлигини таъминлаш, замонавий телекоммуникация тармоқларини ижтимоий ҳаётга кенг тарғиб этиш борасида зарур бўлган амалий ишлар қилинмоқда. Масалан, телекоммуникация, ахборот ва киберхавфсизликни таъминлаш соҳасидаги назорат тизимини янада такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 ноябрдаги “Ахборот технологиялари ва коммуникацияларининг жорий этилишини назорат қилиш, уларни ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–4024-сон қарори билан Ўзбекистон Республикаси Ахборотлаштириш ва телекоммуникациялар соҳасида назорат бўйича давлат инспекцияси (Ўзкомназорат) ташкил этилди. Мазкур қарор билан Инспекциянинг асосий вазифалар қаторига илк маротаба фонограммалар, аудиовизуал асарлар, ЭҲМ учун дастурларни тарқатишда муаллифлик ҳуқуқларига риоя этилиши бўйича ваколатлар (ўрганиш, мониторинг қилиш, текшириш, хулосалар тайёрлаш) ҳамда интернет тармоғида муаллифлик ҳуқуқи объектлари ноқонуний тарқалишини (барчанинг эътиборига етказилишини) бартараф этиш чораларини кўриш киритилди. Ахборот ва киберхавфсизликни таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 14 сентябрдаги ПҚ–4452-сон қарори билан юқоридаги инспекция фаолият қайтадан ташкил этилди. Ўзкомназоратга қўшимча вазифа сифатида ахборот тизимлари ва ресурсларини яратиш ҳамда хавфсиз маълумот алмашишни таъминлаш белгиланди. Шу ўринда хавфсизлик атамасини нафақат техник жиҳат нуқтаи назаридан, балки муаллифлик ҳуқуқи йўналиши жиҳатидан ҳам тушуниш мақсадга мувофиқ бўлади. Ўзкомназоратга ўзига юклатилган вазифаларни бажаришда ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш ваколатини бериш лозим. Зеро, бугунги кунда интернет тармоғида интеллектуал мулк, хусусан муаллифлик ҳуқуқи объектларидан рухсатсиз тарзда фойдаланиш жуда ҳам кўп.

Ҳозирги кунда ахборот узатувчи тармоқлардан фойдаланиш доираси жуда ҳам кенгайиб бормоқда. Бу йўналишда албатта хавфсизлик ва ҳимоя нуқтаи назаридан тегишли чора-тадбирларни кўриш талаб этилади. Ҳуқуқни ҳимоя қилиш унинг муҳофаза қилиниши ва таъминланишининг энг муҳим омилларидан биридир. Амалиётга кўра, ҳар қандай ҳуқуқ ҳимоя қилиш механизми билан мустаҳкамланган бўлсагина, уни амалга ошириш мумкин [12]. Умуман олганда, Ўзбекистонда муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар муҳофазасини таъминлаш бўйича аниқ ўйланган ва мустаҳкам давлат сиёсатини ишлаб чиқиш талаб этилади [13].

Телекоммуникация тармоқларида муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилишни янада такомиллаштириш бўйича ишларни халқаро стандартлар асосида юритишни амалга ошириш учун Ўзбекистонда қуйидаги йўналишлар бўйича ислохотларни амалга ошириш лозим:

- виртуал муҳитда асарлардан фойдаланиш учун шартномавий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш ва кенг жорий этиш;
- мулкый ҳуқуқларни жамоавий бошқариш институтини такомиллаштириш;
- муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар объектларини ҳуқуқий муҳофаза қилишнинг янги тартибларини (блокчейн) жорий этиш;
- Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари бўйича мажбуриятларини бажариш юзасидан чора-тадбирлар дастурини яратиш.

Шу билан бирга, Жиноят кодексига муаллифликнинг ўзлаштирилгани учун ҳамда муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқларнинг бузилганлиги учун алоҳида моддаларни киритиш лозим. Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқларни бузганлик учун жавобгарлик чораларини ошириш Жаҳон савдо ташкилотининг ТРИПС битимининг ҳам талабларидан бири ҳисобланади [14].

Юқоридаги таклифлар бўйича ишларни тўғри ва тизимли тарзда йўлга қўйилиши, ўйлаймизки муаллифлик ҳуқуқини ҳимоясини таъминлашга бу орқали эса ижодкорлар

меҳнати учун тегишли ҳақларни тўланишига ҳамда мамлакатимизда маданият ва санъатни ривожланишига олиб келади. Шу билан бирга, телекоммуникация тармоғида муаллифлик ҳуқуқлари ҳимоясини таъминлаш бўйича илғор хорижий тажрибани ўрганиш ҳамда Ўзбекистонда ушбу йўналишдаги тадқиқот ишлари ҳамда қонунчиликни такомиллаштириш бўйича ишларни жадаллаштириш зарур аҳамият касб этади.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Жарова А.К. Информация. Правовое регулирование обращения информации в интернете. // Под ред. Бачило И.Л.; Ин-т гос-ва и права РАН. – М., 2006. – 207 с. – С. 197–207.

2. А.Б.Гехт, Т.С.Комиссарова, В.И.Мосеев, И.А.Цверрианашвили. «История связи». Практикум. Федеральное агентство связи. Федеральное государственное бюджетное образовательное учреждение высшего образования «Санкт-Петербургский государственный университет телекоммуникаций им. проф. М. А. Бонч-Бруевича». г. Санкт-Петербург. 2016 г.

3. Ўзбекистон Республикасининг “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ги Қонуни. // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.08.2021 й., 03/21/709/0808-сон.

4. <https://www.wipo.int/treaties/en/>

5. Ўзбекистон Республикасининг “Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилотининг муаллифлик ҳуқуқи бўйича шартномасига (Женева, 1996 йил 20 декабрь) Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши тўғрисида”ги қонуни. // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 16.02.2019 й., 03/19/520/2626-сон; Ўзбекистон Республикасининг “Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилотининг ижролар ва фонограммалар бўйича шартномасига (Женева, 1996 йил 20 декабрь) Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши тўғрисида”ги Қонуни. // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 16.02.2019 й., 03/19/519/2625-сон.

6. <https://wipolex.wipo.int/en/text/295480>

7. http://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_2238/7ab3351a6763020eaca4d370cca514d2cdf30f69/

8. EU copyright Directive Arts 6 and 7.

9. Yuldashov A., Usmonov V. Copyright protection in telecommunications networks: the example of blockchain technology // European Journal of Interdisciplinary Research and Development. – 2022. – Т. 4. – С. 22-29.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 26 апрелдаги “Интеллектуал мулк соҳасини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–221-сон қарори. // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 23.08.2022 й., 06/22/194/0766-сон.

11. Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирининг “Телекоммуникация хизматларини кўрсатиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги буйруғи. (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 30 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3275). // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 28.07.2021 й., 10/21/3313/0724-сон.

12. А.Юлдашов. “Муаллифлик ҳуқуқини халқаро доирада муҳофаза қилишнинг муҳим жиҳатлари ва шартномавий-ҳуқуқий базани ривожлантириш”. Юридик фанлар ахборотномаси – Вестник юридических наук – Review of law sciences. Махсус сон. 2020 й. 231-б.

13. Юлдашов А. Интеллектуал мулк бўйича миллий стратегияларнинг аҳамияти ва бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилотининг бу борада тутган ўрни // Юрист ахборотномаси. – 2020. – Т. 1. – №. 2. – С. 53-59.

14. Юлдашов А., Чориев М. Договорно-правовые отношения в области авторского права и ответственности за нарушение авторского права: национальный и зарубежный опыт // Общество и инновации. – 2020. – Т. 1. – №. 1/с. – С. 511-522.

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ

ВЕСТНИК ЮРИСТА

LAWYER HERALD

ЯКУБОВ Ахтам Нусратуллоевич

Тошкент давлат юридик университети мустақил тадқиқотчиси,
юридик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
E-mail: akhtam.yakubov@gmail.com

РАҚАМЛИ АКТИВНИ ТУШУНИШ БЎЙИЧА ДОКТРИНАЛ ЁНДАШУВЛАР ВА ХАЛҚАРО ТАЖРИБА

For citation (иқтибос келтириш учун, для цитирования): ЯКУБОВ А.Н.
Рақамли активни тушуниш бўйича доктринал ёндашувлар ва халқаро тажриба // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 5 (2022) Б. 65-74.

 5 (2022) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2022-5-9>

АННОТАЦИЯ

Рақамли активларнинг эгаси уларга виртуал маконда эгалик қилиши, улардан фойдаланиши ва кейинчалик моддий фойда олган ҳолда, тасарруф этиши мумкинлигига таяниб реал мулкка хос белгиларни ўзида мавжуд деб ҳисоблайди. Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилигида рақамли активларни ҳуқуқий тартибга солишда бартараф этиш зарур бўлган бўшлиқлар мавжуд. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига “рақамли активлар” атамасини аниқлаштириш ва кенгайтириш, уларнинг виртуал мулк (мулкӣ ҳуқуқлар) ва мулкӣ ҳуқуқларга боғлиқ виртуал шахсий номулкӣ неъматлар ва ҳуқуқларга ажратадиган янги таснифини жорий этиш ва уларни ҳуқуқий тартибга солишга доир тегишли ўзгартиришлар киритиш зарур. “Рақамли активлар” ёки “иқтисодий активлар” концепцияси хорижий давлатларнинг бир қатор норматив ҳужжатларида ўз ифодасини топганлиги биз учун яхши хорижий тажриба саналади. “Виртуал мулк” атамасини қонунчиликдаги таърифи мавжуд эмас. Бундан ташқари “рақамли ҳуқуқлар (рақамли актив)”, “рақамли объект”, “виртуал мулк”, “виртуал ўйин мулки” тушунчаларини бир-биридан фарқлаш керак. Рақамли активларни тартибга солиш учун фуқаролик қонунчилигидан фойдаланиш, ҳатто келгусидаги ислохотларни ҳисобга олган ҳолда, тарқоқ бўлиб қолмоқда ҳамда яқин келажакда блокчейн технологияси жадал ривожланиш ва интеграцияни ҳисобга олган ҳолда ҳам, унинг асосида рақамли молиявий активларни яратиш, жорий этиш ва улардан фойдаланиш амалиёти амалга оширишда, рақамли молиявий активлар бажариши мумкин бўлган барча функцияларни ҳисобга олмайди. Ушбу мақолада муаллиф томонидан миллий ва халқаро ҳуқуқий доктрина ва тажриба Ўзбекистон қонунчилигида рақамли активнинг ҳуқуқий мақомини аниқлашга қаратилган таҳлиллар ўтказилиб, миллий қонунчиликни такомиллаштиришга қаратилган таклифлар илгари сурилган.

Калит сўзлар: рақамли актив, криптоактив, блокчейн, виртуал мулк, виртуал валюта, криптовалюта, токенлар.

ЯКУБОВ Ахтам Нусратуллоевич

Независимый соискатель Ташкентского Государственного юридического университета, доктор философии по юридическим наукам (PhD)

Email: akhtam.yakubov@gmail.com**ДОКТРИНАЛЬНЫЕ ПОДХОДЫ И МЕЖДУНАРОДНЫЙ ОПЫТ ПОНИМАНИЯ ЦИФРОВЫХ АКТИВОВ****АННОТАЦИЯ**

Владелец цифровых активов считает, что он обладает характеристиками недвижимого имущества, исходя из того, что он может владеть ими в виртуальном пространстве, использовать их, а затем распоряжаться ими с материальной выгодой. В действующем законодательстве Республики Узбекистан имеются пробелы, которые необходимо устранить в правовом регулировании цифровых активов. В частности, необходимо уточнить и расширить понятие «цифровые активы» в законодательстве Республики Узбекистан, ввести новую классификацию, разделяющую их на виртуальные имущественные (имущественные права) и виртуальные личные неимущественные блага и права, связанные с ними. Использование гражданского законодательства для регулирования цифровых активов остается фрагментарным, даже при предстоящих реформах, и стремительном развитии и интеграции технологии блокчейн в ближайшем будущем, практика создания, внедрения и использования цифровых финансовых активов на ее цифровой основе, не учитывает все функции, которые могут выполнять финансовые активы. В статье автор анализирует национальную и международную правовую доктрину и опыт определения правового статуса цифрового актива в законодательстве Узбекистана, и предлагает предложения по совершенствованию национального законодательства.

Ключевые слова: реальный актив, криптоактив, блокчейн, виртуальная собственность, виртуальная валюта, криптовалюта, токены.

YAKUBOV AxtamIndependent researcher at Tashkent State University of Law,
Doctor of Philosophy (PhD) in Law
Email: akhtam.yakubov@gmail.com**DOCTRINAL APPROACHES AND INTERNATIONAL EXPERIENCE FOR UNDERSTANDING DIGITAL ASSETS****ANNOTATION**

The owner of digital assets considers that he has the characteristics of real property based on the fact that he can own them in the virtual space, use them, and then dispose of them with material benefits. In the current legislation of the Republic of Uzbekistan, there are gaps that need to be eliminated in the legal regulation of digital assets. In particular, it is necessary to clarify and expand the term “digital assets” in the legislation of the Republic of Uzbekistan, to introduce a new classification that divides them into virtual property (property rights) and virtual personal non-property benefits and rights related to property rights, and to make appropriate changes to their legal regulation. The fact that the concept of “digital assets” or “economic assets” has been expressed in a number of regulatory documents of foreign countries is considered a good foreign experience for us. There is no legal definition of the term “virtual property”. In addition, the concepts of “digital rights (digital asset)”, “digital object”, “virtual property”, “virtual game property” should be distinguished from each other. The use of civil law to regulate digital assets remains fragmented, even with future reforms,

and even with the rapid development and integration of blockchain technology in the near future, the practice of creating, implementing and using digital financial assets based on it, digital does not take into account all the functions that financial assets can perform. In this article, the author analyzes national and international legal doctrine and experience to determine the legal status of a digital asset in the legislation of Uzbekistan, and offers suggestions for improving the national legislation.

Keywords: real asset, cryptoasset, blockchain, virtual property, virtual currency, cryptocurrency, tokens.

Интернет шундай маконга айланиб бормоқдаки, унинг доирасида кўплаб ҳуқуқ субъектлари ўз ҳуқуқларини амалга оширолмақда ва ўз мажбуриятларини бажаролмақда. Бу шароитларда виртуал мулк – рақамли активлар миқдорини ошириши Интернет олами учун умумий тенденцияга айланмоқда. Бироқ, ҳозирги вақтда фуқаролик ҳуқуқи доктринасида “рақамли актив (криптоактив)”, “рақамли молиявий актив” каби янги рақамли мулк шаклининг тоифаси аниқ белгиланмаган. Шу муносабат билан, “рақамли актив”лар” каби ҳодисанинг ҳуқуқий табиатини ўрганиш долзарб кўринади. Бизнингча “рақамли актив”, “рақамли молиявий актив”, “криптоактив” бир маънони англатиб, ушбу диссертация доирасида бир мазмунли рақамли мулк шакллари сифатида тушунилади.

“Рақамли актив” атамаси илмий ишларда деярли кузатилмаган. Фуқаролик ҳуқуқи фанида рақамли ҳуқуқлар ва рақамли валюта табиатининг ўзи олимларда қизиқиш уйғотган [1, Б.75-77]. Шу боис, рақамли ҳуқуқни рақамли технологиялардан фойдаланиш ва (ёки) рақамли маълумотлардан фойдаланиш ҳолатларида шаклландирган муносабатларни тартибга солиш алоҳида ҳуқуқ соҳасига ажратиш мумкинлиги тўғрисида фикрлар билдирилган эди [2, Б.450]. Кейинчалик маълум бўлдики, “рақамли ҳуқуқ” тушунчаси фақат рақамли валюталар ва молиявий активларга нисбатан қўлланилишига нисбатан кенгроқ тушунча ва унинг таркибий қисмлари ҳамда мазмуни кўп қирралидир [3, Б.28-31]. М. А. Рожкованинг фикрича, рақамли ҳуқуқ билан тартибга солинадиган муносабатларнинг хилма-хиллиги тартибга солиш методини аниқлаш муаммосини тақозо этади, бу эса рақамли ҳуқуқни ҳуқуқнинг кичик тармоғига ажратиш имконияти йўқлигини келтириб чиқаради [4, Б.7-10].

Рақамли активларни молиявий қўллаш кесимида цивилист олимлар қизиқиши аввалдан рақамли валюта ва унинг табиатига қаратилган эди. Баъзи тадқиқотчилар рақамли валюта хусусиятларининг пул билан ўхшашлиги ҳақида фикр юритган [5, Б.136-140]. Бироқ, аксарият тадқиқотчилар рақамли валютани мулк тоифасига киритишган [6, Б.24-26].

Рақамли активнинг турли таърифларига асосланиб, қуйидагиларни қайд этиш мумкин. **Биринчи**, рақамли ҳуқуқлар тушунчаси хилма-хиллиги ва уларни фақат молиявий воситаларга боғлаш мумкин эмаслиги ҳақидаги нуқтаи назарлар кўпчилиги олимлар томонидан тасдиқланди. Қонун рақамли ҳуқуқларнинг фақат маълум ахборот тизимидаги пуллик талаблари ёки эмиссия қоғозлари айланиши билан боғлиқ бир қисмини кўриши баҳсли масаладир. **Иккинчидан**, рақамли актив кўзда тутган рақамли ҳуқуқлар предмети пул, аниқроғи, пуллик талаблар бўлиши мумкин. Лекин, адабиётларда пуллик талабнинг моҳиятига ягона ёндашув мавжуд эмас [7, Б.28-31].

Кенг маънода у маълум миқдорда пул маблағини топшириш мажбуриятдан иборат. Тор маънода пуллик талаб қарз тушунчаси билан боғлиқ. Эътиборлиси, тақсимланган реестрдаги рақамли молиявий активлар уларнинг эгасига тегишли эканлиги тўғрисидаги ёзувлар амалда титул функциясини ўташи ва ўз-ўзидан субъектда исталган вақтда қайд этилган рақамли актив билан шартланган моддий

пулларга нисбатан рақамли ҳуқуқлар мавжудлигини англамайди. Рақамли активни моддийлаштириш учун пуллик талабни тақдим этиш керак. Рақамли актив эгасини ахборот тизими доирасида тузилган битим иштирокчисига нисбатан кредитор ёки қарздор деб тахмин қилиш мумкин.

Яна бир жиҳатга эътибор қаратиш зарур. Рақамли актив қимматли қоғозлар эмиссияси, нодавлат акциядорлик жамиятининг устав капиталида иштирок этиш билан боғлиқ ҳуқуқларнинг ифодаси ҳам бўлиши мумкин. Ушбу ҳолат корпоратив ҳуқуқ фани учун янгилик саналади. Акциядорлик жамиятининг устав капиталига киритиш мумкин бўлган бадалнинг аввалроқ мустаҳкамланган рўйхатини тўлдиради. Таъкидлаш керакки, амалиётда жамиятнинг устав капиталига рақамли валютани киритиш ҳолатлари бугунги кунда хорижий давлатларда кенг тарқалмоқда.

Н.С.Александрованинг қуйидаги фикрларига тўлиқ қўшилиш мумкин: “Рақамли валюта – бу тўлов воситаси сифатида қабул қилиниши мумкин бўлган ва унинг мулкдорлари олдида жавобгар бўлган шахс мавжуд бўлмаган электрон маълумотлардан иборат” [7, Б.28-31]. Биз бу тушунчанинг ноаниқлигини қайд этишга мажбурмиз. Қонунчиликда ундан тўлов воситаси сифатида фойдаланиш имкониятини тан олиш рақамли валютани пул тушунчасига яқинлаштириши табиий. Қайд этиш зарурки, қонуний тўлов воситалари доирасини белгилаш давлатнинг мутлақ ваколати ҳисобланади. Бу масалалар оммавий-ҳуқуқий тартиб доирасида кўриб чиқиладиган муаммо саналиб, давлатнинг пул-кредит тизимида жиддий таъсир кўрсатади.

Шу боис ҳам, тарихда пул тизими устидан давлат назорати фақат танга зарб қилиш монополияси ва фуқароларнинг улардан қонуний тўлов воситаси сифатида фойдаланиш мажбурияти ўрнатилиши натижасида юзага келган [8, Б.16].

Бундан ташқари, “рақамли валюта” таърифининг ўзи, аниқроғи, унда Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 95-моддасида “Валюта қимматликлари деб ҳисобланадиган мол-мулк турлари ва улар хусусида битимлар тузиш тартиби қонун билан белгилаб қўйилади. Валюта қимматликларига мулк ҳуқуқи умумий асосларда ҳимоя қилинади”, деб белгиланган “рақамли валюта”ни валюта қимматликлари сифатида баҳолашга фундаментал асос саналади.

Кўриб турганимиздек, рақамли актив тушунчаси пуллик талаблар ва эмиссия қоғозлари билан боғлиқ бўлиб, рақамли активнинг ўзи ҳам ахборот тизими иштирокчилари ўртасида айирбошлаш жараёни билан боғлиқ бўлиши мумкин. Иштирокчилар тўғрисидаги маълумотлар ахборот тизими реестрида мавжуд бўлиб, бу мажбуриятга эга шахсни аниқлаш имконини беради. Рақамли валюта эса мулкӣ категория бўлиб, бунда мажбуриятга эга шахс мавжуд бўлмайди.

Рақамли валюта муомаласи имконияти мустаҳкамланганига қарамай, қонун чиқарувчи томонидан бундай муомала тамойиллари ва асосий мезонлари белгиланмаган. Рақамли валюта муомаласи билан боғлиқ талабларни суд орқали ҳимоя қилиш фақат бундай валютанинг мавжудлиги декларация қилинган тақдирда бўлиши мумкин.

Назаримизда, рақамли валютани тартибга солишда қайд этилган ҳавотирлар рақамли муҳит тушунчалари етарлича назарий ишлаб чиқилмаганлиги, шунингдек, рақамли валюта муомаласини давлат томонидан қай даражада тартибга солиниши мумкинлиги бўйича халқаро тажриба мавҳумлиги билан боғлиқ.

3. <http://test.ssla.ru/dissertation/referats/29-03-2017-1r.pdf>
4. См.: Химичев В.А. Защита прав кредиторов при банкротстве. С. 28. Определение ВАС РФ от 06.10.2010 № ВАС-10254/10 по делу № А45-808/2009 // [Электронный ресурс]: СПС «КонсультантПлюс»
5. Егоров А.В. Дело «Арбитражный управляющий Гончаров В.П. к учредителям ООО «Промагротрейд»» о взыскании расходов по делу о банкротстве» (постановление от 23.01. 2007 № 10898/06) // Правовые позиции Президиума Высшего арбитражного суда Российской Федерации: избранные постановления за 2007 год с комментариями / под ред. А.А. Иванова. М., 2012.
6. См. часть вторую статьи 34 Закона «Об обществах с ограниченной и дополнительной ответственностью»
7. Магисторская работа М.Саидова УДК:346.2(043.3)(575.1)
8. Экономическое дело Ташкентского межрайонного экономического суда за № 4-1001-2015/19184
9. <https://udmurtiya.arbitr.ru/about/press/reliz/3>
10. Определение Верховного суда Российской Федерации от 20.10.2017 г. № 305-ЭС17-14803 [Электронный ресурс]//URL https://kad.arbitr.ru/PdfDocument/56e96227-cf47-447b-8d5a-2339362cc72c_/04364576-2829-4419-a687-c69decf09460/A40-90675-2016_20171020_Opredelenie.pdf Постановление Арбитражного суда Московского округа от 12.07.2017 г. по делу № А40-90675/16 [Электронный ресурс] // Режим доступа URL https://kad.arbitr.ru/PdfDocument/56e96227-cf47-447b-8d5a-2339362cc72c_/b31fd74a-de92-4b66_-979b-26d6fe68e162/A40-90675-2016_20170712_Reshenija_i_postanovlenija.pdf;
11. Статистические данные 2021 года и 9 месяцев 2022 года судебной коллегии по экономическим делам Ташкентского городского суда
12. <https://pravo.by/document/?guid=3871&p0=h11200415> – Национальный правовой Интернет-портал Республики Беларусь
13. <https://zakonobankrotstverf.ru/glava-7/statya-148>

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

БОЗАРОВ Сардор Сохибжонович

Тошкент давлат юридик университети Халқаро хусусий ҳуқуқ кафедраси
профессори в.б. юридик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент.
Email: Sardor_bazarov1980@mail.ru

СУНЬИЙ ИНТЕЛЛЕКТ СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ДОИРАСИДАГИ АХЛОҚИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ ТУСДАГИ МАСАЛАЛАР

For citation (иқтибос келтириш учун, для цитирования): БОЗАРОВ С.С.
Сунъий интеллект соҳасини ривожлантириш доирасидаги ахлоқий ва ҳуқуқий
тусдаги саволлар ва муаммолар // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer
herald. № 5 (2022) Б. 84-89.

 5 (2022) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2022-5-18>

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада сунъий интеллектни тартибга солишдаги ҳуқуқий асосларни ривожлантириш тенденцияларни, мазкур соҳадаги ахлоқий масалаларни илмий жиҳатдан англаш учун ҳаракатлар амалга оширилган, ҳамда хорижий ҳуқуқий тизимларнинг қиёсий таҳлили ўтказилган бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг миллий манфаатларини ҳисобга олган ҳолда мавжуд муаммолар ва ечимлар илгари сурилган.

Калит сўзлар: сунъий интеллект, одоб-ахлоқ, сунъий интеллект даври ҳуқуқи.

БОЗАРОВ Сардор Сохибжонович

и.о. профессора кафедры Международного частного права Ташкентского
государственного юридического университета, доктор философии по
юридическим наукам (PhD), доцент.
Email: Sardor_bazarov1980@mail.ru

ВОПРОСЫ МОРАЛЬНО-ЭТИЧЕСКОГО И ПРАВОВОГО ХАРАКТЕРА В РАМКАХ РАЗВИТИЯ ИСКУССТВЕННОГО ИНТЕЛЛЕКТА

АННОТАЦИЯ

В настоящей статье предпринята попытка научного осмысления тенденций развития правовых рамок регулирования искусственного интеллекта, вопросов этического характера, проведен компаративный анализ зарубежных правовых порядков, а также выдвинуты существующие проблемы и пути их решения с учетом национальных интересов Республики Узбекистан.

Ключевые слова: искусственный интеллект, этика, право в эпоху искусственного интеллекта.

BOZAROV Sardor SohijonovichActing Professor of International Private Law Department of Tashkent State University of Law, Doctor of Philosophy (PhD) in Law, Associate professor
Email: Sardor_bazarov1980@mail.ru**QUESTIONS AND PROBLEMS OF MORAL, ETHICAL AND LEGAL NATURE IN THE FRAMEWORK OF THE DEVELOPMENT OF ARTIFICIAL INTELLIGENCE****ANNOTATION**

In this article, an attempt is made to scientifically comprehend the trends in the development of the legal framework for the regulation of artificial intelligence, ethical issues, as well as a comparative analysis of foreign legal systems is carried out, and existing problems and solutions are put forward taking into account the national interests of the Republic of Uzbekistan.

Keywords: artificial intelligence, ethics, law in the era of artificial intelligence.

Этика и право в современном обществе тесно связаны, и многие правовые вопросы вытекают из толкования некоторых этических проблем. Вместе с тем, возникновение искусственного интеллекта (ИИ) ставит еще более сложные этические вопросы. Это связано с тем, что системы на базе ИИ становятся все более автономны в аспекте решения сложных задач, возникает проблема этической оценки их потенциального влияния на мир, уменьшения способности людей осознавать, предвидеть и контролировать их работу, поскольку ИИ учатся на собственном опыте и вполне могут в будущем совершать действия, о которых их разработчики даже не предполагали.

Это порождает ряд этических и правовых вопросов, о которых пойдет речь в данной статье.

Этика и искусственный интеллект. Существует знаменитый мысленный эксперимент, известный как проблема троллейбуса. Это поднимает ряд важных этических вопросов, которые имеют прямое отношение к ИИ. Представьте себе троллейбус, мчащийся по своим рельсам, и к этим рельсам привязаны пять человек. Вы стоите рядом с рычагом, который поворачивает переключатель, и троллейбус будет перенаправлен на другой путь, где к рельсам привязан лишь один человек. Вы нажмете на рычаг?

Однозначного ответа на этот вопрос нет. Более того, существует множество вариантов ситуации, когда такое решение должно быть принято. И разные социальные группы, как правило, дают разные ответы. Например, буддийские монахи в подавляющем большинстве готовы пожертвовать жизнью одного человека, чтобы спасти пятерых других, даже в более сложной версии проблемы.

То касается искусственного интеллекта, то такая ситуация может возникнуть, например, с самоуправляемыми транспортными средствами, когда авария на дороге неизбежна. Таким образом, возникает вопрос о том, чьи жизни должны быть приоритетными – жизни пассажиров, пешеходов или ни тех, ни других. Массачусетский технологический институт (MIT) создал специальный веб-сайт, где пользователи могут испытать различные сценарии и решить, что делать в той или иной ситуации.

Возникает вопрос: какие действия допустимы с юридической точки зрения? Каковы критерии выбора? И кто в конечном счете должен нести ответственность? Некоторые компании уже предложили свое видение решения проблемы. Так, Mercedes объявила, что их автомобили будут уделять приоритетное внимание жизни пассажиров. Однако, Федеральное министерство транспорта и цифровой инфраструктуры Германии, заявило, что подобное одностороннее решение вопроса

было бы незаконным и производитель автомобилей несет ответственность за любые травмы или гибель людей.

В Китае система ИИ используется в сфере социальной поддержки и кредитования, ИИ оценивает каждого гражданина в зависимости от уровня его законопослушности, социальной полезности и др. Следовательно, лица, у которых низкие рейтинги, могут столкнуться с социальными проблемами. Где гарантии того, что не будет введен закон, принуждающий производителей беспилотных транспортных средств с ИИ приносить в жертву жизни граждан с низким социальным рейтингом в случае неизбежности аварии? Технологии распознавания лиц и доступ к соответствующим базам данных позволят в считанные мгновения оценить рейтинги потенциальных жертв и сделать соответствующий выбор.

Основные проблемы права в сфере этики ИИ

Правовые проблемы еще глубже, когда речь идет о роботах. Система, обучаемая в ходе получения информации из внешнего мира, может работать не так, как думали ее создатели, а прогнозируемость имеет первостепенную важность для современного права в сфере ИИ [1, С. 245]. Помимо этого, эти системы ИИ могут функционировать совершенно независимо от разработчиков и операторов, что определенно усложняет задачу идентификации адресата (субъекта) юридической ответственности. Подобные характеристики порождают непредсказуемость и независимость робототехники, что мешает в вопросе регламентации юридической ответственности.

Мы рассматриваем искусственный интеллект как систему, обладающую следующими признаками: способностью воспринимать информацию, автономностью работы без участия человека; способностью самостоятельно совершенствоваться, обучаться; способностью к анализу, обобщению информации, собственного опыта; способностью самостоятельно принимать решения и исполнять их; способностью адаптироваться к внешней среде. Данные признаки нашли отражение во множестве работ, посвящённых искусственному интеллекту [2, 3, 4, 5, 6, 7].

Прежде всего, отметим, что ответ на вопрос о правовом статусе искусственного интеллекта зависит от множества переменных, главной из которых является степень автономности интеллектуальных систем, уровень их развития [3, С. 96]. В целом, необходимость признания за интеллектуальными системами правового статуса на определённом этапе его развития поддерживается множеством авторов [6, 7].

При этом существует несколько вариантов определения их правового статуса и соответственно ответственности.

Первый вариант. Технологии ИИ, могут быть признаны как авторские права или как собственность. Однако в этом аспекте есть сложности, связанные со способностью ИИ действовать независимо от воли правообладателя, при этом неизбежно могут возникнуть вопросы идентификации авторского права на произведение, созданное роботом.

Второй вариант. Предлагается применять в отношении ИИ нормы, регулирующие особый вид собственности, а именно животных, также способных к автономному поведению. В национальном законодательстве к животным применяются общие правила об имуществе (ст. 93 ГК РУз), поэтому ответственность наступает в соответствии с нормами ГК по общим основаниям ответственности за причинение вреда: вопрос ответственности, таким образом, подпадает под действие статьи 985 ГК: вред, причиненный личности или имуществу физического лица, подлежит полному возмещению лицом, причинившим вред, под которым здесь понимается собственник (эксплуататор) робота.

Третий вариант. Широко распространено мнение применять к системам ИИ правила касательно юридических лиц. Юридическое лицо — это искусственно созданный субъект права, следовательно схожий статус может быть и у робота, который также имеет искусственную природу.

К слову, на сегодняшний день есть примеры необычных объектов, признанных юридическими лицами, например, в 2000 году Верховным судом Индии главное священное писание сикхов Гуру Грантх Сахиб признано «юридическим лицом» [8].

Между тем, правовые системы многих стран предусматривают ответственность юридических лиц по гражданским, а в некоторых случаях и по уголовным законам. При этом, закон обходит вопросы наличия у юридического лица умысла или свободы воли, возлагая на них ответственность за собственные действия.

Тем не менее, на наш взгляд, аналогия ИИ с юридическим лицом не подходит. Как известно, действия юридических лиц всегда решаются волей одного лица или группы лиц, стоящих во главе этого предприятия (фирмы), иначе говоря, ответственность фирмы связана с работой их представителя или работника. Поэтому, например, юридические лица привлекаются к уголовной ответственности только если физическое лицо, совершило противоправное деяние от имени юридического лица [9].

Таким образом, если подходить к этому вопросу с позиций управляемости, то можно видеть, что действия систем ИИ не связаны напрямую с действиями человека.

Четвертый вариант. К системам ИИ могут применяться нормы касательно источника повышенной опасности. Согласно части первой статьи 999 Гражданского кодекса Республики Узбекистан, юридические и физические лица, деятельность которых связана с повышенной опасностью для окружающего населения (использование транспортных средств, механизмов и т.д.), обязаны возместить ущерб, причиненный источником повышенной опасности, если они не докажут, что ущерб был результатом форс-мажорных обстоятельств или по умыслу пострадавшего лица. Проблема заключается в определении того, какие ИИ можно считать источниками повышенной опасности.

Национально-правовое и международно-правовое регулирование

Многие страны сейчас активно создают правовые условия для развития технологий, использующих искусственный интеллект. Например, в Южной Корее с 2008 года действует «Закон о содействии распространению интеллектуальных роботов». Закон направлен на улучшение качества жизни и развитие экономики путем создания и продвижения стратегии устойчивого развития индустрии интеллектуальных роботов. Каждые пять лет правительство разрабатывает базовый план для обеспечения достижения этих целей.

В 2018 г. во Франции принята национальная стратегия в области искусственного интеллекта [10]. Франция в течение следующих пяти лет планирует инвестировать 1,5 млрд евро на поддержку систем ИИ. Стратегия основана на рекомендациях члена Национальной ассамблеи Седрика Виллани, известного математика и теоретика в сфере ИИ. Стратегия сосредоточена на четырех конкретных секторах: здравоохранение, транспорт, окружающая среда и оборона. Цель состоит в уделении особого внимания секторам, где компании могут играть ключевую глобальную роль; при этом обращается внимание также на значимость технологий для общественных интересов и т. д.

Европейский Союз

Принятие Европейским парламентом Резолюции 2017 г. о нормах гражданского права, касающихся робототехники, стало первым шагом к регулированию искусственного интеллекта [11]. Еще в 2015 году была создана Рабочая группа по правовым вопросам в сфере робототехники и искусственного интеллекта в ЕС. Резолюция не имеет обязательной силы, но предлагает Европейской комиссии набор рекомендаций для возможных действий в сфере искусственного интеллекта. разведки не только в отношении гражданского права, но и в отношении этических аспектов робототехники.

Резолюция признает «интеллектуального» робота как робота, который приобретает «автономию с помощью датчиков и / или путем обмена данными с

окружающей средой»; у него есть «хотя бы незначительная физическая поддержка»; возможность адаптации «своего поведения и действий к окружающей среде»; он не «жизнеспособен в биологическом смысле».

Согласно акту, будет введена «комплексная система регистрации передовых роботов», управляемая Агентством ЕС по робототехнике и искусственному интеллекту. Это Агентство будет также проводить техническую, этическую и нормативную оценку робототехники.

В части ответственности предлагается два решения: либо строгая ответственность (при отсутствии вины), либо риск-менеджмент (ответственность лица, которое могло минимизировать риски). Ответственность, согласно документу, «должна быть соразмерна фактическому уровню инструкции, данной конкретному роботу, и степени его автономности». Правила ответственности могут быть дополнены системой обязательного страхования пользователей роботов и компенсационным фондом для выплаты компенсаций в случае, если страховой полис не покрывает ущерб, причиненный роботом.

Резолюция предусматривает Кодекс этического поведения инженеров-робототехников, который состоит из четырех принципов:

- 1) Благодеяние – действие в интересах людей;
- 2) Отсутствие злого умысла – доктрина «не навреди», согласно которой роботы не должны причинять вред человеку;
- 3) Автономность – способность принимать осознанные, ненасильственные решения об условиях взаимодействия с роботами;
- 4) Справедливость – справедливое распределение преимуществ, связанных с робототехникой, и, в частности, доступность домашних и медицинских роботов.

Среди этических проблем, можно выделить еще один – закрытость систем ИИ. Действительно, алгоритмы, заложенные в ИИ, как правило, собственность компании – разработчика, часто являются коммерческой тайной.

Между тем, это порождает большие проблемы нравственного характера, поскольку алгоритмы могут быть предвзяты, уже с учетом заложенного в них объема данных. При этом, в ходе самообучения они могут неверно воспринять существующие в обществе стереотипы. К примеру, в США обвиняемый был приговорен к длительному тюремному заключению на основании информации, полученной с помощью алгоритма, предсказывающего вероятность рецидива преступления [12]. Жалоба подсудимого на использование алгоритма ИИ в процессе вынесения приговора была отклонена, поскольку критерии, используемые для оценки возможности рецидива преступления, были закрыты.

Республика Узбекистан

В нашей стране Постановлением Кабинета Министров № 717 от 29 ноября 2021 года утверждено Положение об организации и функционировании Особого режима поддержки технологий искусственного интеллекта.

Этот документ направлен, прежде всего, на развитие экспериментальных и инновационных исследований и создание соответствующей правовой базы для обеспечения качественного правового регулирования. Как отмечается в документе, особый режим является отдельным элементом Технологического парка программных продуктов и информационных технологий (ИТ-Парка), участники которого являются резидентами ИТ-Парка и осуществляют свою деятельность по принципу экстерриториальности.

На наш взгляд, можно с уверенностью констатировать, что начата реализация эффективного плана и механизма развития использования искусственного интеллекта и машинного обучения в Республике Узбекистан.

Заключение

На наш взгляд, нет никаких фундаментальных причин, по которым автономные

системы не могут быть юридически ответственными за свою деятельность. Однако пока нерешен вопрос целесообразности внедрения нормативно такой ответственности (по крайней мере, на сегодняшний день). Это связано, в том числе, с рассмотренными некоторыми этическими проблемами. Полагаем, что на сегодняшнем уровне развития ответственность за действия ИИ должна быть возложена на программистов или пользователей автономных систем. Хотя, стоит признать, что существует риск замедления внедрения инноваций. Поэтому нам следует продолжать искать баланс между пользой от внедрения систем с ИИ и возможными рисками.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Гулямов С.С., Рустамбеков И.Р. Актуальные проблемы совершенствования гражданско-правового регулирования в условиях цифровизации и углубления рыночных реформ: современное состояние гражданского законодательства государств-участников Евразийского экономического союза и приоритеты его совершенствования. Материал I Республиканской научно-технической конференции. – Т., 2022. // https://inlibrary.uz/index.php/industry_4/article/view/3566/3694
2. Васильев А.А., Шпоппер Д., Матаева М.Х. Термин «искусственный интеллект» в российском праве: доктринальный анализ // Юрислингвистика. – 2018. – №7-8. – С. 35-44;
3. Понкин А.В., Редькина А.И. Искусственный интеллект с точки зрения права // Вестник РУДН. Сер.: Юридические науки. – 2018. – № 1. – С. 91-109.
4. Морхат П.М. Искусственный интеллект: правовой взгляд. – М.: БукиВеди, 2017. – 257 с;
5. Малышкин А.В. Интегрирование искусственного интеллекта в общественную жизнь: некоторые этические и правовые проблемы // Вестник СПбГУ. Право. – 2019. – Т. 10. – № 3. – С. 444-460;
6. Eidenmueller H. The Rise of Robots and the Law of Humans [Электронный ресурс] // Oxford Legal Studies Research Paper. – 2017. – No 27. – Режим доступа: <http://ssrn.com/abstract=2941001> or <http://dx.doi.org/10.2139/ssrn.2941001> (дата обращения 01.05.2020).
7. Wein L. The Responsibility of Intelligent Artifacts: Toward an Automation Jurisprudence // Harvard Journal of Law & Technology. – 1992. – Vol. 6. – Fall Issue. – Pp. 103–154
8. <https://www.thehindu.com/2000/04/03/stories/0103005.htm>
9. Khanna V. Corporate criminal liability: what purposes does it serve? // Harvard Law Review. 1996. No. 109. P 1477-1534
10. <https://www.aiforhumanity.fr>
11. <https://www.nytimes.com/2016/06/23/us/backlash-in-wisconsin>
12. <http://www.europarl.europa.eu/sides/getDoc.do?pubRef=-//EP//TEXT+TA+P8-TA-2017-0051+0+DOC+XML+V0//EN>
13. Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан «Об утверждении положения об организации специального режима поддержки технологий искусственного интеллекта и порядка его деятельности» № 717 от 29 ноября 2021 года // <http://old.lex.uz/docs/5746496>
14. Рустамбеков И.Р., Гулямов С.С. (2021). Искусственный интеллект – современное требование в развитии общества и государства. – 11 с. // <https://gulyamov.org/index.php/said/preprint/view/82>

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

ЖИНОЯТ ҲУҚУҚИ, ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ. КРИМИНОЛОГИЯ. ЖИНОЯТ-ИЖРОИЯ ҲУҚУҚИ

САИДБЕКОВ Бобурбек Рустамбекович
Адлия вазирлиги бўлим бошлиғи
E-mail: b.saidbekov@adliya.uz

ЖИНОЯТ ҚОНУНЧИЛИГИДА ХУСУСИЙ МУЛК МУҲОФАЗАСИ ВА ХАБЕАС КОРПУС ИНСТИТУТИ ДОИРАСИДА МУЛКИЙ ҲУҚУҚЛАРНИ ҲИМОЯЛАШ МАСАЛАЛАРИ

For citation (иқтибос келтириш учун, для цитирования): САИДБЕКОВ Б.Р.
Жиноят қонунчилигида хусусий мулк муҳофазаси ва Habeas корпус институти доирасида мулкий ҳуқуқларни ҳимоялаш масалалари // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 5 (2022) Б. 90-96.

 5 (2022) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2022-5-11>

АННОТАЦИЯ

Эркинлик билан биргаликда хусусий мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва тасарруф этиш инсоннинг энг фундаментал ҳуқуқларидан бири саналади. Ушбу нуқтаи назардан хусусий мулк муҳофазаси давлат олдида турган энг муҳим ва кечиктириб бўлмайдиган вазифаларидан бири. Мақолада хусусий мулк ҳуқуқини бузганлик учун жиноий ва маъмурий жавобгарлик масалалари, зарурий мудофаа институти доирасида мулкий ҳуқуқларни ҳимоялаш ҳамда Habeas корпус институти элементи сифатида мол-мулкни хатлаш тўғрисидаги қарорларни судда кўриб чиқиш тартиби муҳокама қилинади.

Калит сўзлар: хусусий мулк, зарурий мудофаа, жиноий ва маъмурий жавобгарлик, табиий ҳуқуқлар, Habeas корпус, суд тизими, мол-мулкни хатлаш, дахлсизлик.

САИДБЕКОВ Бобурбек Рустамбекович
Начальник отдела Министерство юстиции
E-mail: b.saidbekov@adliya.uz

ЗАЩИТА ЧАСТНОЙ СОБСТВЕННОСТИ В УГОЛОВНОМ ПРАВЕ И ЗАЩИТА ПРАВ СОБСТВЕННОСТИ В РАМКАХ ИНСТИТУТА ХАБЕАС КОРПУС

АННОТАЦИЯ

Наряду со свободой владения, пользования и распоряжения частной

собственностью является одним из фундаментальных прав человека. С этой точки зрения защита частной собственности является одной из важнейших и актуальных задач, стоящих перед государством. В статье рассматриваются вопросы уголовной и административной ответственности за нарушение права частной собственности, защиты прав собственности в рамках института необходимой обороны, а также порядка судебного пересмотра решений об аресте имущества как элемента института habeas corpus.

Ключевые слова: частная собственность, необходимая оборона, уголовная и административная ответственность, естественные права, Habeas corpus, судебная система, арест имущества, неприкосновенность.

SAIDBEKOV Boburbek

Head of Department of the Ministry of Justice

E-mail: b.saidbekov@adliya.uz

PROTECTION OF PRIVATE PROPERTY IN CRIMINAL LAW AND DEFENCE OF PROPERTY RIGHTS IN THE FRAMEWORK OF THE HABEAS CORPUS INSTITUTE

ANNOTATION

Along with freedom, possession, use and disposal of private property is one of the fundamental human rights. From this point of view, the protection of private property is one of the most important and urgent tasks facing the state. The article deals with the issues of criminal and administrative liability for violation of the right to private property, protection of property rights within the framework of the institution of necessary defense, as well as the procedure for judicial review of decisions on the seizure of property as an element of the habeas corpus institution.

Keywords: private property, necessary defense, criminal and administrative liability, natural rights, habeas corpus, judicial system, seizure of property, inviolability.

Давлат ва ҳокимият пайдо бўлиши тўғрисида энг асосий назариялардан бири **“Ижтимоий шартнома назарияси”** ҳисобланади. Ижтимоий шартнома шуни назарда тутадиги, одамлар ўз суверен ҳуқуқларидан давлат фойдасига воз кечишади, бунинг эвазига эса улар ўз ҳуқуқ ва манфаатларини, унинг воситачилигида амалга оширади. Ижтимоий шартноманинг батафсил назариясини баён қилган биринчи файласуф **Томас Гоббс** (1588-1679) саналади. Гоббснинг фикрича, инсонларнинг **“табiiй ҳолат”**даги ҳаёти “ёлғиз, йўқсил, ёқимсиз, шафқатсиз ва қисқа”. Бу шахсий манфаат, ҳуқуқ ва келишув мавжуд бўлмаган, жамият ривожига тўсқинлик қиладиган ҳолат эди. Бунда ҳаёт анархик (бошбошдоқ) – назоратдан ва суверенитетдан холи бўлган. Бундай ҳолатда одамлар сиёсатдан ташқарида ва ғайриижтимоий бўлган. Бу эса ижтимоий шартноманинг пайдо бўлишида замин ҳозирлади. Гоббс ижтимоий шартнома тузилишидан кўзланган асосий мақсад сифатида хавфсизликни кўрсатади [1]. Яъни кишилар хавфсизлик эвазига ўз эркини давлат ихтиёрига топширади. Ўз навбатида, давлат инсонларнинг “табiiй ҳуқуқлар”ини руёбга чиқариш учун ҳам керак эди [2].

XVII асрнинг бошига келиб, **Гуго Гроций** (1583-1645) кишиларнинг **“табiiй ҳуқуқлар”**и тўғрисидаги замонавий ғояни илм-фанга киритди. Гроцкийнинг таъкидлашича, ҳар бир инсоннинг **табiiй ҳуқуқи, ўзини-ўзи сақлаш ҳуқуқи** мавжуд. Гроций жамиятнинг ахлоқий принципи учун оддий асосни, ҳар бир инсон қабул қилиши мумкин бўлган ўзига хос табiiй қонунни топишга интилган [3].

Унинг ғояларини ижтимоий шартнома концепцияси доирасида **Жон Локк** (1632-

1704) янада такомиллаштиради.

Жон Локк ва Гоббснинг ижтимоий шартнома назарияси тўғрисидаги қарашлари фарқ қилса-да, табиат ҳолатдаги одамлар осонгина бирлашиб, давлатни ташкил қилади, деган асосий ғоя сақланиб қолган. Локк Гоббсдан фарқли равишда табиат ҳолатидаги шахс ўз ҳаракатларида ахлоқий жиҳатдан унчалик чекланмаган, деб ҳисоблаган. Аммо одамлар бир-биридан қўрқиб яшашини тан олади. Локк шахслар у билан ягона давлатда яшаганларнинг ҳаёти, эркинлиги ва хусусий мулкка бўлган ҳуқуқларини ҳимоя қиладиган “**нейтрал суд тизими**”ни таъминловчи давлат тузишга рози бўлади, деб ҳисоблар эди. Локкнинг фикрича, давлат кишиларга ижтимоий шартнома концепциясига асосан эркинлик ва **хусусий мулк дахлсизлигини кафолатлаши** лозим [4]. Шу маънода эркинлик билан биргаликда хусусий мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва тасарруф этиш инсоннинг фундаментал ҳуқуқларидан бири саналади. Ушбу нуқтаи назардан хусусий мулк муҳофазаси давлат олдида турган энг муҳим ва кечиктириб бўлмайдиган вазифаларидан бири бўлиб қолмоқда.

Хусусий мулк – жисмоний ёки юридик шахснинг ёхуд улар гуруҳининг мулк объектига нисбатан қонун билан қўриқланадиган ҳуқуқини назарда тутувчи мулк шакллари билан саналади. Табиий ҳуқуқлардан бири бўлган хусусий мулк ҳуқуқи жамиятнинг барча сиёсий-иқтисодий тузилишлари марказида турган. Жумладан, иқтисодий жиҳатдан **либерализм** хусусий мулкнинг дахлсизлиги, тижорат ва тадбиркорликнинг эркинлиги тамойилларини илгари суради. **Капитализм** хусусий мулкка асосланган ишлаб чиқариш ва тақсимотнинг иқтисодий тизими саналади. **Социализм**да эса хусусий мулк буткул инкор этилиб, социалистик мулк иккига – давлат шаклидаги ва кооператив-колхоз шаклига ажратилади. Шунга қарамасдан, давлат ва жамият бошқарувидаги барча назариялар қайсидир шаклда ва ҳажмда хусусий мулк дахлсизлиги билан боғлиқ қоидаларни ўрнатади.

Шу боисдан, хусусий мулк муҳофазаси барча давр ва давлатларнинг энг муҳим ҳамда мураккаб масалаларидан бири бўлиб келмоқда. Шу жумладан Ўзбекистонда ҳам хусусий мулк ҳуқуқи дахлсизлигини таъминлаш бўйича барча ҳуқуқий асослар ва механизмлар яратилган. Конституциямиз ва бошқа қонунчилик ҳужжатларимиз мулк дахлсизлигини кафолатлайди ва уни ҳар қандай тажовуздан ҳимоя қилади.

Шунга қарамасдан ҳуқуқий ва ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи айрим қонунчилик ҳужжатларимиз ва улардаги эскирган қарашлар ёки ҳуқуқий бўшлиқлар хусусий мулк дахлсизлигини таъминлашни мураккаб жараёнга айлантиради. Шулар қаторида қуйидаги муаммоларни алоҳида кўрсатиб ўтиш мумкин:

Биринчидан, жиноят қонунчилигида мулкдор ўз мулкни ҳар қандай тажовуздан мустақил ҳимоя қилишга бўлган ҳуқуқи зарурий муҳофаа институти доирасида аниқ ва қатъий ифодаланмаган. Ривожланган давлатлар, хусусан, **Франция, Германия, Хитойда** эса зарурий муҳофаа ниюзага келтирадиган шартлардан бири сифатида мол-мулкка зарар етказилиши ёки нобуд қилиниш хавфининг мавжудлиги кўрсатилади. Шунингдек, **Сингапур** ва **Канада** қонунчилигида мол-мулкни ҳимоялашга бўлган ҳуқуқ алоҳида модда доирасида кўриб чиқилган бўлиб, ҳимояни амалга оширувчи шахс ўзининг эгалигидаги мол-мулкка ўғрилиқ, талончилик, бочқинчилик, баданга шикаст етказиш ёки бошқа турдаги жиноятни амалга ошириш мақсадида бошқалар томонидан кирилаётганлигини тахмин қилиш учун етарли асосга эга бўлса, бундай ҳаракатларни олдини олиш учун зарур ҳаракатлар доирасида мустақил ҳимоя қилиши мумкин.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, психологик жиҳатдан қараганда ҳам, **Зигмунд Фрейд** фикрига кўра, инсон руҳиятининг биринчи инстанцияси – Онгостини (ID) ташкил қилувчи майллардан бири сифатида овқат излаш инстинкти ва жинсий майл билан биргаликда ўзини ҳимоя қилишга интилиш инстинкти саналади [5]. Бунда ўзини ҳимоя қилиш ҳуқуқи нафақат инсоннинг ҳаёти ва соғлиги, балки унинг мол-мулкка ҳам тегишли.

Юқоридагиларга кўра, зарурий мудофаа институти доирасида мол-мулкни мустақил ҳимоялашга бўлган ҳуқуқни алоҳида эътироф этилиши унинг дахлсизлигини таъминлаш учун мустаҳкам асос яратади.

Иккинчидан, кўчмас мулк дахлсизлигини маъмурий жавобгарлик ва жиноий-ҳуқуқий механизмлар билан муҳофазалаш фақатгина турар жой билан чекланган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 45-моддасига асосан мансабдор бўлмаган шахс томонидан турар жойга унда истиқомат қилувчиларнинг хоҳиш-иродасига хилоф равишда ноқонуний тарзда кириш учун маъмурий жавобгарлик белгиланган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 142-моддасида турар жойга унда яшовчиларнинг эркига хилоф равишда зўрлик ишлатиб ғайриқонуний бостириб кириш жиноий жавобгарликка сабаб бўлиши назарда тутилган.

Аммо ушбу моддаларда турар жойдан ташқари бошқа кўчмас мулк объектлари, шу жумладан ер участкаси инobatга олинмаган. Бундан ташқари, турар жойга бўлган дахлсизлик ҳуқуқининг бузилиши учун жиноий жавобгарлик фақатгина мулкка зўрлик ишлатиб ғайриқонуний бостириб кирилгандагина вужудга келади. Бундай зўрликнинг йўқлиги жиноий жавобгарликни истисно этади.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, алоҳида норма билан муҳофазага олинмаганлигига қарамасдан Жиноят кодексининг қатор моддалари диспозициясида кўчмас мулк дахлсизлигининг бузилиши оғирлаштирувчи таркиб сифатида квалификация қилинади. Жумладан, Жиноят кодексининг 164, 166, 169-моддаларида уй-жойга, омборхона ёки бошқа биноларга ғайриқонуний равишда кирган ҳолда жиноят содир этганлик учун кучайтирилган жавобгарлик назарда тутилган.

Миллий жиноят қонунчилигимиз хорижий давлатлар қонунчилиги билан таққосланадиган бўлса, фарқли манзара кўзга ташланади. **Швеция** Жиноят кодексига асосан бошқа шахснинг турар жойига, хоҳ у хона, хоҳ уй, хоҳ ҳовли, хоҳ кема бўладими, қонунга хилоф равишда кирган ёки эгаллаган шахс турар жойдаги осойишталикни бузганлик учун жаримага тортилади [6]. Бунда зўрлик ишлатилиши диспозициянинг мажбурий шарти эмас. **Германия** жиноят қонунчилигига асосан квартирага, корхона биноларига ёки бошқа шахснинг мулкига ёки жамоат хизматлари ёки транспорт учун мўлжалланган ёпиқ биноларга қонунга хилоф равишда кириш ёки рухсатсиз бундай биноларда қолиш ва ундан чиқмаслик бир йилгача озодликдан маҳрум қилиш ёки жарима билан жазоланади [7].

Швециядан ташқари, Франция, Украина, Россия, Арманистон, Озарбайжон, Грузия, Қозоғистон, Қирғизистон, Хитой, Япония сингари давлатлари жиноят қонунчилиги кўчмас мулкка қонунсиз кириш, уни эгаллаб олишни турар жой, корхона ва жамоат бинолари доирасида муҳофаза қилса, **АҚШ, Канада, Финландия** ва **Сингапур** сингари давлатлар қонунчилигида турар – нотурар жой ёки ер участкаси эканлигидан қатъий назар жиноий равишда бостириб кириш учун жиноий жавобгарликни назарда туттади.

Мисол учун, **Сингапур** Жиноят кодексига кўра, жиноят содир этиш, қўрқитиш, ҳақоратлаш, безовта қилиш ниятида бошқа шахснинг мулкига ноқонуний кириш, агар жиноий нияти вужудга келганда ўша ерда бўлса, ундан чиқиб кетмаслик кўчмас мулк дахлсизлигига нисбатан жиноий тажовуз деб топилади [8]. **Канада** жиноят қонунчилигига асосан, жиноий қилмиш содир этиш ниятида исталган жойга бостириб кириш, жиноятнинг тугалланиши ёки тугалланмаслигидан қатъий назар кўчмас мулкка жиноий равишда кириш учун жавобгарликка тортилади [9].

Учинчидан, жиноят-процессуал қонунчилигида айбланувчи, судланувчи ва фуқаровий жавобгарга тегишли мол-мулкни хатлаш билан боғлиқ қоидалар хусусий мулк дахлсизлиги борасидаги замонавий тенденциялардан ортда қолмоқда.

Хусусан, амалдаги қонунчиликка кўра жиноят иши доирасида мол-мулкни **хатлаб қўйиш** (“арест”) **учун суриштирувчи ёки терговчининг қарори етарли** ҳисобланади [10].

Адлия вазирлиги маълумотларига кўра, сўнгги **2,5 йилга** (01.01.2020 – 30.06.2022 йй.) назар ташлайдиган бўлсак, гумон қилинувчи, айбланувчи ва фуқаровий жавобгарларга тегишли **1,5 трлн сўмлик 5 144 та мол-мулк** судгача бўлган босқичда **хатлаб қўйилган**. Шундан **516 млрд сўмлик 525 та мол-мулк** ҳозирга қадар **хатловда турибди**.

Ўз навбатида, мазкур тартиб жинойт процессида гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи ва фуқаровий жавобгар мол-мулкнинг дахлсизлигини етарли даражада кафолатламайди.

Ушбу ваколатнинг суриштирувчи ёки терговчига берилиши уларнинг дискрециясини кенгайтиради ва айрим ҳолатларда коррупциявий ҳолатларни келтириб чиқариши мумкин. Мисол учун, мазкур ваколат терговни амалга ошираётган шахсга жинойт иши доирасида етказилган зарар миқдоридан қиймати юқори бўлган мол-мулкни хатлаш ёки моддий манфаатдорлик эвазига хатланиши лозим бўлган мулкларни яширишга имкон яратиб беради.

Гумон қилинувчи ва айбланувчининг банк ҳисоб варақаларини хатланиши эса ушбу шахсларни эркин даромад олиш ва уни тасарруф этиш имкониятларини чеклайди. Бу эса мулкий зарарнинг гумон қилинувчи, айбланувчига боғлиқ бўлмаган ҳолатда бартараф этиб бўлмаслиги туфайли уларга нисбатан рағбатлантирувчи нормаларнинг (етказилган зарар қопланганлиги учун жиноий жавобгарликдан, жазодан озод қилиш) қўлланилмаслигига олиб келади.

Хорижий тажрибага назар ташлайдиган бўлсак, жинойт процессида хусусий мулк дахлсизлиги билан боғлиқ масалалар **“Хабеас корпус”** (Habeas Corpus Act) институти доирасида тартибга солинган. Мазкур институт Англия миллий ҳуқуқ тизими элементи сифатида пайдо бўлган, сўнгра англо-саксон ҳуқуқий оиласининг бошқа мамлакатларига ҳам кириб борган. Ҳозирги кунда мазкур институт дунёнинг ҳамма қисмларида, энг аввало, англо-саксон ҳуқуқ тизимида ва Латин Америкаси мамлакатларида эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқининг конституциявий кафолати сифатида кенг тарқалган.

“Хабеас корпус” **инглиз жинойт-процессуал ҳуқуқи институти** бўлиб, шахс дахлсизлиги принципи билан чамбарчас боғлиқ саналади. Унга асосан жиноий таъқибга учраган **ҳар бир шахснинг адолатли суд муҳокамасига бўлган ҳуқуқи** кафолатланади. Бу атама 1679 йил 26 май куни Британия парламенти томонидан қабул қилинган ҳужжат – “Habeas Corpus Act” номидан олинган.

“Хабеас корпус” институтида асосий эътибор инсон ҳуқуқларини **суд орқали ҳимоя қилишга** қаратилади. Унда нафақат, шахсий дахлсизлик ҳуқуқи, шу билан биргаликда, хусусий мулк дахлсизлигини таъминлаш билан боғлиқ бир қатор нормалар ўрин эгаллаган. Жумладан, гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи ва фуқаровий жавобгарнинг **мол-мулкни хатлаш билан боғлиқ қарорлар судда кўриб чиқилиши лозим**. Яъни бунда шахсни қамоққа олишга, санкция бериш сингари, унинг мулкни хатлаб қўйиш ҳам судлар ваколатига берилган [11]. Халқаро тажрибага назар ташлайдиган бўлсак, англо-саксон ҳуқуқ тизимининг мазкур элементи романо-герман (қитъа) ҳуқуқий оиласи мамлакатлари миллий қонунчилигида ҳам ўз ифодасини топган.

Шу жумладан, **Германия** жинойт-процессуал қонунчилигига кўра кечиктириб бўлмайдиган ҳоллардан ташқари барча ҳолатда мол-мулкни хатлаш тўғрисида қарор чиқаришга фақатгина суд ваколатли саналади. **Франция** қонунчилигига асосан гумон қилинувчининг, айбланувчининг ёки уларнинг қилмишлари учун қонуний жавобгар бўлган шахслар мулкни хатлаш тўғрисидаги қарор терговни амалга оширувчи шахсларнинг илтимосномасига кўра суд томонидан чиқарилади [12]. Аналогик нормалар романо-герман (қитъа) ҳуқуқий оиласининг бошқа мамлакатлари, шу жумладан, собиқ Иттифоқ давлатлари – **Қозоғистон, Грузия, Озарбайжон** ва бошқа бир қатор давлатлар жинойт-процессуал қонунчилигида ўз ифодасини топган. Хусусан, **Қозоғистон** жинойт-процессуал қонунчилигига кўра мулкни хатлаш

зарурати туғилганда дастлабки терговни амалга оширувчи шахс гумон қилинувчининг ёки уларнинг қилмишлари учун қонуний жавобгар бўлган шахсларнинг мол-мулкни хатлаш тўғрисида судга ариза бериш тўғрисида қарор чиқаради [13]. Бунда мулкни хатлашга санкция бериш ҳуқуқи судьяга тегишли ҳисобланади. Бугунги кунда ушбу ҳужжат дунёнинг ҳамма қисмларида, энг аввало, англо-саксон ҳуқуқ тизимида ва Лотин Америкаси мамлакатларида эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқининг конституциявий кафолати сифатида кенг тарқалган.

Мазкур ўринда шуни таъкидлаш лозимки, 2022 йилнинг 24 августида Ўзбекистон Республикаси Президентининг хусусий мулк дахлсизлигини таъминлашга қаратилган “**Мулк ҳуқуқининг дахлсизлигини ишончли ҳимоя қилиш, мулкий муносабатларга асоссиз аралашувга йўл қўймаслик, хусусий мулкнинг капиталлашув даражасини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида**”ги ПФ–198-сон Фармони қабул қилинди. Фармон билан юқорида келтирилган муаммолар ва хусусий мулк ҳуқуқининг ишончли ҳимоясини таъминлашда тўсқинлик қилаётган бошқа тизимли камчиликларни бартараф этишга қаратилган бир қатор янги тартиб ва қоидалар белгиланди.

Жумладан, зарурий муҳофаа институти доирасида мулк дахлсизлиги кучайтирилди. Янги тартибларга кўра, мулкдор ёки унинг вакили ўз мулкни ҳар қандай тажовуздан ҳуқуқни бузишга мутаносиб равишда ва ҳуқуқ бузилишининг олдини олиш учун зарур ҳаракатлар доирасида ўзи ҳимоя қилиш ҳуқуқига эга бўлади. Бунда кўчар мулк ўзбошимчалик билан олиб қўйилганда мулкдор таъқиб қилиш орқали уни қайтариб олиши, кўчмас мулкка нисбатан эса унга ўзбошимчалик билан кирган ёки эгаллаб олган шахсни чиқариб юбориш орқали эгаллигини тиклаши мумкин.

Шунингдек, хусусий мулк объекти ва у жойлашган ҳудудга мулкдорнинг руҳсатсиз кириш, бу ҳақда учинчи шахсларга кўрсатма бериш жиноий жавобгарликка тортишгача бўлган чоралар қўлланилишига асос бўлиши белгиланди.

Бундан ташқари, эндиликда жиноят қонунчилигимизда “Хабеас корпус” институти механизмлари кенгайтирилиб, суриштирувчи ва терговчининг гумон қилинувчи, айбланувчининг мол-мулкни хатлаш билан боғлиқ қарорларини судда кўриб чиқиш тартиби жорий қилинади [14].

Хулоса сифатида айтганда, эркинлик билан биргаликда хусусий мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва тасарруф этиш инсоннинг энг фундаментал ҳуқуқларидан бири саналади. Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигимизда мазкур ҳуқуқларнинг муҳофазани кучайтирилиши ҳамда “Хабеас корпус” институти механизмларини кенг жорий қилиниши давлатнинг хусусий мулк дахлсизлигини таъминлашга қаратилган муҳим ва кечиктириб бўлмайдиган вазифаларини амалда рўйбга чиқаришга хизмат қилади.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Thomas Hobbes. “Leviathan; or the Matter, Form, and Power of a Commonwealth, Ecclesiastical and Civil”, 1651. URL: <https://www.britannica.com/topic/Leviathan-by-Hobbes>
2. Celeste Friend. “Social Contract Theory”. Internet Encyclopedia of Philosophy, 2019.
3. Hugo Grotius, De jure belli ac pacis [On the Law of War and Peace]. 1625. URL: <https://www.britannica.com/topic/On-the-Law-of-War-and-Peace>
4. John Locke. Two Treatises of Government, 1689. URL: <https://scholar.harvard.edu/files/armitage/files/armitage-locke.pdf>
5. Зигмунд Фрейд, Введение в психоанализ. URL: <https://www.litres.ru/zigmund-freyd/vvedenie-v-psihoanaliz/chitat-onlayn/>
6. Уголовный кодекс Швеции. URL: http://www.sweden4rus.nu/rus/info/juridisk/ugolovnyj_kodeks_shvecii
7. Уголовно-процессуальный кодекс Федеративной Республики Германия –

Strafprozessordnung (StPO). URL: <https://publishup.uni-potsdam.de/opus4-ubp/frontdoor/deliver/index/docId/6039/file/sdrs02.pdf>

8. Уголовный кодекс Сингапур. URL: https://sso.agc.gov.sg/act/pc1871?ProvlDs=P44A-P4_104-#P44A-P4_104-

9. Уголовный кодекс Канады. URL: <https://laws-lois.justice.gc.ca/eng/acts/c-46/page-5.html#h-115853>

10. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 й., 2-сон. URL: <https://lex.uz/acts/111460>

11. Hurd R. A Treatise on the Right of personal liberty and on the writ of Habeas Corpus and the Practice connected with it. — Albany, 1876. IPR valuation checklist. URL: https://assets.publishing.service.gov.uk/government/uploads/system/uploads/attachment_data/file/385848/Intellectual_Property_Right_valuation_checklist.pdf

12. Уголовно-процессуальный кодекс Франции. URL: <https://constitutionallaw.ru/?p=910>

13. Уголовно-процессуальный кодекс Республики Казахстан от 4 июля 2014 года № 231-V (10.01.2022 г.). URL: https://online.zakon.kz/document/?doc_id=31575852#sub_id=0

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 24.08.2022 йилдаги ПФ-198-сон. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 25.08.2022 й., 06/22/198/0770-сон. URL: <https://lex.uz/docs/6171343>

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИ. КРИМИНАЛИСТИКА, ТЕЗКОР-ҚИДИРУВ ҲУҚУҚ ВА СУД ЭКСПЕРТИЗАСИ

ПОЛВОНОВ Нажмиддин Аслиддинович
Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси
Академияси мустақил изланувчиси
E-mail: najmi_1101@mail.ru

ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА МОЛ-МУЛКИ МУСОДАРА ҚИЛИНИШИ МУМКИН БЎЛГАН ШАХСЛАР ДОИРАСИ

For citation (иқтибос келтириш учун, для цитирования): ПОЛВОНОВ Н.А.
Жиноят процессида мол-мулки мусодара қилиниши мумкин бўлган шахслар доираси
// Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 5 (2022) Б. 97-102.

 5 (2022) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2022-5-12>

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада суд-ҳуқуқ ислохотларини амалга ошириш жараёнида жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилик нормалари асосида мусодара институти, мол-мулки мусодара қилинадиган шахслар доираси таҳлил этилган. Олимларнинг қарашлари ва илгари сурган ғояларидан келиб чиққан ҳолда, мол-мулки мусодара қилинадиган шахслар тоифаси илмий ва назарий жиҳатдан ўрганилди. Мақолада ҳуқуқшунос олимларнинг мол-мулки мусодара қилинадиган шахслар тоифаси бўйича берган фикрларини қиёсий таҳлил қилиш, уларнинг берган таърифларидаги тушунчаларни қонунчилигимизга асосан кўриб чиқиш орқали жиноят процессида мол-мулки мусодара қилинадиган шахслар тоифаси маълум мезонлар бўйича таснифланди. Таҳлил натижалари юзасидан, жиноят процессида мол-мулки мусодара қилинадиган шахслар тоифаси ва уларнинг ўзига хос жиҳатларидан келиб чиқиб, тегишли хулосалар берилди.

Калит сўзлар: мусодара, махсус мусодара, жазо, жиноят ҳуқуқи, жиноят-процессуал ҳуқуқи, моддий ҳуқуқ, процессуал ҳуқуқ, жиноятларнинг олдини олиш.

ПОЛВОНОВ Нажмиддин Аслиддинович
Независимый соискатель Академии
Генеральной прокуратуры Республики Узбекистан
E-mail: najmi_1101@mail.ru

КРУГ ЛИЦ, ИМУЩЕСТВО КОТОРОГО МОЖЕТ БЫТЬ КОНФИСКОВАНО В УГОЛОВНОМ ПРОЦЕССЕ

АННОТАЦИЯ

В статье анализируется институт конфискации и круг лиц, имущество которых конфискуется на основании норм уголовного и уголовно-процессуального законодательства в ходе реализации судебной реформы. На основе взглядов и передовых идей ученых с научно-теоретической точки зрения исследована категория лиц, имущество которых подлежит конфискации. В статье категория лиц, подлежащих конфискации имущества в уголовном процессе классифицирована по определенным признакам о категории лиц, подлежащих конфискации имущества, с учетом мнений ученых-правоведов, понятий в определениях на основе национального законодательства. По результатам анализа даны соответствующие выводы о конфискации имущества лиц и их особенностей в уголовном процессе.

Ключевые слова: конфискации, специальная конфискации, наказание, уголовное право, уголовно-процессуальное право, материальное право, процессуальное право, профилактика преступности.

POLVONOV NajmiddinIndependent Researcher, Academy of the General
Prosecutor's Office of the Republic of UzbekistanE-mail: najmi_1101@mail.ru**SCOPE OF INDIVIDUALS WHOSE PROPERTY COULD BE CONFISCATED IN
CRIMINAL PROCEEDINGS****ANNOTATION**

This article analyzes the institution of confiscation and the circle of persons whose property will be confiscated on the basis of the norms of criminal and criminal procedure legislation in the course of the implementation of judicial reform. Based on the views and ideas put forward by scientists, the category of persons whose property is subject to confiscation has been scientifically and theoretically investigated. The article carried out a classification according to certain criteria of the category of persons whose property is subject to confiscation in criminal proceedings, by a comparative analysis of the opinions of legal scholars on the category of persons subject to confiscation of property, as well as by considering the concepts in their definitions based on our legislation. According to the results of the analysis, the relevant conclusions are given based on the category of persons whose property will be confiscated in criminal proceedings and their characteristics.

Keywords: confiscation, special confiscation, punishment, criminal law, criminal procedural law, substantive law, procedural law, crime prevention.

Бугунги кунда жиноят ҳуқуқи ва жиноят процессуал ҳуқуқида мол-мулкни мусодара қилиш, унинг миқдорини аниқлаш, мол-мулкни мусодара қилинган шахслар доирасини аниқ белгилаш ҳамда хусусий мулк дахлсизлиги каби конституциявий принципдан келиб чиққан ҳолда мол-мулкни мусодара қилишда учинчи шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига зарар етказмаслик жиноят-ҳуқуқий сиёсатда устувор вазифалардан биридир.

2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг [1] иккинчи устувор йўналиши бўлмиш “Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш” соҳасида белгиланган устувор вазифалар қаторида жиноят қуроли ёки маъмурий ҳуқуқбузарлик предмети сифатида мулкдан фойдаланишда мулкдорнинг айби бўлмаган ҳолларда мулкни олиб қўйиш (вақтинчалик олиб қўйишдан ташқари) ва мусодара қилишни тақиқлаш назарда тутилган эди.

Мазкур Концепциянинг “Иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишлари” деб номланган учинчи йўналишида ҳам мулкдан жиноят ёки маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиш қуроли сифатида фойдаланишда мулкдорнинг айби бўлмаган ҳолларда мулкни мусодара қилиш ёки олиб қўйишни (вақтинчалик олиб қўйиш бундан мустасно) тақиқлаш белгиланди.

Эътибор берадиган бўлсак, жиноят ёки маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилишида айби бўлмаган шахсларнинг мол-мулкни мусодара қилмаслик масаласи давлат дастури сифатида битта норматив-ҳуқуқий ҳужжатда икки соҳанинг бош масалаларидан бири сифатида икки мартаба белгиланди.

Мол-мулкни мусодара қилиш жиноят-ҳуқуқий характердаги мажбурлов чораси бўлиб, жиноят содир этган шахснинг мулки бўлган объектларнинг ҳаммасини ёки уларнинг бир қисмини ҳақини тўламастик шарт билан мажбурий равишда давлат мулкига айлантиришдан иборат. Бу турли хил ҳуқуқ тизимларида жиноий жазо турлари тизимига киритилиши ёки жиноий-ҳуқуқий характердаги бошқа чора сифатида қаралиши мумкин.

Бугунги кунда жиноят-процессда мусодара қилинадиган мол-мулклар тоифасини, уларнинг келиб чиқиб манбалари ҳамда мол-мулкни мусодара қилинадиган шахслар доирасини тўғри аниқлаш муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Чунки уларнинг тўғри аниқланиши жиноят-процессуал қонунчилигининг вазифаларини, яъни жиноятларни тез ва тўла очишга, жиноят содир этган ҳар бир шахсга адолатли жазо берилиши ҳамда айби бўлмаган ҳеч бир шахс жавобгарликка тортилмаслигига ва ҳукм қилинмаслиги учун айбдорларни фош этишга ҳамда қонуннинг тўғри татбиқ этилишини таъминлашни амалга оширишга хизмат қилади.

Мол-мулкни мусодара қилинадиган шахслар доираси ҳамда уларнинг мол-мулкни аниқлаш ва ўрганиш замонавий юридик амалиёт талаблари билан чамбарчас боғлиқ. Мусодара қилиш ҳуқуқнинг бир қанча соҳаларида мавжудлиги билан изоҳланади. Чунки мол-мулкни мусодара қилиш жиноят, жиноят-процессуал, фуқаролик, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги қонунчиликда ҳам мавжуд бўлиб, ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларга нисбатан бир хил таъсир чорасининг турли хил ҳолатлар ва асосларда қўлланишини назарда тутлади.

Мол-мулкни мусодара қилишнинг процессуал жиҳатларини ўрганишда мусодара қилинадиган мол-мулк объектлари ҳамда мол-мулкни мусодара қилинадиган шахслар доирасини аниқлаш талаб этилади. мазкур масалада олимлар турли хил фикрларни илгари суришган.

Мисол учун айрим олимлар мусодара объектига қайси тоифадаги мулклар киришига қараб уни турларга бўлишни таклиф этади [2, Б.118].

Махсус мусодаранинг предмети жиноят содир этиш натижасида олинган, жиноятни тайёрлаш ва содир этиш (молиялаштириш) учун ишлатиладиган нарсалар, жиноят содир этиш қуроли, воситалари ва бошқа мулклар бўлиши мумкин [3, Б.107].

Бизнинг фикримизча, **мол-мулкни мусодара қилиш объектларига** қуйидагиларни киритиш мақсадга мувофиқ.

1) жиноят содир этиш натижасида олинган пул маблағлари ва бошқа мол-мулклар. Бунда ушбу мол-мулкдан фойдаланиш орқали олинган ҳар қандай фойда ёки даромадлар ҳам мусодара қилинадиган мол-мулк объектига киради.

2) жиноят содир этиш натижасида олинган пул маблағлари ва бошқа мол-мулк тўлиқ ёки қисман бошқа мол-мулкка айлантирилган ёхуд ўзгартирилган ёки қонуний манбалар ҳисобидан олинган мол-мулкка қўшилган пул маблағлар ва бошқа мол-мулк;

3) терроризмни, оммавий қирғин қуролини тарқатишни ёхуд жиноий гуруҳ ёки жиноий уюшмани молиялаштириш ёки бошқача тарзда таъминлаш учун мўлжалланган ёки фойдаланиладиган ҳар қандай кўринишдаги пул маблағлар ва бошқа мол-мулк;

4) жиноят содир этиш натижасида олинган пул маблағлари ва бошқа мол-

мулклар, улардан олинган даромадлар, ушбу мол-мулклар қисман ёки тўлиқ бошқа мол-мулкка айлантирилган пул маблағлар ва бошқа мол-мулклар жиноят содир этган шахс томонидан бошқа шахсларнинг эгалигига ўтказилган бўлса, ушбу мол-мулклар ҳам мусодара қилиниши лозим.

Шуни ҳам унутмаслик керакки, агарда мусодара объектига кирадиган мол-мулк бошқа мол-мулкка айлантирилган ёки қўшилган тақдирда мусодара қилиш қандай амалга оширилиши муаммоли ҳисобланади.

Бизнинг фикримизча, жиноят содир этиш натижасида олинган мол-мулк тўлиқ ёки қисман бошқа мол-мулкка айлантирилган ёхуд ўзгартирилган ёки қонуний манбалар ҳисобидан олинган мол-мулкка қўшилган ёки бошқа шахслар эгалигига ўтказилган бўлса, мусодара қилиш жиноят содир этиш натижасида олинган мол-мулк қисмига нисбатан қўлланилади. Бунда жиноятга алоқаси бўлмаган мол-мулк таркибига кирмаган барча тоифадаги пул маблағлари ва бошқа мол-мулклар қонуний эгасига қайтарилиши лозим.

Шунингдек, юқорида кўрсатилган мусодара объектларидан ташқари қуйидаги мол-мулкларни ҳам унинг объектларига киритиш мумкин:

1) мусодара қилинадиган мол-мулк ўрнига бошқа нарсани мусодара қилиш. Бунда мусодара қилинадиган мол-мулкка кирувчи муайян нарсани мусодара қилиш пайтида ундан фойдаланиш, сотиш ёки бошқа сабабларга кўра уни мусодара қилиш имконияти бўлмаса, ушбу нарса қийматига тенг бўлган миқдордаги пул мусодара қилиниши лозим.

Ушбу мол-мулк йўқлиги ёки нарсанинг ўрнига мусодара қилинадиган пул маблағ етарли бўлмаса, тегишли ваколатли орган мусодара қилинадиган мол-мулкнинг қийматига тенг бўлган бошқа мол-мулкни ёки ушбу мол-мулкнинг қийматидаги шунга ўхшаш мол-мулкни мусодара қилиши лозим.

2) бошқа шахснинг эгалигига ўтказилган мол-мулкни мусодара қилиш.

Мусодара қилинадиган мол-мулк бошқа шахснинг эгалигига ўтказилган бўлиши мумкин. Бундай ҳолатларда мол-мулк ўтказилган шахс ушбу мол-мулкни жиноят содир этиш натижасида олинганлигини билган ёки билиши мумкин бўлган бўлса, ушбу мол-мулк мусодара қилиниши лозим.

А.Д.Марчука ва А.В.Федулованинг фикрича, бошқаларда бўлган мулк фақат гумон қилинувчи ва айбланувчининг жиноий ҳаракатларидан орттирилганлиги хусусида далиллар бўлганида мусодара қилиниши керак бўлади [4, Б.327]. Ваҳоланки, гумон қилинувчининг ёки айбланувчининг кейинчалик ижрога қаратилиши мумкин бўлган мулки қонуний асосларга кўра ҳам бошқа шахс эгалигига ўтган бўлиши мумкин.

Айрим юридик адабиётларда шундай фикрлар илгари сурилди: шахс мулкнинг мулкдорига айланаётган пайтда шу мулкни бераётган, ҳадя қилаётган, сотаётган шахс бу мулкни қандай қўлга киритилганлигини билиш-билмаслигига қараб, ушбу мол-мулкларни мусодара қилиш хусусида фикрлар илгари сурилган эди [5, Б.277].

Бунда шахс жиноий йўл билан қўлга киритилган мулкнинг мулкдорига айланаётганлигини билса, яъни инсофсиз эгалловчи бўлса, ундаги мулк мусодара қилинади, аксинча бўлса, мол-мулк мусодара қилинмаслиги лозим.

Бундан ташқари, мусодара қилинадиган мол-мулк объектига кирадиган пул маблағлари ва бошқа мол-мулк учинчи шахсларга совға қилинган ёки сотилган бўлса, мол-мулкни мусодара қилиш вақтида ушбу мол-мулкни инсофли эгалловчига етказилган зарар қоплаб берилиши лозим.

Айрим муаллифлар эса, мусодара қилиш чораларининг энг кенг тарқалган объектлари қаторига коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни содир этиш қуроли ва воситаларини, уларни содир этишдан тушган (бевосита ёки билвосита, шунингдек, улардан тушган ҳар қандай кўринишдаги фойда) даромадларни ҳам киритишади. [6] Бизнинг фикримизча, гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчиларга тегишли бўлган

ва мусодара қилиниши лозим бўлган мол-мулк рўйхати қонун билан чегараланмаган.

Шунинг учун, коррупциявий жиноятларнинг предмети ва қуроли ҳисобланган ҳар қандай мол-мулк тегишли органлар томонидан мусодара қилиниши мумкин. Чет эл давлати ҳудудида жойлашган мол-мулк, халқаро шартнома асосида жиноят иши кўриб чиқиладиганда суд томонидан мусодара қилиниши мумкин. Пора ҳақида гапирадиган бўлсак, жиноятни содир этган шахс жиноятни очишга фаол ёрдам берган ва жиноий жавобгарликдан озод қилинган бўлса ҳам, берилган порани уни берган шахсга қайтариб бўлмайди.

Бундан ташқари, мол-мулкни мусодара қилишда мол-мулки мусодара қилинадиган шахслар доирасини тўғри аниқлаш муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Чунки амалдаги қонунчиликда мол-мулки мусодара қилиниши мумкин бўлган шахслар доираси аниқ белгилаб қўйилмаган.

Айрим олимларнинг фикрича, мол-мулкни мусодара қилиш масаласини ҳал қилаётганда, ваколатли органлар унинг эгасини аниқ белгилаши шарт [7, Б.125-126].

Бироқ, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 211-моддасида **гумон қилинувчига, айбланувчига, судланувчига, маҳкумга** тегишли бўлган жиноят қуроллари мусодара қилиниши, тегишли муассасаларга топширилиши ёки йўқ қилиб юборилиши белгиланган.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 289-моддасида **жабрланувчи ва бошқа шахсларнинг** мол-мулкни реквизиция қилиш ва мусодара этиш тартиби ҳамда шартлари белгилаб қўйилган. Унга кўра хусусий эгаликда бўлиши ман қилинган мол-мулк иш бўйича ашёвий далил деб эътироф этилган бўлса, мулкдор тўғри ёки ғайриҳуқуқий равишда қўлга киритганига қараб, у реквизиция қилинади ёки **мусодара этилади**, яъни мол-мулк ҳақини тўлаш ёки тўламаслик шarti билан суд томонидан бундай мол-мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ҳамда уни тасарруф этиш ҳуқуқига эга бўлган тегишли давлат органига ёки юридик шахсга берилади.

Юқоридаги иккита моддадан кўришиб турибдики, гумон қилинувчига, айбланувчига, судланувчига, маҳкумга, шунингдек, жабрланувчи ва бошқа шахсларнинг мол-мулклари мусодара қилиниши мумкин. Бироқ, бизнинг фикримизча, ушбу рўйхатда келтирилган шахслар доираси тугал эмас. Чунки жиноят ишини юритишда ушбу рўйхатда келтирилмаган шахсларнинг ҳам мол-мулки мусодара қилиниши мумкин.

Агар жиноят ёки ақли норасо шахснинг қилмиши натижасида муайян мол-мулк бошқа жиноятга алоқаси бўлмаган шахснинг эгалигига ўтган деб ҳисоблаш учун етарлича асослар бўлганда бу мулк ҳам мусодара қилинади.

Мисол учун, жиноий даромадларни легаллаштириш орқали олинган уйни сотиб олган шахс, гарчанд жиноят ва жиноятни содир этган шахсларга алоқаси бўлмасда, бу мол-мулк мусодара қилиниши мумкин.

Жиноят-процессуал қонунчиликда мол-мулкни мусодара қилиш ҳамда мол-мулки мусодара қилинадиган шахслар доирасини тўғри аниқлаш хусусидаги масалалар бир неча ўн йиллардан буён мунозарали масалалардан бири ҳисобланади.

В.Т. Томинанинг фикрига кўра мулк гумон қилинувчи ва айбланувчи томонидан жиноий йўл билан орттирилган ва мусодара қилишдан яшириш мақсадида бошқа шахсларга берилган ҳолларда ушбу шахсларга берилган мол-мулк мусодара қилиниши лозим [8, Б.324].

Аксарият олимлар жумладан, А.П. Коратков ва И.Л. Петрухинларнинг фикрича, гумон қилинувчи, айбланувчининг мулкни мусодара қилиш мулк қаерда бўлишидан қатъи назар амалга оширилади [9, Б.216].

Бошқача қилиб айтадиган бўлсак, ушбу олимлар қонунга гумон қилинувчи, айбланувчининг мусодара қилиниши мумкин бўлган мол-мулки қаерда ва кимнинг қўлида сақланишига қарамасдан, уларни мусодара қилиниши лозимлиги хусусида таклиф беришга ҳаракат қилинган.

Мусодара қилишнинг ўзига хос хусусияти шундаки, уни жиноят субъекти бўлмаган, лекин жиноий фаолиятдан олинган даромадни бошқа йўл билан олган шахсларга қўллаш имконияти мавжуд. Бунда ушбу шахслар мол-мулкни жиноий йўл билан олинганлиги билган ёки билиши мумкин бўлган бўлиши талаб этилади.

Таҳлил натижалари юзасидан юқоридагиларга асосланган ҳолда, қуйидаги шахсларнинг мол-мулки мусодара қилиниши мумкин:

1) гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, маҳкум ва уларнинг яқин қариндошлари;

2) жабрланувчи, фуқаровий даъвогар ва фуқаровий жавобгар;

3) учинчи шахслар.

Бу ерда бошқа шахслар деганда, мусодара объектига кирадиган мол-мулкнинг жиноят содир этиш натижасида олинганлигини билган ёки билиши мумкин бўлган шахслар (мол-мулкни инсофсиз эгалловчилар) тушунилади.

Ушбу кўрсатиб ўтилган шахсларнинг мол-мулкни мусодара қилиш учун мусодара қилинаётган мол-мулк, албатта, мусодара қилинадиган мулк объектига кириши талаб этилади.

Жиноят ишлари амалиётида мол-мулкни мусодара қилишда жиноят ишига гумон қилинувчи ёки айбланувчи тариқасида жалб қилинган ёки жалб қилиниши эҳтимоли бўлган шахслар ўзларига тегишли бўлган мулкни бегоналаштирадилар. Лекин бу мулк жиноий йўл билан топилмаган бўлади. Бундай ҳолатларда мазкур мулкларни мусодара қилишнинг қонуний асоси мавжуд эмас. Бунда мол-мулкни бегоналаштириш мақсади муҳим аҳамият касб этади. Агар шартнома сохта ёки мол-мулкни мусодара қилишдан яшириш мақсадида мулкни бошқа шахсга сотса, текин фойдаланишга берса, ҳадя қилса, ишнинг ҳақиқий ҳолатларини инобатга олиб, ушбу мол-мулклар мусодара қилиниши мумкин.

Иқтибослар/Сноски/References

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон Фармони // <https://lex.uz/docs/3107036>.

2. Бавсун М.В., Николаев К., Самойлова С. Конфискация имущества в российском уголовном законодательстве: монография. – М.: Юрлитинформ, 2016. – С. 118.

3. Лопашенко Н.А. Конфискация имущества. М., 2012. С. 107.

4. Комментарий, к Уголовно-процессуальному кодексу Российской Федерации / Отв. ред. В.И. Радченко; науч. ред. В.Т. Томин, М.П. Поляков. — М., 2004: — С. 327.

5. Чичко В.Н. Деятельность следователя по обеспечению реального возмещения материального ущерба, причиненного преступлением // Ученые записки Саратовского юридического института. Вып. XIX. Ч.И. — Саратов, 1970. — С. 277.

6. Антикоррупционная сеть для стран Восточной Европы и Центральной Азии. Конфискация орудий, средств совершения и доходов от коррупционных преступлений в Восточной Европе и Центральной Азии. 2018 г.

7. Бавсун М.В., Николаев К., Самойлова С. Конфискация имущества в российском уголовном законодательстве: монография. – М.: Юрлитинформ, 2016. – С. 125.

8. Комментарий к Уголовно-процессуальному кодексу РСФСР. Отв.ред. В.И.Радченко; под ред. В.Т.Томина 5-е изд., перераб. и дол. — М., 2001: — С. 324.

9. Комментарий к Уголовно-процессуальному кодексу Российской Федерации в редакции Федерального закона от 29. мая 2002 года / Под общей и науч. ред. А.Я. Сухарева. — М., 2002. — С. 216.

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

ТОШЕВ Отабек Содиқович

Адлия вазирлиги ҳузуридаги Ҳуқуқий сиёсат тадқиқот
институтининг бўлим бошлиғи

Email: otabek_toshev@inbox.ru

ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИГА АЙБГА ИҚРОРЛИК ТЎҒРИСИДА КЕЛИШУВ ИНСТИТУТИНИНГ ЖОРИЙ ЭТИШ МАҚСАДИ ВА ИЖТИМОЙ ЗАРУРАТИ

For citation (иқтибос келтириш учун, для цитирования): ТОШЕВ О.С. Жиноят процессига айбга иқорорлик тўғрисида келишув институтининг жорий этиш мақсади ва ижтимоий зарурати // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 5 (2022) Б. 103-110.

 5 (2022) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2022-5-13>

АННОТАЦИЯ

Мақолада муаллиф томонидан айбга иқорорлик тўғрисидаги келишув институтининг жорий этиш мақсади ва ижтимоий зарурати, ушбу институтнинг ўзига хос жиҳатлари таҳлил қилиниб, айбига иқорорлик тўғрисидаги келишув борасида қонунчиликдаги асосий қоидалар, айбига иқорорлик тўғрисидаги келишув тартибида иш юритишнинг аҳамиятли жиҳатлари ҳамда мазкур институтнинг ижобий ва салбий томонлари ўрганилган. Айбга иқорорлик тўғрисидаги келишувни тузишда суднинг роли, “айбга иқорорлик тўғрисидаги келишув”, “ҳамкорлик тўғрисидаги келишув” ва “суд ишларининг қисқартирилган шакллари” каби тушунчалар ўртасидаги фарқлар ва уларнинг моҳияти ёритилган. Шунингдек, айбга иқорорлик тўғрисидаги келишув институтининг мақсади, асосий вазифалари борасида олимларнинг фикрлари ўрганилиб, муаллифнинг хулосалари берилган.

Калит сўзлар: айб, айбга иқорорлик, айбга иқорорлик бўйича келишув, далиллар, жиноятни очишга кўмаклашиш, жиноят процессидаги имтиёзлар, қилмишни энгиллаштирувчи ҳолатлар.

ТОШЕВ Отабек Содиқович

Начальник отдела Исследовательского института
правовой политики при Министерстве юстиции

Email: otabek_toshev@inbox.ru

НАЗНАЧЕНИЕ И СОЦИАЛЬНАЯ НЕОБХОДИМОСТЬ ВНЕДРЕНИЯ ИНСТИТУТА СОГЛАШЕНИЯ О ПРИЗНАНИИ ВИНЫ В УГОЛОВНЫЙ ПРОЦЕСС

АННОТАЦИЯ

В статье автор проанализировал назначение и социальную необходимость введения института соглашения о признании вины, ее особенности, основные нормы, важные аспекты процедуры этого соглашения, и положительные и отрицательные

стороны этого института. Выделена роль суда при составлении соглашения, различия между такими понятиями, как «соглашение о признании вины», «договор о сотрудничестве» и «сокращенные формы судебных дел». Были изучены мнения ученых относительно цели и основных задач института соглашения о признании вины, приведены авторские выводы.

Ключевые слова: вина, признание вины, соглашение о признании вины, доказательства, содействие в раскрытии преступления, льготы в уголовном процессе, смягчающие обстоятельства ситуации.

TOSHEV Otabek

Head of Department Research Institute for Legal Policy

Under the Ministry of Justice

Email: otabek_toshev@inbox.ru

THE PURPOSE AND SOCIAL NECESSITY OF INTRODUCING THE INSTITUTION OF A PLEA AGREEMENT IN THE CRIMINAL PROCESS

ANNOTATION

The article analyzes the purpose and social necessity of introducing the institution of a plea agreement into the criminal process, the features of the application of this institution, explores the main provisions of the law regarding plea agreements, important aspects of the plea agreement procedure, the advantages and disadvantages of this institution. The role of the court in concluding a plea agreement, the differences between such concepts as “plea agreement”, “cooperation agreement” and “abbreviated forms of litigation”, as well as their essence are highlighted. In addition, the views of scientists on the appointment and main functions of the institution of admission of guilt are studied, the author’s conclusions and conclusions are presented.

Keywords: guilt, plea guilt, plea bargain agreement, evidence, assistance in the detection of a crime, benefits in the criminal process, mitigating circumstances of the situation.

Айбга иқрорлик тўғрисидаги келишув – гумон қилинувчи (айбланувчи) нинг жиноий қилмиши учун жазони сезиларли даражада камайтириш эвазига мазкур жиноятни тезкор тергов қилинишига кўмаклашишдан иборат ихтиёрий мажбуриятига асосланган ярашув (муроса) битимларидан бири ҳисобланади. Сўнги пайтларда ярашув тартиботлари негизидаги шартномавий муносабатлар миллий жиноят процессига тобора кучли таъсир ўтказиб бормоқда. Мамлакатимиз жиноят қонунчилигида айбдор ўз қилмишига амалда пушаймон бўлганлиги ҳамда 2001 йилда жорий этилган жабрланувчи билан ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиш каби нормалар мавжудлиги қонун чиқарувчи жиноий-ҳуқуқий низоларни ҳал қилишнинг муроса (келишув) усулларини ишлаб чиқишга қаратилган жиноий сиёсат тизимини барпо этиш йўлидан изчиллик билан одимлаб кетаётганидан дарак беради.

Келишув жиноятчиликка қарши курашда бутун дунёда урф бўлаётган [1, 2, 3, 4, 5] жиноятчи ва жабрланувчи, жамият ўртасида муроса йўлини топиш концепциясида асосий ўрин эгаллайди. Х.Д. Алиқперов, М.А. Зейналовлар илгари сурган фояга кўра, жиноятчиликка қарши курашишда муросага келиш тушунчаси остида, қонун чиқарувчининг айрим фуқароларни жиноятга қарши курашда фаол иштирок этишга қизиқтириш, бошқаларни эса – жиноят содир этишдан ихтиёрий воз кечишга, жиноят содир этишга улгурганни эса – жиноий судлов органлари билан уларни

жиноий жавобгарликдан озод қилиш ёки жазони белгиланган тартибда ва миқдорда қисқартириш эвазига ҳамкорлик қилишга ундаш тушунилиши керак [6].

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 62¹-бобида назарда тутилган тартибот – бу гумон қилинувчи ва айбланувчиларни тергов органлари билан ҳамкорликка жалб этиш орқали жиноятларни фош этиш ва тергов қилишнинг энг тезкор усулларида биридир. Бундай механизм жиноят одил судловининг бутун тарихи давомида амалиётда мавжуд бўлган, бироқ унинг Ўзбекистонда жиноят-процессуал қонунчилик тартибида мустақамланиши фақат 2021 йилда амалга оширилди. Келишув институтини қўллаш ёрдамида турли тоифадаги кўплаб жиноятларни очиш мумкин.

Қонунда қайд этилишича, агар шахс бир нечта жиноят содир этиб, улардан камида биттаси Жиноят процессуал кодекснинг 586¹-моддасида назарда тутилган жиноятлар тоифасига мос келмаса, яъни ўта оғир жиноят туркумига кирса, келишувни тузиш мумкин бўлмайди.

Ўзбекистон жиноят процесси учун новелла бўлган айбга иқрорлик тўғрисидаги келишув институти ҳақида миллий процессуал фанда ҳозирча илмий тадқиқотлар ва чиқишлар кўп эмас. Жумладан, бу мавзуда ўз фикр ва мулоҳазаларини У.А. Тухташева, Г.З. Тулаганова, Б. Саломов, Д.Базарова каби олимларни айтиб ўтишимиз мумкин. Аммо, бу олимлар мазкур институтнинг умумий тушунчаси ва моҳиятига тўхталиб, алоҳида тарзда унинг процессуал мақсадлари ва вазифаларини очиб беришмаган.

Таҳлил қилинаётган жиноят-процессуал институт ўз мақсадига кўра бир қатор функцияларни амалга оширишга ҳисса қўшиш учун мўлжалланган. Биз келишувнинг амалда мавжуд функцияларини умумий ва хусусий вазифаларга ажратамиз. Келишувнинг умумий функцияларига бизнингча, Конституцияда мустақамланган инсон ва фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, шунингдек, жиноят одил судловининг мақсадини амалга оширишга доир вазифаларни киритиш жоиз. Келишув институтини қўллашда энг жиддий қийинчилик шахсни ноқонуний ва асоссиз айблаш, ҳукм қилиш, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини асоссиз чеклашдан ҳимоя қилиш функциясини амалга оширишдир. Бу хатарлар келишув субъекти томонидан айбдорнинг содир қилган қилмишидаги ролини камайтириш мақсадида бошқа шахсларнинг мазкур жиноятга алоқадорлиги тўғрисида нотўғри маълумотлар бериш эҳтимоли билан боғлиқ.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш умумий функциясидан ташқари, келишув институти, шунингдек бир қатор хусусий вазифаларни амалга оширишга ҳисса қўшиши мумкин, уларга жумладан, рағбатлантириш, превентив-тарбиявий, тартибга солиш функцияларини, шунингдек, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорликни кенгайтириш ва адолатни тиклаш каби функцияларни айтиш мумкин.

Амалиётчиларнинг фикрича, жиноят-процессуал қонунчилигига жорий этилган айбга иқрорлик тўғрисидаги келишувнинг бош мақсади — айбланувчининг содир этган жинояти юзасидан иқрорлиги асосида судда енгилроқ жазо тайинланишига эришиш, шунинг баробарида, кўплаб **сансалорликларга сабаб бўладиган** узоқ давом этувчи суд жараёнларини қисқартиришдан иборатдир [7, 8].

Ўз навбатида, айбга иқрорлик тўғрисидаги келишувнинг энг муҳим вазифаси – бу жиноятни тезкор суръатда очиш, жиноий йўл билан қўлга киритилган мулкни излаб топиш, шунингдек, хавфли жиноятни содир этган жиноятчилар, яъни айбланувчи иштирокчиларини қўлга олиш (агар бу жиноятга алоқадор бошқа ахборотни тақдим этишга доир мажбуриятлари билан белгиланган ва айбланувчи бунга розилик берган бўлса) имкониятидир. Таҳлил қилинаётган институтнинг яна бир муҳим ва ижтимоий жиҳатдан талаб кучли функцияларидан бири – бу содир этилган қилмиш учун қонун даражасида жиноий санкцияни енгиллаштиришни кафолатлаш орқали гумон қилинувчини, айбланувчини рағбатлантиришдан иборат. Шубҳасиз, гумон

қилинувчи (айбланувчи)ни айбига иқрорлик тўғрисида ариза бериш мотиви жазони имкон қадар енгиллаштиришдир.

Келишув институти функцияларини бажариш кўп жиҳатдан, содир этилган жиноятни очиш фактининг, жиноий (ноқонуний) фаолият билан шуғулланувчи шахсларга ҳамда, умуман аҳолига таъсир қилиш орқали содир қилинган жиноий қилмиш учун жазо муқаррарлиги ҳиссини уйғотишда намоён бўладиган тарбиявий ва профилактик функцияни амалга оширишга ёрдам беради. Айтилганда, таҳлил қилинаётган институт, қонунда мустақамланган **жазони камайтириш кафолати** орқали жиноий жавобгарликка тортилган шахсларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан ҳамкорлик қилиш кўламини кенгайтиришга ҳисса қўшади.

Қайд этиш лозимки, Россияда 2009 йилда ҳамкорлик тўғрисида судгача келишув жорий этилганлиги туфайли, аксарият муаллифлар [9] ушбу процессуал келишув институти мақсадини жиноятчиликка қарши курашиш билан боғлашади [4, 5]. Мисол учун, И.Э.Звечаровскийнинг фикрича, “асосий мақсади – айбга иқрор бўлиш, жиноятнинг квалификацияси ва жазо тайинлаш бўйича келишувга эришиш бўлган хорижий аналоглардан (хусусан, АҚШ, Испания, Италия, Германия қонунчилигида назарда тутилган) фарқли равишда, Россияда ҳамкорлик тўғрисида судгача келишув институти жорий этишнинг мақсади – бу ижобий посткриминал ҳаракатларни рағбатлантиришдир” [4]. Бу борада олим фикр юритган хорижий аналоглар таркибига Ўзбекистонни ҳам қўшиш мумкин, чунки бизнинг ЖПКда ҳам келишувнинг бош мақсади – бу айбланувчи айбига иқрор бўлиши, у содир этган жиноят квалификацияси ва жазо тайинлаш бўйича ўзаро мurosали келишувга эришишдир.

Тадқиқотчи Л.Г.Татьянина илгари сурган ҳаққоний фикрига кўра, жиноят суди иш юритувида “одил судлов билан келишувлар”, энг аввало, жиноят процесси мақсадларини самарали амалга оширишни таъминлаш, моддий ва инсон ресурсларини оқилона тежаш, айбланувчига тергов ва суд органларига жиноятларни очиш ва тергов қилишда кўмаклашиш имкониятини беришга қаратилган [10]. Биз А.С. Александровнинг қуйидаги фикрига қўшилиш мумкин деб ҳисоблаймиз, унингча процессуал келишув институти аҳамияти “жиноятчиликка қарши курашнинг янги, замонавий, мураса йўлини топишга асосланган услубига, жиноий репрессияни танлаш асосида қўллашга ўтишда, айбловчи ҳокимият ва айбланувчилар ўртасидаги ҳамкорликнинг ҳуқуқий асосларини кенгайтиришда” намоён бўлмоқда [9, 11].

Процессуал келишувнинг жиноят-процессуал механизми мақсадини ўрганишда, унинг ахлоқан тузатишдаги ўрнини эслатиб ўтмасликнинг иложиси йўқ. Жумладан, дастлабки тергов босқичида жиноятни содир этган шахсда, тузалиш йўлига кириш учун ҳақиқий имконият пайдо бўлади, бу эса, ўз навбатида нафақат унинг ўзи учун ижобий жиҳатдир (жазо муддатини ёки миқдорини камайтириш имкони), балки жамият, умуман давлат учун муҳим аҳамият касб этади (жиноий жазонинг мақсадларидан бири – маҳкумни ахлоқан тузалишига эришилади).

Ушбу ўрганилаётган жиноят-процессуал механизмнинг **олдини олиш аҳамияти** ахлоқан тузатиш мақсади билан чамбарчас боғлиқдир. Ўтказилган таҳлил жиноят-процессуал қонунчиликдаги ушбу новелланинг умумий ва шахсий (индивидуал) олдини олиш вазифасини ажратиб кўрсатиш имконини беради. Индивидуал олдини олиш шундан иборатки, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари билан келишув, айрим олимларнинг фикрича, “мурасага келадиган айбланувчилар учун жуда хавфли, чунки ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизими билан ҳамкорлик қилганлар, қоида тариқасида, бунинг учун жиноий шериклари томонидан ўлимга ҳукм қилинади” [12].

Умумий олдини олишнинг аҳамияти шундаки, гарчи муҳимлиги индивидуал олдини олишга нисбатан камроқ бўлса ҳам, жиноий фаолият иштирокчиларида ўз ҳамтовоқлари “содиқлиги” борасида ишончини пасайтиради, чунки ушбу институт ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорликни “рағбатлантиради”. Охир-оқибат, бу, бир томондан, жиноий шерикларни янада синчковлик билан танлашга,

иккинчи томондан эса – юқоридаги сабабга кўра, ушбу шахс томонидан жиноят содир этиш ғоясидан умуман воз кечишга олиб келиши мумкин.

Бундан ташқари, келишувнинг жиноят-процессуал механизми **қўриқлаш функциясини** бажаради, чунки у шахсни, жамиятни ва давлатни айбланувчи ёки гумон қилинувчининг тергов органларига берган ахбороти натижасида аниқланган жиноятчилар тажовузидан ҳимоя қилишга қаратилган. Келишувнинг жиноят-процессуал механизмини амалга ошириш давлатнинг ваколатли органларига ёрдам берган шахсга нисбатан ахлоқ-тузатиш чораларини тезкорлик билан қўллашга ёрдам беради, шу орқали жиноий жавобгарлик амалга оширилиши суръати тезлашади, латент жиноятлар даражаси пасаяди, очилмаган жиноятлар сони ҳам камайиб боради.

Шу ўринда таъкидлаш ўринлики, Давлатимиз раҳбари "...айбдор шахслар жавобгарлиги муқаррарлигини таъминлаш"ни заруратини кўрсатиб ўтган [13]. Демак, келишув бўйича норматив қоидалар жиноий жазонинг муқаррарлиги ва индивидуаллашуви тамойилини амалга оширишга ёрдам беради, деб айтиш мумкин.

Таҳлил қилинаётган механизмнинг жиноят-процессуал мақсади, энг аввало, жиноят содир этишда айбдор деб топилган шахснинг жазосини кафолатланган тарзда қисқартириш, шунингдек, процессуал чиқимларни иқтисод қилишда ҳам гавдаланади. Илгари амалиётда бўлган оғзаки махфий битимлар, улар ҳақиқатда амалга ошишининг ҳеч қандай кафолатсиз, қолаверса ўзаро ишонч асосида қурилган. "Амалиётда, томонлар соғлом фикр ва ўзининг процессуал манфаатларини кўзлаган ҳолда, бундай муносабатларга киришиши одатий ҳол, - деб ёзади В.В. Николайченко, - бундай битимларнинг шакллари ихтиёрий бўлиб, амалдаги қонунчилик талабларига деярли мос келмайди, аммо айтиш мумкин, унинг мақсад ва тамойилларига зид эмас. Бироқ, иш ҳужжатларида келишув изларидан асар ҳам бўлмайди" [12].

Ўз вақтида тадқиқотчи П.Ф.Пашкевич судга суд терговини қисқартириш ҳуқуқини беришни таклиф қилган, бунинг учун, тўпланган далиллар жиноят ишини тўғри кўриб чиқиш ва ҳал қилиш учун етарли бўлиши талаб этилган [14]. Бироқ, муаллифнинг мазкур ёндашуви П.С. Элькинд танқидига учраган. Унинг фикрига кўра, жиноий иш юритишда соддалаштирилган шаклдан фойдаланиш қуйидагиларга олиб келиши мумкин: жиноят иши бўйича далилларни тўлиқ тўпланмаслиги, бунда шахснинг ўз айбига иқрор бўлиши устуворлик касб этади; суд мажлисида иш бўйича тўпланган далилларнинг ўрганилмаслиги ёки тўлақонли тартибда ўрганилмаслиги; суд жараёнининг тарбиявий таъсири камайиши [15].

Назаримизда, соддалаштирилган суд юритуви тартибига нисбатан бундай қарши мулоҳаза баҳсли, чунки жиноят иши судга етиб келганда, судья айбловни асослантирувчи далиллардан иборат жиноят иши материалларини мустақил равишда ўрганади. Бундан ташқари, судья ҳукми чиқаришда нафақат судланувчининг ўз айбига иқрор бўлишини, балки ишдаги бошқа далилларни ҳам ҳисобга олади. Маълумки, ҳукм фақат айбига иқрорликка асосланиши мумкин эмас. Келишув тўғрисидаги қоидаларни қўллашнинг мантиқий натижаси – бу мазкур жиноят иши бўйича суд ишини юритишни тезлаштириш ва соддалаштиришдир. Бунга ЖПКнинг 586⁷-моддасида мустаҳкамланган суд муҳокамасини ўтказиш тартиби ҳам ишора қилади, унинг давомида ушбу жиноят иши бўйича суд тергови соддалаштирилган шаклда амалга оширилади, гувоҳлар сўроқ қилинмайди ва судланувчининг унга қўйилган айблови бўйича айбдорлигини тасдиқловчи далилларга баҳо берилмайди. Процессуал чиқимларни иқтисод қилишдан ташқари, айбга иқрорлик келишуви институти жиноятларни тезкор ва самарали аниқлаш ва тергов қилишга ёрдам беради. Бу фикрни асослаш учун шуни таъкидлаш мумкинки, айбга иқрорлик келишувида, жумладан, содир этилган жиноятни фош этиш, жиноят иши бўйича далилларни тақдим этиш, жиноий йўл билан орттирилган мол-мулкни аниқлаш бўйича гумон қилинувчи, айбланувчи келишув имзоланганидан кейин бажаришни ўз зиммасига оладиган ҳаракатлар қайд этилади.

Айни чоғда тадқиқотчилар У.Хамидуллаева ва А.Мухитдиновларнинг, айбга иқрорлик тўғрисидаги келишув, ҳеч шубҳасиз, айбсизлик презумпцияси тамойилини бузиши ҳақидаги фикрида жон бор, чунки шахс ўзининг айбсизлигини исботлаши шарт эмас [16]. Бу терговни амалга оширувчи органлар ваколатига киради. Бундан ташқари, бундай келишувларни тузишда коррупциявий хатарлар мавжудлигини ҳеч ким инкор эта олмайди.

Бироқ, ушбу олимлар ҳам мазкур институтнинг ижобий жиҳатлари, шу жумладан, давлат бюджети сарф-харажатлари иқтисод қилиниши, суд иш юритуви жадаллашуви, жарбланувчининг ҳуқуқ ва манфаатлари тезкорлик билан тикланиши, тергов-суд органлари иш юкломаси пасайишини, салбий тарафлари ўрнини босиб кетишини қайд этишади.

Дарҳақиқат, айбланувчи ёки гумон қилинувчининг айбига иқрор бўлиши муносабати билан жиноят содир этилган пайдан бошлаб тегишли шахснинг судланишигача бўлган вақт оралиғи қисқаради. Демак, айтиш жоизки, келишув институти дастлабки терговнинг оқилона ва тезкор ўтказилишига ёрдам беради. Келишув қоидаларини қўлланиши дастлабки терговни имкон қадар камчиқим ва инсон кучини оқилона сарфлаган ҳолда ўтказиш имконини беради. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари айбланувчи ёки гумон қилинувчининг фаол ёрдами билан барча керакли тергов ҳаракатларини тезкор равишда амалга оширади.

Шу билан бирга, терговни олиб боровчи шахс ўз кучини ахборот-билиш ва процессуал аҳамиятга эга бўлган исботловчи маълумотларни тўплаш ва текширишга оқиллик билан самарали сарфлайди. Жиноят содир этган шахсни аниқлай олмаслик, жиноят процесси ўз мақсадларига эриша олмай қолгани, олдига қўйилган вазифалар бажарилмаганидан дарак беради. Айбга иқрорлик тўғрисидаги процессуал келишув жиноят-процессуал механизми давлатнинг ваколатли ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари ва мансабдор шахслари томонидан муайян шахсни жиноят содир этишда фош этиш бўйича процессуал фаолияти мақсадига эришишига бевосита кўмаклашади.

Юқоридагиларни умумлаштириб, келишув тузишда айблов томоннинг мақсади қуйидагилардан иборат деб ҳисоблаймиз:

содир этилган жиноятни тезкорлик билан фош этиш;

айбланувчи томонидан жиноят содир этиш натижасида олинган моддий қимматликларни топиш ва қонуний мулкдорга қайтариш;

жиноятни содир этишда иштирокчи мавжуд бўлса, улар юзасидан маълумот олиш (аммо бу, фақат келишувда айбланувчи бундай маълумот беришга розилиги олинган бўлса, амалга оширилади);

жабарланувчига етказилган зарарни қоплаш;

жиноят содир этган шахсга унинг ижобий ҳулқ-атворидан келиб чиқиб, мос енгилроқ жазони тайинлаш.

Уз навбатида, гумон қилинувчи (айбланувчи)нинг келишув тузиш тўғрисида илтимоснома билан мурожаат қилишдан асосий мақсади – бу, шубҳасиз, қилмиш учун жазони имкон қадар камайтириш ёки уни ўташдан халос бўлиш, озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазодан қутулиб қолишдир.

Шунга асосланиб, айтишимиз мумкинки, айбга иқрорлик тўғрисидаги келишув – бу ижтимоий хавфли қилмишларни тезкорлик билан очиш ва тергов қилишга кўмаклашувчи, яраштириш тартиб-таомиллари тизимига кирадиган диспозитив тусдаги жиноят-процессуал институт бўлиб, унинг доирасида жиноий жавобгарликка тортилган шахс, ўзининг қилмиши учун жазони енгиллаштириш эвазига жиноий қилмишни содир этишда ўз айбига иқрор бўлиб, жиноятни очишда фойдали бўлиши мумкин бўлган қимматли маълумот билан таъминлайди, шунингдек етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш чораларини кўради.

Сўнги масала бўйича қайд этиш лозимки, 2021 йил давомида Ўзбекистон жиноят ишлари бўйича судларда жами 61 минг 263 нафар шахсга нисбатан 47 минг

657 жиноят иши кўриб чиқилган бўлиб, шундан 120 нафар шахсга нисбатан 88 та жиноят иши айбга иқрорлик тўғрисида келишув тасдиқланган. Шунингдек, мазкур тоифадаги ишлар бўйича содир этилган жиноятлар оқибатида тарафларга етказилган жами 6 миллиард сўмдан зиёд зарар қопланди [17]. Бундан келиб чиқадики, айрим олимлар [18, 19] томонидан илгари сурилган, мазкур институтнинг жабрланувчилар учун салбий оқибатлар келтириши мумкинлиги ҳақидаги фикрлари ҳозирча ўзини мутлақо оқламади.

Айбга иқрорлик тўғрисидаги процессуал келишувнинг жиноий-процессуал механизми қандай мақсадга эга эканлиги борасида шундай фикрни илгари суришимиз мумкин:

биринчидан, келишувининг **ижтимоий-ҳуқуқий мақсади** қуйидагиларда намоён бўлади:

жиноятчиликка қарши кураш;
жиноий жавобгарликка тортилган шахсни дастлабки тергов босқичида ахлоқан тузалишига кўмаклашиш;
жиноятларни индивидуал ва умумий олдини олиш;
қўриқлаш функциясини бажариш;
ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларига ҳақиқатда кўмаклашган шахсга тезкор, енгил шартлардаги ахлоқан тузатиш чораларини қўллаш;
латент жиноятчилик даражасини, очилмай қолган жиноятлар сонини камайтириш.

Иккинчидан, келишув механизмнинг **жиноят-процессуал мақсади** қуйидагилардан иборат:

жиноятларни тез ва самарали аниқлаш ва тергов қилиш;
процессуал чиқимларни тежаш;
жиноий суд иш юритувини мақбул тарзда ташкил этиш;
айблов ва ҳимоя томонлари ўзининг процессуал фаолияти мақсадига эришишига кўмаклашиш;
ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга ёрдам берган шахсга жазонинг енгиллаштирилишини кафолатлаш;
жабрланувчига етказилган зарарни тезкор ва амалда қопланишини таъминлаш.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Головки Л.В. Альтернативы уголовному преследованию в современном праве. - Спб.: Юрид. центр Пресс, 2002. - 544 с.
2. Гуценко Г.Ф., Головки Л.В., Филимонов Б.А. Уголовный процесс западных государств. - М.: ИКД «Зерцало-М», 2001. - 480 с.
3. Дубовик М.П. «Сделка о признании вины» и «особый порядок»: сравнительный анализ// Рос.юстиция. - 2004. - № 4. - С. 52, 53;
4. Звечаровский И. Юридическая природа института досудебного соглашения о сотрудничестве// Законность. - 2009. - № 5. - С.14, 15.
5. Прилуцкий П.В. Визнання вини: сучасний погляд на стару проблему// Вісн. Верхов. Суду України. - 2005. - № 8 (60). - С. 44, 45.
6. Аликперов Х.Д. Освобождение от уголовной ответственности [Текст]. – М.: Институт повышения квалификации руководящих кадров Генеральной прокуратуры Российской Федерации, 1999. – С.52.
7. А.Абидов. Айбга иқрорлик бўйича келишув институтнинг қандай афзалликлари бор? [http://hudud24.uz/aybga-i%d2%9brorlik-b%d1%9eyicha-kelishuv-institutning-%d2%9banday-afzalliklar i-bor](http://hudud24.uz/aybga-i%d2%9brorlik-b%d1%9eyicha-kelishuv-institutning-%d2%9banday-afzalliklar-i-bor);
8. Ш.Ахмедов, Н.Шарипова. Айбга иқрорлик бўйича келишув – қонунчиликдаги янги институтнинг афзалликлари / <https://sud.uz/1103-2/>
9. Александров А.С. Соглашение о досудебном сотрудничестве со следствием:

правовая сущность и вопросы толкования норм, входящих в главу 40¹ УПК РФ // Уголовный процесс. – 2009. – № 8. – С. 3.

10. Татьяна Л.Г. «Сделки с правосудием» в России и США: позитивные и негативные аспекты // Проблемы применения досудебного соглашения о сотрудничестве по уголовным делам: материалы межрегион. науч.-практ. семинара. Ижевск, 2010. С. 13-14.

11. Александров А.С. Подход к преодолению противоречия в законе, регламентирующего заключение и реализацию досудебного соглашения о сотрудничестве по уголовному делу // Уголовное право. – 2011. – № 1. – С. 55.

12. Николайченко В. В. Пенитенциарные и постпенитенциарные преступления как объект криминалистического исследования / Под ред. В. И. Комиссарова. Саратов, 2006. Ч. 2. С. 68–69.

13. <https://uzreport.news/politics/shavkat-mirziyoev-ne-narod-doljen-slujit-gosudarstvennim-organam-a-gosudarstvennie-organi->

14. Пашкевич П. Ф. Рациональное исследование и использование доказательств в уголовном судопроизводстве. Проблемы совершенствования советского законодательства. М., 1976. С. 175

15. Горский Г. Ф., Кокорев Л. Д., Элькинд П. С. Проблемы доказательств в уголовном процессе. Воронеж, 1978. С. 88–89.

16. Хамидуллаева У., Мухитдинов А. (2021). Соглашение о признании вины как форма упрощённого производства по уголовным делам: опыт зарубежных стран. Ж. Актуальные проблемы гуманитарных наук, № 1, С.70–75 //https://inlibrary.uz/index.php/problems_of_humanities/article/view/3638

17. Айбга иққорлик келишуви тўфайли 6 миллиард сўмдан зиёд зарар қопланди. https://uza.uz/uz/posts/aybga-iqrorlik-kelishuvi-tufayli-6-milliard-somdan-ziyod-zarar-qoplandi_357407

18. Сумачев А.В., Морозов В.И., Мильтова Е.В. Уголовно-правовая характеристика деятельности, направленной на достижение задач правосудия (примирение сторон и досудебное соглашение о сотрудничестве). Учебное пособие. – Тюмень, 2011. – С. 46.

19. Шаталов А.С. Принятие судебного решения при заключении досудебного соглашения о сотрудничестве: правовая регламентация, проблемы, тенденции и перспективы // Уголовное судопроизводство. – 2010. – № 2. – С. 17.

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

РОМАДАНОВА Таисия Александровна

Х.Сулаймонова номидаги Республика суд экспертизаси
Маркази етакчи суд-эксперти

МУХАМЕДЖАНОВА Мадина Махкамжановна

Х.Сулаймонова номидаги Республика суд экспертизаси
Маркази суд-эксперти

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ-ТЕХНОЛОГИК МЕХАНИЗМЛАР ИЗЛАРИНИНГ ТРАСОЛОГИК ЭКСПЕРТИЗАЛАРИНИ ЎТКАЗИШДА ПРОФИЛАКТИК ФАОЛИЯТ

For citation (иқтибос келтириш учун, для цитирования): РОМАДАНОВА Т.А., МУХАМЕДЖАНОВА М.М. Ишлаб чиқариш-технологик механизмлар изларининг трасологик экспертизаларини ўтказишда профилактик фаолият // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 5 (2022) Б. 111-114.

 5 (2022) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2022-5-14>

АННОТАЦИЯ

Мақола суд экспертларининг профилактик фаолиятига бағишланган бўлиб, ишлаб чиқариш-технологик механизмлар изларининг трасологик экспертизаларини ўтказишда ушбу фаолиятнинг айрим жиҳатлари ёритилган. Бу турдаги экспертизалар жараёнидаги профилактик фаолиятнинг йўналишлари ишлаб чиқилган, замонавий шароитлардаги методикалари ва ривожлантиришга оид тавсиялар берилган.

Калит сўзлар: суд экспертизаси, эксперт профилактикаси, оммавий ишлаб чиқариш маҳсулотлари, трасологик экспертиза, методик таъминоти, ишлаб чиқариш механизмлари.

РОМАДАНОВА Таисия Александровна

Ведущий судебный эксперт Республиканского центра
судебных экспертиз имени Х.Сулеймановой

МУХАМЕДЖАНОВА Мадина Махкамжановна

Судебный эксперт Республиканского центра
судебных экспертиз имени Х.Сулеймановой

ПРОФИЛАКТИЧЕСКАЯ ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ ПРИ ПРОВЕДЕНИИ ТРАСОЛОГИЧЕСКИХ ИССЛЕДОВАНИЙ ИССЛЕДОВАНИЙ ЭКСТРАКЦИОННО- ТЕХНОЛОГИЧЕСКИХ МЕХАНИЗМОВ

АННОТАЦИЯ

Статья посвящена профилактической деятельности судебно-медицинских экспертов, а также освещены некоторые аспекты деятельности при проведении трасологических исследований следов производственно-технологических

механизмов. Разработаны направления профилактической деятельности в процессе данного вида осмотра, и даны методики и рекомендации по их развитию в современных условиях.

Ключевые слова: судебная экспертиза, экспертная профилактика, изделие массового производства, трасологическая экспертиза, методическое обеспечение, производственный механизм.

ROMADANOVA Taisiya

Leading forensic expert of the Republican Center of Forensic Examinations named after H.Suleymanova

MUKHAMEDZHANOVA Madina

Forensic expert of the Republican Center of Forensic Examinations named after H.Suleymanova

PREVENTIVE ACTIVITY IN CONDUCTING TRACOLOGICAL EXAMINATION OF TRACES OF PRODUCTION AND TECHNOLOGICAL MECHANISMS

ANNOTATION

The article is devoted to the problems of preventive expert activity, some aspects of which are considered in the production of tracological examination of traces of production and technological mechanisms. The directions of preventive activity in the process of this type of research have been developed, their methods in modern conditions and recommendations for development have been proposed.

Keywords: forensic examination, expert prevention, mass production, trasological examination, methodological support, production mechanism.

Суд экспертизасининг умумий назарияси тизимида суд экспертларининг жиноятлар, ҳуқуқбузарликлар ва қоидабузарликларнинг олдини олиш, яъни профилактик фаолиятининг хусусий назариясининг илмий асослари XX асрнинг 70-йилларида фаол ривожлана бошлаган.

Фикримизча, суд экспертларининг профилактик фаолияти суд экспертизасининг хусусий назарияси сифатида суд экспертизаларининг муайян турлари бўйича профилактик фаолиятнинг асосидир. Масалан, оммавий ишлаб чиқариладиган маҳсулотларни ишлаб чиқариш усуллари такомиллашуви, ишлаб чиқаришга замонавий технологияларни жорий этилиши билан ҳозирги кунда, ишлаб чиқариш-технологик механизмлари изларининг трасологик экспертизаларининг имкониятлари жадал ривожланмоқда.

Бинобарин, суд экспертларига тақдим этилган объектларни тадқиқот қилиш билан бирга, саноат ва савдо соҳаларида турли жиноятларнинг олдини олишга қаратилган, шунингдек, тергов органлари ёки суд томонидан суд экспертлари олдига қўйилган саволлар бўйича эксперт хулосаларини тайёрлашда эксперт хатоларининг олдини олиш бўйича профилактик таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқиш вазифаси ҳам юклатилади.

Суд экспертларининг профилактик фаолияти – бу тегишли экспертиза тадқиқотларини ўтказишда, шунингдек тегишли тергов ҳаракатлари ва тезкор-қидирув тадбирларда иштирок этиш жараёнида аниқланган қоидабузарликларнинг (ҳуқуқбузарлик, жиноят ва ҳ.к.) сабаблари ва уларни содир этишга имкон берган шароитлар, шунингдек уларни бартараф этишнинг ташкилий-техникавий тавсияларини ишлаб чиқишдир [1].

Суд экспертларининг қоидабузарликларнинг олдини олиш фаолиятлари қонунда назарда тутилмаган. Аммо шунга қарамай, суд экспертларининг қоидабузарликларнинг олдини олиш, уларнинг содир этилишига имкон берган ёки енгиллик яратган шарт-шароитларни аниқлаш бўйича фаолияти – яъни, суд экспертларининг профилактик

фаолияти инкорқилинмайди [1]. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексида: “Хулосада ҳуқуқбузарлик сабаблари ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитлар, шунингдек, уларни бартараф этишга доир ташкилий-техникавий тавсиялар кўрсатилган бўлиши мумкин” деб белгиланган.

Суд экспертларининг профилактик фаолиятининг услуб ва воситалари икки гуруҳга бўлинади:

1) экспертиза тадқиқотларини ўтказиш жараёнида ишлаб чиқилади ва экспертнинг хулосасида баён қилинади;

2) суд экспертиза муассасасининг экспертлик амалиётини умумлаштириш асосида суд экспертларининг алоҳида профилактик фаолияти давомида шакллантирилади [2].

Суд экспертлик амалиётининг таҳлиллари кўрсатадики, суд экспертлари профилактик фаолиятининг биринчи гуруҳ услублари ва воситалари, терговчи (терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси, суриштирувчи ёки суд) томонидан жиноятларни содир этиш энгиллик яратган шароитларни аниқлаш бўйича эксперт олдида қўйилган саволларга жаоб бериш учун ўтказиладиган экспертиза жараёнида ишлаб чиқилади ҳамда айнан улар амалда кўп ишлатилади. Масалан, ишлаб чиқариш ва технологик механизмлари изларининг трасологик экспертизасини ўтказишда суд эксперти терговчи (терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси, суриштирувчи ёки суд) томонидан қўйилган масалалар бўйича хулосалар бериши мумкин ва бунда, экспертиза тадқиқотлари жараёнида аниқланган, тегишли маҳсулотлардаги маркировка белгиларининг йўқлиги (мавжуд эмаслиги) ёки маҳсулотларни тегишли стандартларга мос келмаслиги каби шароитларни батафсил баён қилиши мумкин.

Келгусида бундай экспертиза хулосасини олган терговчи (терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси, суриштирувчи ёки суд) суд экспертидан ушбу, жиноятларни содир этилишига энгиллик яратган шарт-шароитларни бартараф қилиш бўйича тавсиялар ва чора-тадбирлар тақдим этилишини сўраши мумкин. Бундай профилактик тавсиялар эса тегишли ташкилотга (корхона, ишлаб чиқарувчи), шунингдек бу каби маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи бошқа ташкилотларга, жиноятларни содир этилишига энгиллик яратган шарт-шароитларни бартараф қилиш бўйича талабнома шаклида юборилади.

Шундай қилиб, суд экспертизаларини ўтказишда аниқланган жиноятларни содир этилишига энгиллик яратган шарт-шароитларнинг бартараф этилиши, ушбу ташкилотлар ва муассасаларнинг кейинги фаолиятида содир этилиши мумкин бўлган жиноятлар ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олади ёки уларнинг сонини камайтиради.

Суд экспертиза муассасалари профилактик фаолиятининг алоҳида шакли бу – суд экспертизаларини ўтказишда экспертларнинг хатоларини олдини олишдир. Масалан, ишлаб чиқариш ва технологик механизмлар изларининг трасологик экспертизасини ўтказишда эксперт хатоларининг олдини олиш бўйича профилактика чоралари қуйидагилар бўлиши мумкин:

– ишлаб чиқариш ва технологик механизмлар изларининг трасологик экспертизаларини ўтказиш услубиётларини такомиллаштириш ва стандартлаштириш;

– оммавий ишлаб чиқариш маҳсулотларини ишлаб чиқариш усулларининг ягона маълумотлар базасини яратиш;

– суд экспертиза муассасаларида замонавий ишлаб чиқариш ва технологик механизмларнинг изларига эга бўлган табиий маҳсулотларнинг кўргазмали коллекцияларини шакллантириш.

Умумий маънода услубиёт деганда экспертиза тадқиқот объектларни ўрганиш усуллари ва воситалари тизими тушунилади, шунингдек, услубиёт тадқиқотлардан кутилаётган натижалар тавсифини ҳам ўз ичига олиши мумкин.

Суд экспертлик амалиёти ва махсус адабиётларни [2; 3; 4; 5] таҳлил қилиш натижасида, ишлаб чиқариш ва технологик механизмлар изларининг трасологик экспертизалари

доирасида экспертнинг профилактика фаолияти услубиёти қуйидаги босқичлардан иборат деган хулосага келинди:

1. Дастлабки босқич, бу босқичда суд эксперти экспертиза тайинлаш ҳақидаги қарор (ажрим) билан танишади, тадқиқотга тақдим қилинган объектлар ва таққослаш учун намуналарни ўрганади ҳамда экспертиза тадқиқотлари вазифаларини аниқлаб олади.

2. Зарур бўлганда суд эксперти ишлаб чиқариш корхонасидан тегишли техник ҳужжатлар ва маълумотномаларни сўраб олади, шунингдек экспертиза учун тақдим этилган объектлар олиб қўйилган жиноят ишининг ҳолатларини ўрганади.

3. Экспертиза тадқиқотлари воситасида, жинойий қилмиш механизми ва ушбу жиноятни содир этилишининг шарт-шароитлар тўғрисида эксперт тусмолларини илгари суради ва уларни текширади.

4. Суд экспертиза муассасасида ўтказилган трасологик экспертизаларнинг таҳлиллари амалга оширилади.

5. Жиноятларни содир этишга имкон берган ҳолат ва шароитларни тадқиқотлари.

6. Ушбу турдаги жиноятларни содир этишга имкон берган ёки енгиллик яратган шарт-шароитларни бартараф этиш бўйича эксперт профилактик тавсияларини, шунингдек ушбу тавсияларни амалга ошириш чораларини ишлаб чиқиш.

Юқоридагиларни умумлаштириб ҳамда ушбу турдаги суд-траасологик экспертизасининг амалиёти таҳлилларига таяниб, суд экспертизаларининг замонавий босқичида экспертларнинг профилактик фаолияти йўналишларини қуйидагича шакллантириш мумкин:

– суд-экспертлик фаолиятини мувофиқлаштирувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга тегишли ўзгартиш ва қўшимчаларни киритишни назарда тутувчи **норматив-ҳуқуқий йўналиш**;

– суд экспертларининг нотўғри якуний хулосалари шакллантирилишининг олдини олиш мақсадида, экспертизаларни тайинлаш, ўтказиш ва эксперт хулосаларини баҳолаш тартибини такомиллаштиришга қаратилган **ташкилий-услубий йўналиш**;

– экспертиза тадқиқотлари натижаларини сохталаштириш, бузиш ёки нотўғри талқин қилиш эҳтимолини истисно қилиш мақсадида, суд экспертизаси услубиётини такомиллаштириш ва стандартлаштиришга қаратилган **илмий-услубий йўналиш**;

– ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига жиноят содир этилишини кутмасдан ишлашга имкон берадиган, турли жиноятларнинг олдини олишга қаратилган чоратадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда ифодаланадиган **прогностик (башорат қилиш) йўналиш**;

– суд экспертлик фаолиятининг психологик жиҳатларини ўрганиш ва уни такомиллаштириш, суд экспертларининг касбий этика талабларига мувофиқлигини мониторинг қилиб боришга қаратилган **касбий-ахлоқий этик йўналиш**.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Хасанов Ш.Х. Суд-экспертларининг профилактик фаолияти // Юрист ахборотномаси - Вестник юриста - Lawyer herald. № 2 (2020), Б. 102-109.

2. Ш.Х.Хасанов, И.Р.Астанов, А.К.Закурлаев, Т.Б.Маматқулов Суд-экспертизаси бўйича тавсиялар: Ўқув-амалий қўлланма. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2015. – 211 б.

3. Аминев Ф.Г. Судебно-экспертная деятельность в российской федерации: современные проблемы и пути их решения. Дис. докт. юрид. наук: 12.00.12 / Аминев Ф.Г. Ростов н/Д, 2017.

4. Хмыз А.И. Вопросы об экспертной профилактике при производстве судебной экспертизы. Вестник Московского университета МВД России. 2019.

5. Ярмак К.В., Харламова О.А. Экспертная профилактика: современное состояние, проблемы и пути решения. Материалы Международной научно-практической конференции «Российский и международный опыт производства судебных экспертиз, 2017.

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ ВА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ

СУЛАЙМАНОВ Одилжон Раббимович
Юридик фанлар доктори, доцент
Email: odiljon.sulaymanov@gmail.com

СУДЬЯЛАРНИНГ ХОЛИСЛИГИ ДЕМОКРАТИЯ ВА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ МУҲИМ МЕЗОНИ

For citation (иқтибос келтириш учун, для цитирования): СУЛАЙМАНОВ О.Р.
Судьяларнинг холислиги демократия ва инсон ҳуқуқларини таъминлашнинг муҳим мезони // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 5 (2022) Б. 115-124.

 5 (2022) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2022-5-15>

АННОТАЦИЯ

Мақолада судьяларнинг холислиги демократия ва инсон ҳуқуқларини таъминлашнинг муҳим мезони эканлиги таҳлил қилинган. Холислик судья эгаллаши шарт бўлган асосий сифат ҳисобланиши ва судьялик касбининг ажралмас ўзига хос хусусияти эканлиги ўрганилган. Холислик оқил шахснинг тафаккурида факт сифатида мавжуд бўлиши керак. Агар холислик мавжуд эмас деган эҳтимолга асос бўлса, бу норозилик ва адолатсизликни келтириб чиқаради ва айни пайтда суд тизимига нисбатан ишончга путур етиши асосланган. Холисликни тушуниш оқил кузатувчининг мезони ёрдамида аниқланади ва бу демократия ва инсон ҳуқуқларини таъминлашнинг муҳим мезони ҳисобланади.

Калит сўзлар: Бангалор принциплари, судьяларнинг холислиги, нохолислик, судьяларнинг одоб-ахлоқи, мустақиллик, инсон ҳуқуқлари, олдиндан шаклланган фикр, суд музокараси, оммавий ахборот воситалари.

СУЛАЙМАНОВ Одилжон Раббимович
Доктор юридических наук, доцент
Email: odiljon.sulaymanov@gmail.com

БЕСПРИСТРАСТНОСТЬ СУДЕЙ – ВАЖНЫЙ КРИТЕРИЙ ОБЕСПЕЧЕНИЯ ДЕМОКРАТИИ И ПРАВ ЧЕЛОВЕКА

АННОТАЦИЯ

В статье анализируется, что беспристрастность судей является важным критерием обеспечения демократии и прав человека. Исследовано, что

беспристрастность считается главным качеством, которым должен обладать судья, и является неотъемлемым признаком судейской профессии. Беспристрастность должна существовать как факт в сознании разумного человека. Если есть основания полагать, что непристрастность не существует, это порождает недовольство и несправедливость, и в то же время подрывает доверие к судебной системе. Понимание непристрастности определяется критерием разумного наблюдателя и является важным критерием обеспечения демократии и прав человека.

Ключевые слова: Бангалорские принципы, объективность судей, предвзятость, поведение судей, независимость, права человека, предрассудки, судебные переговоры, СМИ.

SULAYMANOV Odiljon

Doctor of Law, associate professor
Email: odiljon.sulaymanov@gmail.com

THE OBJECTIVITY OF JUDGES IS AN IMPORTANT CRITERION FOR ENSURING DEMOCRACY AND HUMAN RIGHTS

ANNOTATION

The article analyzes that the objectivity of judges is an important criterion for ensuring democracy and human rights. It has been studied that objectivity is considered to be the main quality that a judge should possess and is an essential feature of the judicial profession. Objectivity must exist as a fact in the mind of a rational person. If there are reasons to believe that objectivity does not exist, this breeds discontent and injustice, and at the same time undermines the credibility of the judiciary. The understanding of objectivity was determined by the criterion of a reasonable observer and was considered an important criterion for ensuring democracy and human rights.

Keywords: Bangalore principles, objectivity of judges, bias, behavior of judges, independence, human rights, prejudice, judicial negotiations, mass media.

“Судьяларнинг одоб-ахлоқига оид Бангалор принциплари”нинг иккинчи принципи судьяларнинг холислиги масаласига бағишланган. Унга кўра **“Судьянинг холислиги у ўз мажбуриятларини лозим даражада бажаришининг шартидир. Холислик нафақат чиқарилаётган қарор мазмунида, балки уни қабул қилишда кечадиган барча процессуал ҳаракатларда намоён бўлади”** деб белгиланган [1].

Мустақиллик ва холислик бу иккита алоҳида ва айни пайтда турли кўрсаткичлардир. Бироқ улар бири-бирини ўзаро кучайтирувчи судьялик лавозими сифатини белгиловчи омиллардир. Мустақиллик холислик учун зарурий шарт ҳамда уни таъминлаш учун асос ҳисобланади. Судья мустақил бўлиши мумкин ва айни пайтда холис бўлмаслиги мумкин (у ёки бу алоҳида олинган ҳолатда), аммо мустақил бўлмаган судья таърифга мувофиқ айни пайтда холис ҳам бўла олмайди (институционал жиҳати бўйича) [2].

П.Х.Рассел ва Д.М.О’Брайнлар фикрига кўра, суд ҳокимияти мустақиллиги ва холислиги тушунчалари “яхши” суд бошқарувининг тамал тошлари ҳисобланади, бу тушунчаларнинг аниқ доираси, ўзига хос хусусиятлари ва алоқадорлиги кўпинча ноаниқ бўлади [3].

Н.Стефан бу тушунчаларни “тушунишдан кўра идрок қилиш осонроқ” бўлиши мумкин деб ҳисоблайди [4], у бу борада “суд мустақиллиги” тушунчасини “демократик бошқарув” ва “қонун устуворлиги” каби аралаш қадриятларга қиёслайди.

Д.Применталнинг фикрича бу тушунчаларни таърифлашга уринишлар тез-тез

“ишончсиз ноаниқ бўлган жумлалар”га олиб келади [5]. О.Рабаннинг фикрича бу икки тушунча иккита алоҳида бир-бирига алоқадор бўлган ёйлар билан тасвирланади. “Холислик” атамаси маъмурий ҳуқуқ амалиётида кенг фойдаланилади лекин камдан-кам ҳолларда назарий таҳлил қилинади [6].

С.Шетриитнинг фикрига кўра, “Суд мустақиллиги” ҳақидаги мунозаралар, кенг қамровли бўлишига қарамасдан, қониқарсиз ҳисобланади. Бир томондан, конституциявий оқибатлар кўпинча бу тушунчанинг конституциявий принципларига хато ёки хатолик билан боғлиқ бўлишига олиб келади [7]. Бошқа томондан, ўзига хос таҳдидлар ва ўзига хос механизмларни тавсифловчи нисбатан заиф қиёсий адабиёт мавжуд [8]. Кўпинча бу каби мунозараларга назарий жиҳатдан қатъият етишмайди. Ушбу мунозарали тушунчаларнинг иккаласи ҳам ушбу асосий тушунчаларнинг табиати, вазифаси ва мақсадини аниқлай олмайдилар [3]. Биз уларни суд функциясидан келиб чиқадиган умумий моҳиятга эга эканлигини ва бу боғлиқликни тушуниш орқали фундаментал раҳбарий принципларни аниқлаш мумкинлигини таъкидлаймиз.

Франциялик олим С.Гейх “суд ҳокимияти мустақиллиги”ни холисликка тўғридан-тўғри ҳаволалар қилмаган ҳолда таърифлашга уринишлар ҳам бўлганлигини таъкидлайди” [9]. Унинг фикрига кўра, суд ҳокимияти мустақиллиги адолатли суд процессини таъминлаш воситаси ёки жамоатчиликнинг судларга ишончини сақлаш учун зарур ҳисобланади» [9].

Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди холисликка нисбатан талабларнинг иккита жиҳатига тушунтириш беради. Биринчидан, субъектив контекстда суд холис бўлиши керак, яъни суд аъзоларининг бирортаси ҳам қандайдир олдиндан шаклланган шахсий фикрга ёки нохолис фикрга эга бўлмаслиги керак.

Иккинчидан, холислик нуқтаи назаридан судья холис бўлиши керак, яъни у мазкур масалада қандайдир шубҳага нисбатан бўлиши мумкин бўлган асосни батамом бартараф қилиш учун етарли кафолатларни тақдим этиши лозим [10].

Мазкур мезонга мувофиқ судьянинг одоб-ахлоқига боғлиқ бўлмаган текширилиши лозим бўлмаган фактлар мавжудлигини аниқлаш зарур, токи бу судьянинг холислигига нисбатан шубҳа уйғотмасин. Бу масалада хатто ташқи белгилар ҳам катта аҳамиятга эга. Ахир демократик жамиятда жамоатчиликда шу жумладан, айбланган шахсда судья томонидан ишончни шакллантириш зарба остига қўйилмоқда. Шунинг учун, бирор бир судьяни холис эмас деб ҳисоблашга асос бўлса, бу судья ишни кўришни рад этиш шарт [11].

Жиноят иши бўйича аниқ бир судья холис эмас деган хавотирга далилий асослар мавудлигини аниқлашда айбланувчининг фикри ҳал қилувчи бўлмасда, муҳим аҳамиятга эга. Мазкур ҳолатда ҳал қилувчи аҳамиятга эгалиги жамиятнинг вакили бўлган оқил кузатувчи бундай хавотирнинг асосланган холислигини тан олиши билан белгиланади.

“Судьяларнинг одоб-ахлоқига оид Бангалор принциплари”нинг 2.1.-бандида “Судья ўз мажбуриятларини бажаришда ҳар қандай афзал кўришлар, сохта фикрлар ёки тахминийликдан холи бўлиши лозим” [1] лиги қайд қилинган.

Агар судья холис эмас деган фикр шаклланса, суд ҳокимиятига нисбатан жамоатчиликнинг ишончига путур етади. Шу боис, тахминга асос бўлиши мумкин бўлган ҳар қандай ҳаракатдан судья ўзини тийиши лозимки, токи ташқи омиллар, шу жумладан, тарафларнинг бирортаси билан бўлган шахсий муносабатлар ёки ишнинг натижасидан манфаатдорлик судьянинг қарорига таъсир кўрсата олмасин.

Холислик нафақат олдиндан шаклланган фикрларнинг ёки нохолис фикрларни балки, уни шундай деб тушунишни ҳам назарда тутаяди. Мазкур икки хил жабҳа тез-тез такрорланиб турадиган тасдиқ гапда яхши ифодаланганки унга мувофиқ одил судлов нафақат мукамал бўлсин, балки унинг мукамаллиги аниқ равшан деб тушунилиши муҳим ҳисобланади [12]. Мазкур ҳолатда қўлланилган мезонлар шундан иборатки, бунда мазкур масалани реалистик ва амалий жиҳатдан баҳолайдиган оқил

кузатувчи судьяда холислик мавжуд эмас деган хавотирни уйғотмасин. Олдиндан шаклланган фикрнинг борлигига нисбатан хавотирнинг мавжудлиги тўғрисидаги масала оқил кузатувчининг нуқтаи назаридан ҳал қилиниши шарт.

“Олдиндан шаклланган фикр ёки нохолислик” маълум бир низонинг у ёки бу тарафига нисбатан хайрхоҳлик, афзал кўриш, ён босиш ёки яқин тутиш деб таърифланади. Суд ишларини юритиш жараёнига нисбатан қўлланилганда мазкур тушунча масалани ёки ишни ҳал қилишга нисбатан олдиндан яқинликни англатадики бунда судьяга ишончга мутлоқа эркин берилиб кетиш учун имконият қолдирмайди. Олдиндан шаклланган фикр эса бу ҳукмга таъсир қиладиган ақлнинг ҳолати, позицияси ёки қарашлари бўлиб улар маълум бир суд иши билан боғлиқ вазифаларини холис ижро этиш қобилиятидан судьяни маҳрум этади [13]. Аммо мазкур олдиндан шаклланган фикрнинг аниқ моҳиятини эътиборга олмасдан туриб уни тасдиқлаш мумкин эмас. Агар, судья асосий инсон ҳуқуқларига устуворлик берса, бу қонун билан ман қилинган нохолисликни оқилна тушуниш учун асос бўлмайди. Башарти, фақат қонун бошқача ёндошувни аниқ ва бир хил талаб қилмаса.

Нохолислик сўзда ёки жисмоний шаклда ўзини кўрсатиши мумкин. Бунга мисол сифатида, ҳақоратлар, хўрлаш, салбий стереотиплар, ноқулай хазиллар (масалан, гендер, маданият, ирқ, миллат), таҳдид, кўрқитиш ёки душманлик ҳаракатларини ифодаловчи эпитетлар, шу билан бирга, улар ирқий ёки миллий мансублик билан боғлиқ жиноятларни ҳамда қандайдир шахсий сифатларни эслатишга оид муносабатларни назарда тутати.

Олдиндан шаклланган фикр ёки нохолислик суд мажлиси давомида ёки суддан ташқарида имо-ишора, ташқи кўриниш ёки ахлоқда ифодаланиши мумкин. Одоб-ахлоқ кўриниши гувоҳларга нисбатан ишончсизлик ишора қилиши мумкин, бу билан халқ маслаҳатчиларига лозим бўлмаган таъсирини ўтказиши мумкин. Юз ифодаси суд ишида қатнашаётган тарафлар – адвокатлар, халқ маслаҳатчилари, оммавий ахборот воситалари вакиллари ва бошқа шахслар томонидан олдиндан шаклланган фикрга далил деб қабул қилиниши мумкин.

Д.М.Филин, А.В.Боровковлар фикрига кўра “Омманинг ҳар қандай фикри, судьялик фаолиятининг танқид қилиниши, у томонидан қабул қилинадиган қарорларнинг қонунийлиги ва асослигига таъсир қилмаслиги лозим” [14].

Судга нисбатан ҳурматсизлик кўринишларига оид ваколатлар судьяга суд залида вазиятни назорат қилиш одоб-ахлоқ нормаларига риоя қилишни таъминлаш имкониятини беради. Чунки, судга нисбатан ҳурматсизлик ўзининг характери ва оқибати бўйича жиноят санкциясини қўллашни тақазо этади. Мазкур санкцияни эса, ҳуқуқ нуқайи-назаридан етарлича асослантирилган ва процессуал талабларга қатъий равишда мос келадиган ҳолатларда қўллашга тўғри келади. Мазкур ваколатдан ўта эҳтиёткорлик ва кузатувчанлик билан фойдаланиш лозим. Судга нисбатан ҳурматсизликка қарши ваколатларни суиистеъмол қилиш олдиндан шаклланган фикрнинг кўриниши ҳисобланади. Бундай суиистеъмоллик ҳолати, судья ўз устидан назоратни йўқотган вақтда ва хусусан тарафлардан шахсий конфликтга дуч келиши мумкин бўлган адвокат ёки гувоҳдан қасд олишга ҳаракат қилишида кўринади.

Судья таянадиган кадриятлар, унинг қарашлари ҳамда қонун тўғрисидаги таъсуротлари олдиндан шаклланган фикрлар ҳисобланмайди. Кўриб чиқилмайдиган ишга оид ҳуқуқий ёки ижтимоий масалалар бўйича судьянинг умумий фикрга эга бўлиш омили судьяни мазкур ишни кўриб чиқиш ҳуқуқидан маҳрум қилмайди [15]. Бунда йўл қўйилмайдиган фикрни йўл қўйилмайдиган олдиндан шаклланган фикрдан фарқлаш зарур. Қайд қилинганидек, “судьянинг ақлини *tabula rasa* (“тоза доска”) деб исботлаш, олдиндан шаклланган фикрнинг йўқлигини эмас, балки малаканинг йўқлигидан далолат беради” [16]. Суд музокараси давомида тақдим қилинган далилларга нисбатан судьянинг мулоҳазалари ва таърифлари бундай таъқиқлар рўйхатига кирмайди, башарти, фақат судья мавжуд далилларни рад этмаса ёки кўриб чиқишни хоҳламаса.

“Судьяларнинг одоб-ахлоқига оид Бангалор принциплари”нинг 2.2.-бандида “Судьянинг суд мажлиси давомида ва суддан ташқаридаги ахлоқи жамият, юридик касб вакиллари ва суд жараёни томонларининг судья ва суд органларининг холислигига ишончини қўллаб-қувватлаш ва оширишга хизмат қилиши лозим” [1] лиги белгиланган.

Судья процессуал нормаларни ҳеч қандай бузишга йўл қўймасдан суд муҳокамасини лозим даражада ва самарали олиб борилишини таъминлашга мажбур бундай мақсадга эришиш учун судьяда қатъият бўлиши зарур, судья аниқ мувозанатни сақлаши керак, чунки у процессни самимий олиб бориши лозим токи, оқил кузатувчида бундай вазият судьяда холислик мавжуд эмас деган тасаввур қолдирмасин. Оқил кузатувчида судья ўз судьялик вазифасини ижро этиш жараёнида холислик кўрсатмади деган асослантирилган шубҳа уйғотиши мумкин бўлган ҳар қандай ҳаракатдан ўзини тийиши зарур. Агар бундай тасаввур пайдо бўлса, бу нафақат суд муҳокамасида қатнашадиган тарафларда, балки умуман суд тизимида нисбатан жамиятнинг ишончига таъсир қилади.

Суд музокарасида қатнашаётган тарафлар судга катта умид билан қарайди, уларнинг баъзилари суд қарорини, башарти, у уларнинг фойдасига ҳал қилинмаган бўлса, умуман асослантирилмаган қарор деб тушунишга ҳам тайёр туришади. Шунинг учун, бундай тушунишни бартараф қилиш мақсадида ёки уни қандайдир оқил асоснинг минимум даражасигача камайтириш учун барча сайъи-ҳаракатларни ишга солиш зарур. Судья олдиндан шаклланган фикр ёки нохолислик деб англашилиши мумкин бўлган ҳар қандай кўринишдан тийилиши лозим. Адвокатлар, тарафлар ва гувоҳларга нисбатан ҳақарот, ноўрин сўзлар ва огоҳлантиришлардан, шаклланган фикрлар тўғрисида гувоҳлик берувчи мулоҳазалардан, ҳамда сабрсиз, тоқатсиз ҳулқ-атвордан, ассосиз танқидлардан ўзини тийиши лозим, чунки булар суднинг холислигига нисбатан ишончга путур етказиши мумкин.

“Судьяларнинг одоб-ахлоқига оид Бангалор принциплари”нинг 2.3.-бандида “Судья ўзини суд мажлисларида иштирок этиш ва суд ишлари бўйича қарорлар чиқариш ҳуқуқидан маҳрум этишга сабаб бўладиган ҳаракатларни қилишдан имкон қадар ўзини чеклаши даркор” [1] деб белгиланган.

Судда кўрилиши лозим бўлган масалалар билан шуғулланиш учун судья тайёр бўлиши керак, аммо шундай вазиятлар бўладиги унда тарафларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида ҳамда суд органларининг ҳалоллиги ва поклигига нисбатан жамоатчилик ишончини сақлаш учун бирор бир ишни кўриш ва ўша иш бўйича қарор қабул қилишда судьяни иштирок этишдан маҳрум қилиш зарурати пайдо бўлади. Бошқа томондан эса, судьянинг мунтазам раддия эълон қилиши жамиятнинг суд таркибига ҳамда шахсан мазкур судьяга нисбатан ишончсизлик келтириб чиқариши ва ҳатто унинг ҳам касбларини ассосиз равишда иш юкламаларининг ошиб кетишига олиб келиши мумкин. Суд муҳокамасида тарафларда уларнинг ишларини кўриш учун судьяни ўзлари топиши ва танлаши мумкин экан деган тасаввур шаклланиб қолиши мумкин, бу мақсадга мувофиқ эмас. Шунинг учун, судья ўзининг шахсий ва расмий иши бўйича муносабатларини ўзининг судьялик мажбуриятлари сирасига кирмайдиган ишларини минимал даражага туширишга одатланган бўлиши керак.

Манфаатлар тўқнашуви эҳтимоли шундай ҳолатда пайдо бўладиги, бунда иш бўйича холис қарор қабул қилиш жараёнида судьянинг шахсий манфаатлари (судьяга яқин бўлган шахсларнинг) судья сифатида ўзининг мажбуриятлари бир-бири билан тўқнаш келади. Судьянинг холислиги оқил кузатувчининг назари остида ҳам факт бўйича холисликни, ҳам англаш бўйича холисликни назарда тутати. Холис қарор қабул қилишда манфаатлар тўқнашувини аниқлашга оид суд кўриб чиқадиган масалаларнинг мезонлари судья ўзининг манфаатлари билан мажбуриятлари, оқил кузатувчи томонидан вазиятни асослантирилган тарзда тушунишнинг шарт-шароитлар ўртасидаги ҳақиқий манфаатлар тўқнашувини ўз ичига олади. Масалан,

судьянинг яқин қариндошлари сиёсий фаолликка нисбатан тўлиқ ҳуқуққа эга бўлишига қарамасдан судья ўзининг яқин қариндошларининг сиёсий фаоллиги, унинг холислигини жамият томонидан англашилишига, майли хато бўлса ҳам, салбий таъсир этиши мумкинлиги олдида ўзига-ўзи ҳисобот бериши керак.

Худди шундай, судга тақдим қилинган ишларни кўриб чиқишга ўзининг мажбуриятларига судьянинг молиявий фаолияти қандайдир боғлиқ бўлишига йўл қўймаслиги керак. Бироқ раддия бериш билан боғлиқ кўплаб масалалар, бир қатор фикрлар билан боғлиқки, уларнинг ҳар бири мазкур ишни кўришга бўлган судьянинг ҳуқуқидан маҳрум қилишга асос бўлиб хизмат қилиши мумкин. Судья эга бўлган акция хиссаси акционерлик жамиятининг нуфузига қараб сезиларли даражадан паст деб малакаланишига қарамасдан у судьяни раддия беришига асос бўлиб хизмат қилиши учун аҳамиятли бўлиши мумкин. Судья шуни англаб этиши керакки, бунда жамоатчилик судьянинг раддия бериши учун асос сифатида хизмат қиладиган манфаат деб акцияни ҳисоблаши мумкин. Шунга қарамасдан, судья акционерлик капиталидаги сезиларсиз ҳиссага эга бўлишидан, ишни кўришда қўйиладиган сабаб сифатида фойдаланмаслиги керак. Агар акция хиссасига эгаллиги сабабли судья мунтазам равишда раддия бериб турадиган бўлса судья мазкур акцияни бошқа бир шахсга ўтказиши шарт [17].

Судья ўз оила аъзоларини ўзининг лавозимини шахсий манфаатлар йўлида фойдаланаяпти деб тушуниладиган бундай битимлардан тийилишининг зарурлиги тўғрисида ишонтаришга ҳаракат қилиши керак. Бу судьянинг лавозимидан ёки ёқтириш ҳамда судьялик лавозимидан беғараз фойдаланаяпти деган тушунчалар келиб чиқмаслиги учун ҳамда раддия имкониятларини иложи борича минимум ҳолатига келтириш учун зарур.

“Судьяларнинг одоб-ахлоқига оид Бангалор принциплари”нинг 2.4.-бандида “Ишни (кўриб чиқилиши аввалдан маълум бўлган ёки фақат тахмин қилинаётган) кўриб чиқиш олдиндан судья вазиятга оқилона баҳо беришдан келиб чиқиб, шу ишнинг якунига қандайдир таъсир қилиши ёки жараённинг адолатли амалга оширилишини шубҳа остига қўйиши мумкин бўлган ҳар қандай шарҳлардан ўзини тияди. Судья ошкора ёки бошқа шарҳлардан ўзини тияди, чунки акс ҳолда бу қандайдир шахс ёки масалага нисбатан ишнинг холисона кўриб чиқилишига тўсқинлик қилиши мумкин” [1] лиги белгиланган.

Музокара жараёни апелляция иш юритувининг якунига етгунича судьянинг ихтиёрида деб ҳисобланади. Шунингдек, музокара жараёни суднинг ихтиёрида деб шунддай ҳолатларда ҳисоблаш мумкинки, унда масалан, ҳалигача айблов тақдим қилинмаган жиноят тергов қилинаётган иш унга нисбатан ҳам қўзғатилиши мумкин деган асос эҳтимоли бўлса, ҳалигача айблов тақдим қилинмаган шахсни қамоққа олиш иши давом этаётган бўлса, ёки шахснинг обрў-эътибори шубҳа-гумон остига олинган бўлса, ҳамда тухмат иши бўйича тергов-суриштирув қўзғатилиши мумкин бўлса-ю аммо ҳалигача иш бошланмаган бўлса.

Агар ишни кўриб чиқиш якунлангандан кейин судья норози томонлардан судья ёки унинг ҳамкасблари томонидан қабул қилинган суд қарори ёки қарорларини танқид қиладиган шахслардан хатлар ёки бошқа хабарлар олса, бундай ёзишмалар доирасида судья хабарларнинг муаллифлари билан низоланмаслиги керак.

Оммавий ахборот воситаларининг вазифалари ва ҳуқуқи маълумотларни тўплаш ва уни жамиятга тақдим этиш, шу жумладан, айбсизлик презумпциясига риоя қилган ҳолда, суд босқичигача, суд босқичи давомида, ёки суд музокарасидан кейин кўриладиган ишлар билан боғлиқ одил судлов юритиш масалалари бўйича фикр билдиришни ўз ичига олади. Ахборот эркинлиги принциpidан чекиниш ҳолатлари “Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида”ги халқаро пактда белгилаб қўйилган. Агар оммавий ахборот воситалари ёки жамиятнинг манфаатдор аъзолари қабул қилинган суд қарорига оид танқидий чиқишлар қилса судья бундай танқидга оммавий ахборот воситаларида ёки суд музокаралари жараёнида ўзининг мазкур

танқидга оид фикр мулоҳазаларини билдирмаслиги керак. Умуман олганда, ўзи қабул қилган қарорларнинг асослантирилганлигини очиқ ҳимоя қилиш билан чиқишлар қилмаслиги лозим.

Агар оммавий ахборот воситаларида суд жараёнига оид ёки қабул қилинган суднинг қарорига оид бузиб кўрсатилган маълумот эълон қилинган бўлса, судья унга раддия эълон қилиш зарур деб ҳисобласа, суд котиби пресс релиз тарқатиши мумкин. Пресс релизда ишнинг ҳақиқий ҳолати ёки бундай бузиб кўрсатишни бартараф қилиш бўйича кўриладиган чоралар ёритилган бўлиши лозим.

Бангалор принципларининг 2.4 бандида оммавий ахборот воситаларига оид масала кўтарилмаган бўлсада, ҳар ҳолда мазкур масала долзарб ҳисобланади. Шунинг учун, бу масала билан боғлиқ муаммонинг учта жиҳатини алоҳида кўрсатиш зарур:

биринчи жиҳати - оммавий ахборот воситаларидан жамоатчилик назари олдида судьянинг исталган имиджини яратиш ва унинг лавозимда кўтарилиши ёки маълум бир аниқ қарорига оммавий ахборот воситаларининг эҳтимолдаги реакциясидан иборат бўлади. Агар судья оммавий ахборот воситаларининг у ёки бу таъсири остида қолишига йўл қўйса, бундай ҳолатда судья Бангалор принципларининг 1.1. ҳамда 2.1., 2.2., 3.1., 3.2. ва 4.1. каби бандларини бузган ҳисобланади;

иккинчи жиҳати - судьянинг суд биносидан ташқаридаги оммавий ахборот воситалари билан алоқаларини ўзичига олади. Суд музокарасининг очиқлигити файли, аксарият юрисдикция тизимларида оммавий ахборот воситалари маълумотни суд мажлиси баённомаларидан ҳамда тақдим қилинган пресс релизлардан олади. Баъзи давлатларда (Хусусан, суд материалларини сир сақлайдиган давлатларда) шундай тизим мавжудки, унга мувофиқ ҳар бир суддаги аниқ бир судьяга судда кўриладиган ҳар қандай иш билан боғлиқ ҳақиқий ҳолат юзасидан оммавий ахборот воситаларига маълумот бериш топширилади. Бундай характердаги маълумотлардан ташқари, суд биносидан ташқарида ўзи кўраётган иш юзасидан ёки ҳамкасблари томонидан кўриладиган иш юзасидан берилган судьянинг ҳар қандай шарҳи одатда мақбул эмас деб ҳисобланади;

учинчи жиҳати – судьянинг ўз қарори ёки бошқа судьяларнинг қарорига оид қилинган шарҳлари ва ҳатто унинг илмий мақоласига киритилган бундай шарҳларни қамраб олади. Қоидага биноан, бунга шундай ҳолатларда йўл қўйиладики, агар бундай шарҳлар умумий манфаатларга оид ҳуқуқий масалалардан иборат бўлиб улар бўйича қарор қабул қилинган ёки бу аниқ бир ишда кўриб чиқиладиган бўлса. Аммо ўтмишда қабул қилинган қарорларни фақат илмий контекстда муҳокама қилишга оид умумий қабул қилинган нормалар бўлса, уларни ўзгартириш зарур. Умуман олганда, ўтмишда қабул қилинган қарорлар бўйича судьялар кераксиз мунозараларга киришмасликлари лозим, хусусан, агар бундай муҳокамаларни суднинг нашр қилинган қарорида асослантирилган ҳолатларни тўлдирмоқда деб англаш мумкин бўлса.

“Судьяларнинг одоб-ахлоқига оид Бангалор принциплари”нинг 2.5.-бандида “Судья иш бўйича холис қарор чиқаришнинг имкони йўқ, деб ўйлаган, ёки четдаги кузатувчида судьянинг холислиги ҳақида шубҳалар пайдо бўлиши мумкин бўлган ҳолларда, у ишни кўриб чиқишда иштирок этишдан ўзини четга олади” [1] деб белгиланган.

Бу ерда асосий принципни “Ўзининг шахсий иши бўйича ҳеч ким ўзи судья бўла олмайди” ташкил қилади. Судлар томонидан ишлаб чиқилган мазкур принцип бир-бирига ўта ўхшаш аммо бир хил бўлмаган иккита оқибатдан иборат. Биринчидан, у айнан сўзма-сўз қуйидаги ҳолатда қўлланиши мумкин: агар судья суд ишида ҳақиқатдан ҳам ташқаридан келган бўлса, ёки у ишнинг натижасидан иқтисодий жиҳатдан манфаатдор бўлса, бундай ҳолатда у ўзининг шахсий ишига нисбатан судья сифатида чинакам ҳаракат қилади. Бу судьянинг раддияси учун етарлича асос ҳисобланади.

Иккинчидан, мазкур принцип яна шундай ҳолатларда қўлланилиши мумкинки, бунда судья иш бўйича тараф ҳисобланмайди ва ўз ишининг натижасида унинг иқтисодий манфаатдорлиги мавжуд бўлмайди. Бундай ҳолда у ўзини шундай тутадики, ва бу унинг ишига нисбатан ноҳолис бўлган асослантирилмаган гумонга сабаб бўлади, масалан, тарафларнинг биронтаси билан дўстона муносабатда бўлиши мумкин. Иккинчи вазият, қатъий айтганда мазкур принципни қўллашга мисол бўлмайди, унга мувофиқ ҳеч ким ўзининг шахсий иши бўйича ўзи судья бўла олмайди, чунки, қоидага кўра судьянинг ҳақиқий ёки номигагина бўлган холислиги одатда судьяга эмас балки бошқа шахсга фойда келтиради [18].

Агар, ўзига-ўзи раддия бериши шарт деб ҳисоблаётган судьянинг суд процессида тарафлар қатнашишга рози бўлсалар мазкур судьянинг ишни кўришдаги кейинги қатнашувини оқлаш қабул қилинмайди. Масала шундан иборатки, жамият одил судловни юритишнинг аниқ холис бўлишидан манфаатдор. Шунга қарамасдан, аксарият давлатларда суд процессининг тарафлари холисликка оид ҳар қандай масала билан боғлиқ талаблардан расман воз кечишни эълон қилиш ҳуқуқига эга. Агар бундай раддия, етарлича асослантирилган бўлса, мумкин бўлган раддия учун эълон қилинган асосга нисбатан эътирозга ўрин қолдирмайди.

Судьялик лавозимига тайинланишига қадар ўзининг касбий карьераси давомида судья эга бўлиши мумкин бўлган ҳар қандай мажбурият ва манфаатлари унинг фаолиятидаги холислик ва холисликка баҳо беришда эътиборга олиниши мумкин. Судьялик корпуси хусусий адвокатлар ҳисобидан шакллантириладиган давлатларда судьялик лавозимига тайинланганига қадар судья эгаллаб келган лавозимлар унга ўзининг шахсий фикрини ифода этиш ёки маълум бир партиялар ёки гуруҳлар номидан фаолият кўрсатишга эҳтимол юқори даражада имкон берган бўлиши мумкин. Шубҳасиз, агар судья сиёсий ҳаётда иштирок этган бўлса. Ҳуқуқ соҳасидан ташқарида сиёсий ёки бошқа соҳада бўладими орттирилган тажриба судьянинг профессионаллигини камайтирмайдиган, балки, кўпайтирадиган омил сифатида асослантирилган тарзда баҳоланиши мумкин. Судья ўзининг ўтмишдаги сиёсий қарашлари ёки партиявий манфаатларини унитиши ва улардан воз кечиши керак, айниқса, суд вазифаларини мустақил ва холис ижро этишга оид қасамёд қилиб, мажбурият олгандан кейин.

Одатда, судьянинг диний эътиқод, этник ёки миллий келиб чиқиш, жинс, ёши, ирқий мансублик, мулкӣ ҳолати, ёки сексуал ориентацияси унинг раддияси учун ўз-ўзидан асос бўлиб хизмат қила олмайди. Шу билан бирга, қоидага кўра, судьянинг ижтимоий келиб чиқиши, маълумоти, иш стажи, ижтимоий, спорт ёки хайрия ташкилотларига аъзолиги, ҳамда судьялик мажбуриятларни бажаришда илгари қабул қилинган суд қарорлари, баённомалар ёки аризаларда қайд қилинган эътирозлари ҳам раддияга асос бўлиши мумкин эмас, аммо мазкур умумий мулоҳазалар судья томонидан кўрилиши шарт бўлган аниқ ишлар ёки маълум бир ишнинг вазиятларига ёки ҳолатларига боғлиқ бўлади.

Аниқ шарт-шароитга боғлиқ ҳолда олдиндан шаклланган фикрга нисбатан асослантирилган шубҳа қуйидаги ҳолатларда пайдо бўлиши мумкин:

биричидан, агар судья ва ишни кўришга алоқадорлиги бўлган жамиятнинг қандайдир аъзоси ўртасида шахсий дўстлик ёки душманлик муносабатлари мавжуд бўлса;

иккинчидан, агар судья ишни кўришга алоқадорлиги бўлган жамиятнинг қандайдир аъзоси билан яқиндан таниш бўлса, хусусан, агар мазкур шахснинг кўрсатмаларининг ишончлилиги ишнинг натижаси учун сезиларли даражада аҳамиятга эга бўлиши мумкин бўлса;

учинчидан, агар судья, бирор бир шахснинг кўрсатмаларининг ишончлилики даражасини аниқлаши лозим бўлса ва у мазкур шахснинг кўрсатмаларини илгари кўрган ишларнинг бирида қатъий шаклда рад этган бўлса, бундай ҳолат судьянинг мазкур шахснинг кўрсатмаларига нисбатан холис баҳолашга бўлган қобилиятини

шубҳа остига келтириши мумкин;

тўртинчидан, агар судья, хусусан, ишни кўриш давомида бирор бир низоли масала юзасидан ўзининг фикрини шунчалик қатъий ва ўзини тута олмасдан билдирган бўлса мазкур ҳолат, бу масалани холис кўриб чиқишда мазкур судьянинг қобилиятига нисбатан асослантирилган шубҳа уйғотади;

бешинчидан, агар қандайдир бошқа бир сабаб бўйича судьянинг қобилиятига нисбатан шубҳа қилишнинг аниқ асослари мавжуд бўлса, бу кўриб чиқиладиган масалалар юзасидан холис қарор қабул қилишда судьянинг қобилиятига доир ташқи мулоҳазалар, олдиндан шаклланган фикр ёки нохолисликни эътиборга олмаслик мумкин.

Агар судьялик лавозимидан кетгандан кейин амалдаги судья ўзининг келгуси ишига оид таклифлар олган бўлса, айнан шундай ёндошувларни талаб қиладиган масалалар кўтарилиши мумкин. Бундай таклифлар юридик фирмалар, хусусий ёки давлат секторидagi иш берувчилар томонидан берилиши мумкин. Бундай ҳолатда мазкур вазиятга судьянинг шахсий манфаатдорлигига ҳамда унинг мажбуриятларига баҳо берадиган оқил, холис ва хабардор шахснинг нуқтаи-назаридан маълум бир таваккалчилик ҳам бўлиши мумкин ва бу бир-бирига қарама-қарши бўлиб қолиши ҳам мумкин. Бундай таклифларни кўриб чиқишда мазкур ҳолатни эътиборга олиш зарур, чунки кўп ҳолларда собиқ судьяларнинг одоб-ахлоқи мазкур судьянинг ўз лавозимидан кетганидан кейин ҳам ўз вазифасида қоладиган судьялар ҳамжамиятининг тушунишига таъсир қилиши мумкин.

“Судьяларнинг одоб-ахлоқига оид Бангалор принциплари”нинг 2.5. с).- бандида “Судья ёки унинг оила аъзолари кўрилатган ишнинг натижасидан моддий манфаатдор бўлса. Ушбу ишни кўриб чиқиш учун бошқа суд тайинланганининг иложи бўлмаган ҳолда, ёки ишнинг шошилинич хусусиятга эга экани, уни ҳал қилишни кечиктириш суднинг жиддий хатосига олиб келиши мумкинлиги шароитида судья ишни кўриб чиқишда иштирок этишидан четлаштирилиши мумкин эмас” [1] деб белгиланган.

Қоидага кўра, судья шундай ишни кўришдан раддия эълон қилиши лозимки ишнинг натижасига кўра агар судья (ёки унинг оила аъзолари) моддий фойда олиши ёки моддий зарар кўриши мумкин бўлса. Бундай вазият шундай вақтда пайдо бўлиши мумкинки, масалан судья судда низолашаётган тарафларнинг бири бўлган компаниянинг сезиларли даражадаги хиссасига эгалик қилса ва кўриб чиқиладиган ишнинг натижаси судьянинг моддий манфаатдорлигига ҳақиқий таъсир қилиши ёки асослантирилган тарзда таъсир қилади деб тушунилса.

Агар ишда тарафларнинг бири компания бўлиб унинг рўйхатига киритилган биржадаги акциядорлик капиталининг катта бўлмаган қисмига судья эгалик қилаётган бўлса, бунда судья ишни кўришда иштирок этиш ҳуқуқидан маҳрум қилинмаслиги мумкин, чунки ишнинг натижаси судьянинг манфаатларига таъсир қилиши эҳтимолдан йироқ. Аммо иш бошқача тус олиши мумкин агар суддаги низонинг натижаси компаниянинг фаолият юритишига ёки уни сақлаб қолишга боғлиқ бўлиб қолса, бундай ҳолатда аниқ шароитдан келиб чиқиб ишнинг натижаси судьянинг манфаатларига таъсир қилиши мумкин.

Фавқулодда вазиятларда юқорида баён қилинган принциплардан чекинишни талаб қилиши мумкин. Зарурат концепцияси судьяга ишни кўриб чиқиш ва иш бўйича қарор қабул қилиш имкониятини беради, башарти судьяни четлатиш одил судловдан воз кечишга олиб келиши мумкин. Бундай зарурат, суд ишини юритишда иштирок этишдан худди шундай тарзда четлатилмаган бошқа бир судьянинг йўқлиги пайтида пайдо бўлиши мумкин, ёки агар суд процесси кечиктирилса, ёки нотўғри суд музокараси жиддий қийинчиликларга олиб келса, ёки агар мазкур судьянинг йўқлиги сабабли ишни кўриб чиқиш ва иш бўйича қарор қабул қилиш учун судья тайинланмай қолган бўлса, бундай зарурат мумкин бўлмай қолади [19].

Албатта, бундай зарурат камдан-кам ва махсус ҳолатлардагина юзага келади.

Аммо бунга ўхшаш вазият охириги суд инстанцияларида вақти-вақти билан пайдо бўлиб туриши мумкин, унда судьялар сонини чеклашга тўғри келади ҳамда бундай ҳолатда бошқа судьяларга ваколатлаш мумкин бўлмаган муҳим конституциявий ва апелляциявий вазифалар мазкур судьяга юклатилади.

Хулоса қилиб айтганда, судьяларнинг холислиги адолатли суд муҳокамасига бўлган ҳуқуқнинг муҳим жиҳати ҳисобланади. Бу шуни билдирадики, судьялар холис ва ўз қарорларини далилларга ҳамда қўлланиладиган қонунчиликка асослантириб, ҳеч қандай шахсий адоватларсиз ёки кўрилатган ишга ва унда иштирок этаётган шахсларга нисбатан олдиндан шаклланган фикрларсиз ҳамда тарафларнинг манфаатларни кўзлаб ҳаракат қилмасликлари лозим.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Бангалорские принципы поведения судей. Гаага, 26 ноября 2002 года. https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/bangalore_principles.
2. Territorial Court Act (NWT), Northwest Territories Supreme Court, Canada (1997) D.L.R. (4th) 132 at 146, per Justice Vertes.
3. Russell PH, O'Brien DM (eds) *Judicial independence in the age of democracy: critical perspectives from around the world*. University of Virginia Press, Charlottesville 2001.
4. Stephen, N.. *Judicial independence – A fragile bastion*. In S. Shetreet & J. Deschênes (Eds.), *Judicial independence: The contemporary debate* Martinus Nijhoff Publishers. 1985.p. 529.
5. Pimentel D. *Reframing the independence v. Accountability debate: Defining judicial structure in light of judges' courage and integrity*. 2009. *Cleveland State Law Review*, 57(1), 1.
6. Raban, O. *Modern legal theory and judicial impartiality*. London: 2003 GlassHouse Press.
7. Shetreet, S. *Judicial independence: New conceptual dimensions and contemporary challenges*. In S. Shetreet & J. Deschênes (Eds.), *Judicial independence: The contemporary debate*. Dordrecht: Martinus Nijhoff Publishers. 1985.p. 590.
8. S. Shetreet & J. Deschênes, *Judicial independence: The contemporary debate*. Dordrecht: Martinus Nijhoff Publishers. 1985.pp. 7–380.
9. Geyh, C. *Straddling the fence between truth and pretense: The role of law and preference in judicial decision making and the future of judicial independence*. *Notre Dame Journal of Law, Ethics and Public Policy*, 22(2), 2008. 435. p. 447.
10. *Gregory v. United Kingdom*, European Court of Human Rights, (1997) 25 E.H.R.R. 577.
11. *Castillo Algar v. Spain*, European Court of Human Rights, (1998) 30 E.H.R.R. 827.
12. *R. v. Sussex Justices, ex parte McCarthy*, [1924] 1 K.B. 256 at 259, per Chief Justice Lord Hewart; и *Johnson v. Johnson*, (2000) 201 CLR 488 at 502.
13. *R. v. Bertram*, [1989] OJ No. 2133 (QL), Justice Cory в *R. v. S.*, Supreme Court of Canada, [1997] 3 S.C.R. 484, para. 106.
14. Филин Д.М., Боровков А.В. “Место и роль нравственных принципов в работе судьи”. *Вопросы современной юриспруденции*. 2015. №44. –С 3.
15. Jeffrey M. Shaman, Steven Lubet and James J. Alfini, *Judicial Conduct and Ethics*, 3rd ed. (Charlottesville, Virginia, The Michie Company, 2000).
16. *Laird v. Tatum*, United States Supreme Court (1972) 409 US 824.
17. Commonwealth of Virginia Judicial Ethics Advisory Committee, Opinion 2000-5; *Ebner v. Official Trustee in Bankruptcy*, High Court of Australia, [2001] 2 LRC 369, (2000) 205 CLR 337.
18. *Ex parte Pinochet Ugarte (No. 2)*, House of Lords, United Kingdom, [1999] 1 LRC 1.
19. *The Judges v. Attorney-General of Saskatchewan*, Privy Council on appeal from the Supreme Court of Canada, (1937) 53 T.L.R. 464; *Ebner v. Official Trustee in Bankruptcy*, High Court of Australia, [2001] 2 LRC 369; *Panton v. Minister of Finance*, Privy Council on appeal from the Court of Appeal of Jamaica, [2002] 5 LRC 132.

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

ОТАЖОНОВ Аброржон Анварович

Тошкент давлат юридик университети Ихтисослаштирилган Филиали
директори, юридик фанлар доктори, профессор
E-mail: abror_otajonov@mail.ru

БАРАТОВА Дилноза Одилжон қизи

Мирзо Улуғбек тумани Ички ишлар органлари фаолиятини
мувофиқлаштириш Бошқармаси Тергов бўлими Назорат ва таҳлил бўлими
катта суруштирувчиси

МЕҲНАТКАШ-МИГРАНТ ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ МИГРАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИНИНГ ЎЗИГА ХОС СУБЪЕКТЛАРИ СИФАТИДАГИ МАҚОМИ

For citation (иқтибос келтириш учун, для цитирования): ОТАЖОНОВ А.А., БАРАТОВА Д.О. Меҳнаткаш-мигрантлар тушунчаси ва уларнинг миграция жараёнларининг ўзига хос субъектлари сифатидаги мақоми // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 5 (2022) Б 125-133.

 5 (2022) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2022-5-16>

АННОТАЦИЯ

Мақолада бугунги глобаллашув шароитларида мамлакатлар иқтисодиётида меҳнаткаш-мигрантларнинг тутган ўрни, улардаги ижобий ва салбий хусусиятлари ҳамда меҳнат мигрантларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда уларнинг миграция жараёнларида ўзига хос субъектлари сифатидаги мақоми таҳлил қилинган. Илмий адабиётлар ва халқаро ҳужжатларда меҳнаткаш-мигрант тушунчасига берилган таърифлар ўрганилган, олимларнинг илмий қарашлари ҳамда халқаро ҳужжатларда меҳнаткаш-мигрантлар мазмунини таърифлашга қаратилган нормалари комплекс таҳлил қилиниб, меҳнаткаш-мигрант атамасининг кенг ва тор маънодаги тушунчалари шакллантирилган. Шунингдек, мақолада меҳнаткаш-мигрантларнинг турлари таҳлил қилиниб, уларнинг мазмуни очиб берилган ва бир-биридан фарқловчи белгилари аниқлаштирилиб, меҳнаткаш-мигрантларнинг ҳуқуқий мақомини такомиллаштиришга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: интеграция, миграция, меҳнаткаш-мигрант, меҳнат мигранти, миграция сиёсати, меҳнат миграцияси турлари, иммиграция, эмиграция.

ОТАЖОНОВ Аброржон Анварович

Директор Специализированного филиала Ташкентского государственного
юридического университета, доктор юридических наук, профессор
E-mail: abror_otajonov@mail.ru

БАРАТОВА Дилноза Адилжан қизи

Старший дознаватель Следственного отдела при Управление координации
деятельности органов внутренних дел Мирзо-Улугбекского района

ПОНЯТИЕ ТРУДЯЩИХСЯ-МИГРАНТОВ И ИХ СТАТУС КАК СПЕЦИФИЧЕСКИХ СУБЪЕКТОВ МИГРАЦИОННЫХ ПРОЦЕССОВ

АННОТАЦИЯ

В статье исследуются роль трудовых мигрантов в экономике стран в условиях современной глобализации, их положительные и отрицательные характеристики, а также защита прав трудовых мигрантов и их статус как специфических субъектов в миграционных процессах. Изучены определения, данные понятию трудящийся-мигрант в научной литературе и международных документах, всесторонне проанализированы научные взгляды ученых и нормы, направленные на определение содержания трудового мигранта в международных документах, сформированы широкие и узкие понятия термина трудящийся-мигрант. Также в статье анализируются виды трудовых мигрантов, раскрывается их содержание и уточняются отличительные признаки, разрабатываются предложения и рекомендации, направленные на улучшение правового положения трудящихся мигрантов.

Ключевые слова: интеграция, миграция, трудящийся-мигрант, трудовой мигрант, миграционная политика, виды трудовой миграции, иммиграция, эмиграция.

OTAJONOV Abrorjon

Director of the Specialized Branch of the Tashkent State Law University,
Doctor of Law, Professor

E-mail: abror_otajonov@mail.ru

BARATOVA Dilnoza

Senior investigator of the Investigative department under the Office of
Coordination activities of internal affairs bodies Mirzo-Ulugbek region

THE CONCEPT OF MIGRANT WORKERS AND THEIR STATUS AS SPECIFIC SUBJECTS OF MIGRATION PROCESSES

ANNOTATION

The article examines the role of labor migrants in the economies of countries in the context of modern globalization, their positive and negative characteristics, as well as the protection of the rights of labor migrants and their status as specific subjects in migration processes. The definitions given to the concept of a migrant worker in the scientific literature and international documents are studied, the scientific views of scientists and the norms aimed at determining the content of a labor migrant in international documents are comprehensively analyzed, broad and narrow concepts of the term migrant worker are formed.

The article also analyzes the types of labor migrants, reveals their content and clarifies the distinctive features, develops proposals and recommendations aimed at improving the legal status of labor migrants.

Keywords: integration, migration, migrant worker, labor migrant, migration policy, types of labor migration, immigration, emigration.

Бугунги замонавий дунёда иккита тенденция кузатилаётганлигини кўриш мумкин. Уларнинг биринчиси – очик иқтисодий ва шунга мувофиқ равишда меҳнат ресурслари ҳамда аҳолининг эркин кўчиб юриши бўлса, иккинчиси – протекционизм ва халқаро миграциянинг чекланиши [7, Б.248] ҳисобланади. Шу жиҳатдан ҳам инсон ресурслари, халқаро иқтисодий муносабатларнинг нафақат объекти, балки унинг

субъекти сифатида намоён бўлмоқда. Чунончи, халқаро миграция жараёни донор–мамлакатларга ҳам, қабул қилувчи мамлакатларга ҳам нафақат иқтисодий, балки кўп томонлама ижтимоий, демографик ва ижтимоий-руҳий таъсир ўтказади.

Зотан, бугунги кунда меҳнат миграцияси мослашувчан меҳнат бозорини шакллантириш, меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш, иқтисодиёт субъектларнинг ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш ва мамлакатларнинг иқтисодий ривожланишида муҳим ўрин тутаяди. Шу сабабли, донор ва қабул қилувчи мамлакатлар ўртасидаги ишчи кучи экспортини тўғри баҳолаш дунё иқтисодиёти ривожланишида муҳим омиллардан ҳисобланади.

Гарчи, миграциянинг турларидан бири сифатида меҳнат миграцияси, авваламбор, муносиб ҳаёт тарзини яратиш мақсадида иш қидираётган шахсларнинг ҳудудий ҳаракатланиши билан боғлиқ жараёнларнинг мажмуини намоён этади [16, Б.324]. Шу жиҳатдан ҳам миграция жараёнларининг моҳиятини очиб бериш ва уни тўғри тушуниш учун, авваламбор ушбу иборага тегишли бўлган барча белги ва элементларни ягона тушунча доирасида умумлаштириш лозимлигини назарда тутаяди. Бу эса муайян тушунчани унга яқин ва ўхшаш бўлган бошқа ҳодиса ҳамда категориялардан ўзаро фарқлаш имконини беради.

Шу ўринда айтиш керакки, илмий адабиётларда меҳнат миграцияси тушунчасига турлича таърифлар берилган бўлиб, олимлар ўртасида мазкур масалада ҳанузгача ягона тўхтамга келинмаган. Хусусан, Т.Н.Юдина, меҳнат миграция деганда, аҳолининг доимий яшаш жойини ёки вақтинча ўқиш ёки ишлаш учун келган жойини ўзгартириш мақсадида мамлакатларнинг ташқи ва ички маъмурий-ҳудудий чегараларини кесиб ўтиши билан боғлиқ бўлган ҳар қандай ҳаракатлаши [10, Б.30] ни тушунади. Н.Н. Бурейко эса, меҳнат миграциясини банд бўлган аҳолининг, ҳам мамлакат ичида, ҳам давлатлар ўртасида иш жойининг ўзгариши муносабати билан боғлиқ ҳаракатланишидир [5], деб ёзади ҳамда А.Б. Моргунова “пуллик фаолиятни амалга ошириш мақсадида одамларнинг мамлакат ичида, шунингдек ундан ташқарида ҳаракатланиши дир” [9, Б.92], деб таъриф беради. Е.А. Ситарчук ва А.В.Седовалар “меҳнат миграцияси деганда, ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва жойлаштиришнинг ўзгариши, шунингдек, меҳнатга лаёқатли аҳолининг ҳудудий ҳаракати” [12, Б.27; 11, Б.144], деб таъриф беради.

Айни дамда, юқорида келтирилган таърифларда меҳнат миграциясининг мазмуни у ёки бу даражада очиб берилади, бироқ муайян сабабларга кўра биз ушбу фикрларни тўлиқ қўллаб-қувватлай олмаймиз, чунки уларда меҳнат мигрантининг қабул қилувчи мамлакатда қонуний ёки қонунга хилоф равишда иш фаолиятини олиб бориши билан боғлиқ жиҳатларига эътибор қаратмайди ҳамда таърифларда мигрант билан бирга борган оила аъзоларининг ҳуқуқий мақомига ойдинлик киритмайди.

Шу жиҳатдан ҳам юқорида билдирилган фикрлардан масалага чуқурроқ ёндашилмаганлигини кўрсак бўлади. Чунки ушбу масалага умуман бошқача ёндашилган, алоҳида илмий изланишлар мавжуд бўлиб, жумладан бизнингча меҳнат миграциясига оид масалаларнинг мазмунини тўлиқроқ очиб берган фикрларни А.Федорако, Т.М. Безбородова, В.Л. Михайликов ва О.В. Никулиналар таъкидлаб ўтган. Жумладан, А. Федораконинг қайд қилишича, “Турли ижтимоий гуруҳларнинг ўз иқтисодий фаолиятини амалга ошириш мақсадида кантракт, шартнома, келишув, рухсатномада белгиланган муддатлар билан чекланган ҳаракатланиш мажмуи” [14, Б.102] дир. Ушбу таърифлардан кўриниб турибдики, уларда мазмунан ноқонуний меҳнат миграциясига оид ҳолатлар ўз ечимини топган.

Шунингдек, Т.М. Безбородованинг таъкидлашича, меҳнат миграцияси ижтимоий-иқтисодий ҳодиса бўлиб, меҳнатга лаёқатли аҳолининг фойда олиш ёки ишлаш мақсадида ихтиёрий равишда муайян муддатга доимий яшаш жойини ўзгартирмаган ҳолда ишлаб чиқаришнинг ривожланиши ва жойлашуви ҳамда шароит ўзгариши туфайли юзага келадиган ишчи кучининг кўчишини англатади. Шундан келиб чиқиб, меҳнат мигранти деганда “меҳнат фаолиятини амалга ошириш мақсадида

келган мамлакат ҳудудида муайян ишларни бажариш учун келишув мавжудлигини тасдиқловчи ҳужжатга эга бўлган ёки ушбу мамлакат қонунчилигида белгиланган тартибда меҳнат фаолиятини амалга ошираётган хорижий фуқаро ёки фуқаролиги бўлмаган шахсларни тушуниш лозим” [2].

Бундан ташқари В.Л. Михайликов ва О.В. Никулиналарнинг ёзишича, “Меҳнаткаш-мигрант деганда, чет эл давлати ҳудудида доимий яшовчи, меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун бошқа мамлакатга кўчиб келган ва ўша мамлакат ҳудудида меҳнат фаолиятини амалга ошириш тўғрисидаги келишувни тасдиқловчи ҳужжатга (меҳнат шартномаси ёки фуқаролик-ҳуқуқий шартнома) эга бўлган ёки ўша мамлакат ҳудудида унинг қонунчилигида белгиланган тартибда меҳнат фаолиятини амалга ошираётган чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахс тушунилади [8, Б.220].

Дарҳақиқат, меҳнат мигранти фойда олиш учун ўз мамлакати чегарасини ихтиёрий равишда кесиб ўтади ҳамда у қабул қилувчи мамлакатда иш берувчилар билан муайян келишув, шартнома тузади ва ўша давлат қонунчилигида белгиланган тартибда меҳнат фаолиятини олиб боради. Бу ўз навбатида, бошқа мамлакатда қонуний ёки ноқонуний равишда меҳнат фаолиятни олиб бораётган мигрантларни аратиш имконини беради. Гарчи, бошқа мамлакат ҳудудида ноқонуний меҳнат фаолиятни олиб бораётган ҳолатдаги меҳнат мигранти ўша мамлакатдан чиқариб юборилиши ёки жавобгарликка тортилиши мумкин. Шунинг учун ҳада ушбу ҳолат муайян шахс учун юридик жавобгарликни келтириб чиқаришини инобатга олиб, меҳнат мигрантига бериладиган таърифда назарда тутилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Юқоридагилар билан бирга мазкур муаммони ўрганган С.Дж. Джолдосова меҳнат мигрантига қуйидаги таъриф беради, яъни: “меҳнат мигранти – Ўзбекистон Республикаси фуқароси ва Ўзбекистон Республикасида доимий яшовчи фуқаролиги бўлмаган шахс, 18 ёшга тўлган, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига ҳамда ишга жойлашиш давлати ҳудуди қонунчилигига мувофиқ бўлиб турган ва пуллик меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи шахсдир [6, Б.260]”. Шунингдек, бу борада, шунга яқин фикр билдирган А.В.Седованинг ёзишича, меҳнат фаолияти билан муайян ёшдаги одамлар шуғулланишлари мумкинлиги боис, меҳнат миграциясининг ажралиб турадиган хусусияти унинг қулай меҳнат шароитларини излаб, доимий яшаш жойини тарк этадиган одамларнинг меҳнатга лаёқатлилиги ёки ҳисобланади [11, Б.139]. Айни пайтда мазкур таърифлар ҳам меҳнат миграцияси мазмунини очиқ беради, бироқ биз С.Дж.Джолдасованинг меҳнат мигрантларининг ёшини 18 ёшга тўлиши билан чегаралаб қўйилишига қўшила олмаймиз, чунки халқаро ҳужжатлар ҳамда миллий қонунчилик нормаларига мувофиқ 18 ёшга тўлмаган шахслар ҳам ишлаш ҳуқуқига эга [3; 13] ҳисобланади ҳамда улар ҳам ишлаш учун хорижий мамлакатга чиқиши мумкинлигини инкор этиб бўлмайди. А.В.Седованинг ҳам келтирилган фикрни ҳам тўлиқ қўллаб-қувватлай олмаймиз, боиси амалда кўриб турганимиздек, меҳнат мигратларининг ёши ҳар доим ҳам меҳнатга лаёқатли ёш билан қатъий равишда чегаралаш мумкин эмас, чунки биргина мамлакатимиздан чет элга ишлаш учун чиққан меҳнат мигрантларининг 10 фоизи яқинини вояга етмаганлар ташкил этади.

